



ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА  
ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

1 ҚИСМ



АЗИМОВ И., ТОЖИБОЕВА М., ҒОЗИЕВ А.

# ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

(I ҚИСМ)

*Олий ўқув юрталарининг ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши  
талабалари учун дарслик*

69445 -



ЗВЕРО  
Алматы - 2024

Ж. А. ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ  
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ

КІТАПХАНА

ЎЖ  
КБЖ  
А

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги  
мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020-йил 4-майдаги 285-сонли буйруғи билан нашрга  
тавсия этилган*

Такризчилар:

**Сулаймонова Нигора** – филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти;

**Шоалиева Наргиза** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Тузувчилар:

**Азимов Иномжон** филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти;

**Тожибоева Махбуба** филология фанлари номзоди, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти доценти;

**Ғозиев Алишер** Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси.

А **Азимов И., Тожибоева М., Ғозиев А.**

Шарқ тиллари ва эски ўзбек ёзуви (I қисм): дарслик / И. Азимов, М. Тожибоева, А. Ғозиев. – Алматы: Эверо, 2021. – 292 б.

ISBN

Мазкур дарслик олий таълим муассасаларининг филология йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, амалдаги таълим стандартлари, фан ва ўқув дастурлари асосида тузилган. Дарслик икки қисмдан иборат. Дарсликнинг биринчи қисмида араб ёзувининг Ўрта Осиёга кириб келиши, араб ёзуви, ёзувнинг ўзига хосликлари, арабий ҳарфларни ёзувда ифодаланиши, мунфасил ҳарфлар, муттасил ҳарфлар, ёзувда унлиларнинг ифода этилиши, ҳаракатлар, арабий ва форсий изофалар, рақамлар, туркий ва ўзлашган сўзларни аниқлаш усуллари, ёзув босқичлари, хат турлари, хаттотлик, хаттотлик қуроллари, абжад ҳисоби, ҳарфий санъатлар, йил ҳисоблари (милодий, хижрий, мучал), буржлар, тошбосма асарлар, кўлёмза асарлар, манбашунослик ва шу каби мавзуларга оид назарий ва амалий маълумотлар берилган.

Бўли оқу қўралы жоғары оқу орынларының филологиясы студенттеріне арналған және қазіргі білім стандарттарына, ғылым мен оқу бағдарламаларына негізделген. Оқулық екі бөлімнен тұрады. Оқулықтың бірінші бөлімінде Орта Азияға араб жазуын енуі, араб жазуы, жазудың ерекшелігі, араб әріптерінің жазуда бейнеленуі, жекеше әріптер, үздіксіз әріптер, дауысты дыбыстардың өрнегі, әрекеттер, араб және парсы жұрнақтарында, сандарда, түрік және сырттан кірген сөздерде әріптердің түрлері, каллиграфия, каллиграфия құралдары, алфавиттік есептеу, сөз өнері, жыл есептеулері туралы теориялық және практикалық ақпарат, литографтар, қолжазбалар, деректану және ұқсас тақырыптар қарастырылған.

ЎЖ  
КБЖ

ISBN

© Азимов И., Тожибоева М., Ғозиев А., 2021  
© Эверо, 2021

## БИРИНЧИ КИТОБ. ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ.

### НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ ҚИСМИ.

#### 1 – МАШҒУЛОТ

**МАВЗУ:** АРАБ ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ.

**Режа:**

1. Араб ёзувининг Ўрта Осиё халқлари ҳаётига кириб келиши.
2. Ёзувнинг номланиши ҳақида.
3. Эски ўзбек ёзувининг шаклланиши.
4. Араб-ўзбек алифбоси.

**Таянч сўз ва иборалар:** араб, наботийлар, оромийлар, финикийлар, сомиё тиллар, консонантизм, ёзув, Ўрхун-Энасой ёзуви, уйғур ёзуви, славян ёзуви, лотин ёзуви, араб ёзуви, чигатой тили, қадимги туркий тил, араб-ўзбек ёзуви, лаҳжа, қарлуқ, алифбо, араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, мунфасил ҳарфлар, бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар, алоҳида кўриниши, сўз бошидаги кўриниши, сўз ўртасидаги кўриниши, сўз охиридаги кўриниши, сатр усти, сатр ости, мад (мадда), а товуши, и товуши, у товуши, о товуши, мунфасил ҳарфлар, бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар, алиф ҳарфи, дол ҳарфи, зол ҳарфи, ре ҳарфи, зе ҳарфи, ж:е ҳарфи, вов ҳарфи, алоҳида шакл, сўз бошидаги шакл, сўз ўртасидаги шакл, сўз охиридаги шакл, сатр усти, сатр ости

**Ўқув машғулотининг мақсади:** араб, наботийлар, оромийлар, финикийлар, сомиё тиллар, консонантизм, ёзув, Ўрхун-Энасой ёзуви, уйғур ёзуви, славян ёзуви, лотин ёзуви, араб ёзуви, чигатой тили, қадимги туркий тил, араб-ўзбек ёзуви, лаҳжа, қарлуқ, алифбо, араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, мунфасил ҳарфлар, бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар, алоҳида кўриниши, сўз бошидаги кўриниши, сўз ўртасидаги кўриниши, сўз охиридаги кўриниши, сатр усти, сатр ости, мад (мадда), а товуши, и товуши, у товуши, о товуши, мунфасил ҳарфлар, бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар, алиф ҳарфи, дол ҳарфи, зол ҳарфи, ре ҳарфи, зе ҳарфи, ж:е ҳарфи, вов ҳарфи, алоҳида шакл, сўз бошидаги шакл, сўз ўртасидаги шакл,

сўз охиридаги шакл, сатр усти, сатр ости ҳақидаги назарий билимларни амалий равишда мустаҳкамлаш.

## **АРАБ ЁЗУВИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИГА КИРИБ КЕЛИШИ**

Тарихдан маълумки, VII асрда араблар ислом динини тарғиб қилиш мақсадида дунё мамлакатлари қаторида Ўрта Осиёга ҳам юришлар қилишди ва натижада мазкур ўлканинг жуда катта ҳудудларини эгаллаб олишди. Натижада VIII асрнинг охирларига келиб катта ҳудудни ўзида мужассамлаштирган, турли тилларда сўзловчи халқлардан ташкил топган араблар империяси вужудга келди. Бу даврларда Ўрта Осиёда араб халифалигининг ҳукмронлиги ва ислом дини каттиқ ўрнашди. Бунинг натижасида Ўрта Осиёдаги Суғд, Уйғур, Ўрхун-Энасой каби ёзувлар сиқиб чиқарилди. Араб тили VIII асрдан бошлаб Ўрта Осиё халқлари учун илм фан ва давлат ишларидаги расмий ҳамда ягона тил сифатида ҳукмронлик қила бошлади.

## **ЁЗУВНИНГ НОМЛАНИШИ ХУСУСИДА**

Араб ёзуви – бу ёзув Ўрта Осиё халқларига минг йилдан бери хизмат қилиб келган ва унда бой ёзма маданий манбалар яратилганлиги маълум. 1917-йилдан кейин бу ёзувнинг ислох қилингани ва орада лотин, славян ёзувлари асосида тузилган янги ёзувларга ўтишимиз туфайли кўп асрлик эски ўзбек ёзувидан ҳамда у ёзувдаги қимматли меросдан узоқлашиб қолганимиз ҳам айни ҳақиқат. Маданий меросга ва бу меросни эгаллашнинг калити бўлиши эски ўзбек ёзувини ўрганишга муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда бизга араблардан ўтиб халқимизнинг ўз миллий-тарихий ёзувига айланиб улгурган мазкур ёзувни номлаш масаласида баҳсли ўринлар ҳам бўлган. Баъзилар буни тўғридан тўғри «араб ёзуви» деб атайвериш керак деб ҳисоблашса, аксарият олимлар бу ёзувни «араб-ўзбек ёзуви» деб қўллашни маъқуллашди.

**Биринчидан**, бу тарихий воқеадан буён минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди ва ёзувнинг маънавий эгаси ўзгарди. Эндиликда ёзув нафақат арабларга, балки эроний, туркий ва бошқа халқларга ҳам хизмат қиладиган бўлиб қолди.

**Иккинчидан**, ёзувнинг ўзи ўзгарди, ёзувга арабларда бўлмаган ҳарфлар қўшилди, унинг график имкониятлари кенгайди, такомиллашди.

Арабларда ёзув консонант (ундош товушнигина ифодаловчи) ёзув вазифасини бажарган. Туркий халқлар тарихида эса бу ёзув (қадимги туркий ёзув анъаналари асосида) фонографик (унли ва ундош товушларни тенг ифодаловчи) ёзувга айлантирилган, унинг имло асослари ҳам ўзгарган. Шу ва шу сингари асосларга кўра, халқимиз тарихида қўлланган эски ёзувни «араб ёзуви» дея олмаймиз. Аслини олганда, араб тилига мослашган ёзувни – форс ёзуви, туркий тилларга мослашган ёзувни – «туркий ёзув» деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ, «эски туркий ёзув» деганда, Ўрхун-Энасой ёзуви, уйғур ёзуви каби қадимги туркий ёзувлар ҳам умумлашиб кетиши мумкин. Ёзувни «қадимги туркий тил», «қадимги туркий ёзув» тушунчаларидан фарқлаш мақсадида ўзбек тили тарихига нисбатан «эски ўзбек тили» атамасини қўллаб, шунга мос ҳолда Лутфий, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз иш кўрган ва ўзидан кейинги авлодларга сайқаллаб қолдириб кетган араб алифбосига асосланган эски туркий ёзувни «эски ўзбек ёзуви» деб аташ анъанага кирди.

### ЧИҒАТОЙ ТИЛИ

Мустамлака даврида «**Чиғатой тили**» деб номланиши ҳам Чингизхоннинг золим ўғли Чиғатойга менгзаб Навоийни Чингизхонга бориб тақалишини сиёсий мақсадда ўйлаб топган уйдурмалари деб, тушуниш лозим. Негаки, Чиғатойдан олдин ўзбек тили «Девону луғотит-турк» деб юритилган асарда ҳам асослаб берилган. Манфур сиёсатчилар, тўкиб чиқарган ёлғон хабарлар тилимизнинг кадрилини туширишга, уни онгимиздан ювиб ташлашга қаратилганлиги билан кўплаб қийинчиликларни туғдирди. Ваҳоланки, тилга шу даражада паст назар билан қарашган мустамлакачилар охир-оқибат миллат қудратидан ҳайиқишганлигини яширишга уринишган.

А. Илхомов ўзининг «**Археология узбекской идентичности**» асарида қуйидагиларни ёзади: «Кўплаб тарихчилар чингизхоннинг иккинчи ўғли шарафига Чиғатой номи билан аталган улусда ҳам давлат тили бўлиб хизмат қилган тилни ва бу улусни бошқарган мўғилларнинг мўғил тилидан ажрата олмай ҳато равишда «**чиғатой тили**», деб аташадиган, эски ўзбек тилидир.»

## ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ

Эски ўзбек тили туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансуб тиллардан бири. маҳаллий туркий лаҳжалар негизида ўзидан олдинги даврларнинг адабий лисоний анъаналари таъсири остида шаклланган ва 14-аср 2-ярмидан 19-аср охирларигача мавжуд бўлган ёзма китобий тил.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш ва бунда эски ўзбек тилининг ўрни ва қайси даврларни қамраб олиши ҳақида ягона фикр мавжуд эмас.

Ўзбек тили тарихини даврлаштириш бўйича рус олимларидан С.Е.Малов, П.М.Мелиоранский, А.Н.Самойлович, А.К.Боровков, А.М.Шчербак, венгер олими Я. Экман, ўзбек олимларидан О.Усмонов, Ғ. Абдурахмонов, У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Мухторов, У. Санакулов ва бошқаларнинг тадқиқотлари мавжуд. уларда келтирилишича “эски ўзбек тили” термини ўрнида “туркий тил”, “чиғатой тили”, “ўрта осие туркий адабий тили” терминлари қўлланган.

Эски ўзбек тили қадимги туркий тилнинг бевосита давоми ва ҳозирги ўзбек тилининг асоси ҳисобланади. Айрим илмий манбаларда “чиғатой тили” деб ҳам аталади, аммо эски ўзбек тилининг чиғайтойга, мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бунинг устига ўша давр ёзувчи ва шоирлари ўз тилларини туркий тил деб номлаганлар.

Қарлуқ, ўғуз, кипчоқ гуруҳларига мансуб туркий тиллар ўртасидаги минтақавий ўзгаришлар ва жадал ҳамда самарали алоқа муносабатлари туфайли келиб чиққан турли лаҳжавий шакллари ўз ичига олган эски ўзбек тили барча лаҳжалар учун умумий хусусиятга эга бўлади. Бу хусусият кўплаб арабча, форсча ўзлашмалар, шунингдек, араб графикасининг қўлланиши оқибатида янада чуқурлашади, мураккаблашади. Бунинг натижасида эски ўзбек тилидаги асарлар Босфордан Олтой ва Ҳиндистонгача чўзилган худудда яшовчи туркийзабон халқлар томонидан кенг ўқиладиган бўлган. Шуни айтиш керакки, арабча, форсча сўз ва ибораларнинг кўплаб қўлланиши ҳамда услубий воситалар сабабли китобий тил жонли тилдан жиддий фарқ қилган.

Ёзма адабиётнинг кам тарқалганлиги туфайли лаҳжа хусусиятлари сақланиб қолган. Бундай хусусиятлар адабий

асарларда ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Фарғона ва Мовароуннаҳрда ёзилган адабий асарлар тили билан Хоразмда ёзилган адабий асарлар тили ўртасида маълум лаҳжавий фарқлар сезилиб турган.

Эски ўзбек тилининг илк шаклланиш даврида (XIII-XIV асрлар) бу нарса яққол кўринар эди, кейинчалик эса бундай лаҳжавий хусусиятлар аралшиб кетади. Масалан, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" ва Саид Аҳмаднинг "Таашшукнома" асарларида ўғуз лаҳжаси хусусиятлари, Кутбнинг "Хусрав ва Ширин" асарида кичик лаҳжаси хусусияти ўз аксини топган бўлса, XVI асрга оид "Бобурнома"да қарлук, ўғуз ва кичик лаҳжаларининг хусусиятлари аралаш ҳолда қўлланган.

Шу тариқа лаҳжа хусусиятлари аста секин йўқола бориб, XV - XVI асрларда ягона, умумий адабий тил хусусиятлари асосий ўринни эгаллайди. Эски ўзбек адабий тили анча кенг ҳудудга ёйилиб, унинг барқарорлашган меъёрлари асосида ёзувчи ва шоирлар XIX аср охири XX аср бошларигача ижод қилиб келдилар.

Эски ўзбек тили Алишер Навоий даврида, унинг асарларида ўз ривожининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шоир ўзининг ўнлаб назмий ва насрий асарлари билан бу тилни камолотга етказди, уни давлат тили даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилди. У нафақат ўша ва кейинги даврлар ўзбек адабий тилининг асосчиси, ривожлантирувчиси, балки тадқиқотчиси ҳамдир.

Навоий ўзининг "Муҳокамат уллуғатайн" асарида эски ўзбек яъни туркий тилни форс тилига қиёслаш асосида унинг фонетик, лектик ва грамматик соҳаларда ривожланган тил эканлигини назарий жиҳатдан асослаб, кўрсатиб беради.

Бобурнинг насрий асари "Бобурнома" Навоийнинг насрий асарларидан тилининг анча соддалиги, жонли тилга яқинлиги билан ҳатто ҳозирги замон ўқувчисига ҳам тушунарлидир.

Алишер Навоийдан кейин яратилган насрий асарлар ва айрим дostonларда эски ўзбек тилининг анъанавий меъёрларидан бир оз узоқлашиш, уни халқ тилига яқинлаштириш тамойили кузатилади.

Кўплаб шеърий асарларда, ғазалларда эса эски ўзбек адабий тили анъаналари давом этади. XIX асрнинг 2-ярмига келиб насрий асарларгина эмас, назмий асарлар ҳам жонли тилга яқинлашади. Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқалар шоирларнинг асарлари ана шулар жумласидандир. Айни шу давр, яъни XIX аср охири XX аср



бошлари эски ўзбек адабий тилидан ҳозирги ўзбек адабий тилига ўтиш босқичи ҳисобланади.

### ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

X асрдан XIX асргача муомалада бўлган араб ёзувини туркий тилларга мослашган «туркий ёзув» деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бирок, «эски туркий ёзув» деганда, Ўрхун-Энасой ёзуви, уйғур ёзуви каби қадимги туркий ёзувлар ҳам умумлашиб кетиши мумкин.

Ёзувни «қадимги туркий тил», «қадимги туркий ёзув» тушунчаларидан фарқлаш мақсадида ўзбек тили тарихига нисбатан «эски ўзбек тили» атамасини қўллаб, шунга мос ҳолда Лутфий, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз иш кўрган ва ўзидан кейинги авлодларга сайқаллаб қолдириб кетган араб алифбосига асосланган эски туркий ёзувни «эски ўзбек ёзуви» деб аташ анъанага кирди.

суғдийча луғат			суғд ёзуви
а	𐰀	𐰁	
б	𐰂	𐰃	
в	𐰄	𐰅	
г	𐰆	𐰇	
д	𐰈	𐰉	
е	𐰊	𐰋	
ж	𐰌	𐰍	
з	𐰎	𐰏	
и	𐰐	𐰑	
к	𐰒	𐰓	
л	𐰔	𐰕	
м	𐰖	𐰗	

## ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Тарихда араб ёзуви деб ном олган, асрлар давомида эроний ҳамда туркий халқларнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутиб келган араб ёзуви арабларга ислом дини қабул қилинишидан олдинроқ наботий қабилаларидан ўтган, наботийлар уни оромийлардан, оромийлар финикияликлардан ўзлаштириб олган эдилар.

Наботийлар ҳам, оромийлар ҳам араблар сингари сомиий тилларига мансуб халқлар бўлгани сабабли уларнинг 22 ҳарfli консонант (ундошни ифодаловчи) ёзуви араб тилига мос тушаверган. Кейинроқ эса, ислом динининг ёйилиши олдидан араблар ёзувга араб тилининг ўзига хос товушларини билдирувчи 6 та ҳарф кўшадилар. Ўрта Осиё халқлари араб ёзувини қабул қилган вақтда бу ёзувда 28 та ҳарф мавжуд бўлиб, ҳарфларнинг катта бир қисми ( “ه”, “ع”, “ظ”, “ط”, “ض”, “ص”, “ذ”, “ح”, “ث” ҳарфлари ) араб тилининг махсус товушларини ифодалашга хизмат қилади. Маҳаллий халқлар бу каби ҳарфлар ифода этган товушлар талаффузи туркий тилларга ёт бўлганлиги сабабли уларни ёт **ҳарфлар** ҳам деб номлашган.

Арабларнинг 28 ҳарfli ёзуви билан маҳаллий халқлар арабча матнларни ўқиб чиқаришга одатланган бўлсалар ҳам, ўз тилларида фикр ифодалашга қийналадилар. Бу ҳолат ёзувга яна баъзи кўшимча ҳарфлар киритишга ( пэ (پ), чим (چ), ж:э (ج), гоф (گ) ) сабаб бўлади. Шундай қилиб, 32 ҳарfli араб – ўзбек ёзуви вужудга келди.

Бу ёзув Ўрта Осиё халқларига минг йилдан бери хизмат қилиб келган ва унда бой ёзма маданий обидалар яратилганлиги маълум. Айни пайтда 1917 йилдан кейин бу ёзувнинг ислоҳ қилингани ва орада лотин, славян ёзувлари асосида тузилган янги ёзувларга ўтишимиз туфайли кўп асрлик эски ёзувдан ва у ёзувдаги қимматли меросдан узоклашиб қолганимиз ҳам айни ҳақиқат. Маданий меросга ва бу меросни эгаллашнинг калити бўлмиш эски ўзбек ёзувини ўрганишга муносабат тубдан ўзгариб қолган бугунги кунда бизга араблардан ўтиб халқимизнинг ўз миллий-тарихий ёзувиге айланиб кетган мазкур ёзувни номлаш масаласида баҳсли ўринлар бор.


Баъзилар буни тўғридан-тўғри «араб ёзуви» деб атайвериш керак, деб ҳисоблайдилар, шунингдек, бу ёзувни «араб – ўзбек ёзуви» деб қўлловчилар ҳам бўлди.

Тўғри, ёзув араблардан ўзлашган. Бу тарихий воқеадан буён минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Орада энг аввал ёзувнинг маънавий эгаси ўзгарди. Эндиликда ёзув фақат арабларники бўлиш билан бир қаторда эроний ва туркий халқларники ҳам бўлиб қолди. Иккинчидан, ёзувнинг ўзи ўзгарди, ёзувга арабларда бўлмаган ҳарфлар қўшилди, унинг график имкониятлари кенгайди, такомиллашди.

### АРАБ - ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

Араб тили товушларига мослашган ва шу тилнинг товуш системасини тўла акс эттира олган араб алифбоси туркий товушларини тўла ифодалай олмади. Бунга сабаб, биринчидан, туркий фонетик системасига тамоман ёғ бўлган бир неча товуш ва белгиларнинг араб тилидан кириб келиши бўлса, иккинчидан, туркий тилнинг хусусиятларини ифода этувчи спесифик товушларнинг араб тили товушлари системасида бўлмаслиги ҳамда уларни ёзувда ифодаловчи маълум ҳарфларнинг араб алифбосида йўқлиги бўлди.

Араб алифбоси 28 ҳарфдан иборат бўлиб, туркий ва эроний халқлар ўз махсус товушларини ифодалаш учун қўшимча қуйидаги п, ч, ж:, г ҳарфларини киритдилар:



Бу ҳарфларни ҳосил қилишда уларга ҳосил бўлишига кўра яқин бўлган ҳарфлар асос қилиб олинди ва уларга иккитадан нуқта орттириш орқали янги ҳарфлар кашф қилинди.

**Изоҳ:** Гоф ҳарфи устига қўйилган **икки нуқта** кейинчалик ҳаракатларни умумлаштириш мақсадида **чизикқа** алмаштирилди.

Шундай қилиб, араб-ўзбек алифбосидаги ҳарфлар сони 32 тага етди.

Алифбодаги ҳарфлар ўзларининг ёзувдаги хусусиятларига кўра бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар ва икки томонлама қўшилувчи ҳарфларга бўлинади.

Бир томонлама қўшилувчи ҳарфларнинг боғланган ва боғланмаган шакллари мавжуд бўлганлиги сабабли улар ёзувда икки кўринишда бўлади.

### АРАБ-ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

Ҳарфнинг номи	Ҳарфнинг ҳозирги кўриниши	Ҳарфларнинг ёзилиши			
		Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Ёлғиз ҳолда
Алиф	о,а	ا	ا	ا	ا
Бе	Б	ب	ب	ب	ب
Пе	П	پ	پ	پ	پ
Те	Т	ت	ت	ت	ت
Се	С	ث	ث	ث	ث
Жим	Ж	ج	ج	ج	ج
Чим	Ч	چ	چ	چ	چ
Ҳо-ёе хутти	Ҳ	ح	ح	ح	ح
Хе	Х	خ	خ	خ	خ
Дол	Д	د	د	د	د
Зол	З	ذ	ذ	ذ	ذ
Ре	Р	ر	ر	ر	ر
Зе	З	ز	ز	ز	ز
Ж:е	ж:	ژ	ژ	ژ	ژ
Син	С	س	س	س	س
Шин	Ш	ش	ش	ش	ش
Сод	С	ص	ص	ص	ص
Зод	З	ض	ض	ض	ض

Харфнинг номи	Харфнинг hozirги кўриниши	Харфларнинг ёзилиши			
		Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Ёлғиз холда
То	Т	ط	ط	ط	ط
Зо	З	ظ	ظ	ظ	ظ
ъайн	-	ع	ع	ع	ع
Гайн	Ғ	غ	غ	غ	غ
Фе	Ф	ف	ف	ف	ف
Қоф	Қ	ق	ق	ق	ق
Коф	К	ك	ك	ك	ك
Гоф	Г	گ	گ	گ	گ
Лом	Л	ل	ل	ل	ل
Мим	М	م	م	م	م
Нун	Н	ن	ن	ن	ن
Вов	В	و	و	و	و
Ҳо-йе ҳавваз	Ҳ	ه	ه	ه	ه
Ё	й,и,е	ی	ی	ی	ی

## АРАБ ЁЗУВИДАГИ ҲАРФ ЯСОВЧИ УНСУРЛАР


Араб алифбоси йигирма саккиз ҳарфдан ташкил топган бўлсада, асосан ўн саккиз ҳарф ясовчи унсури яъни белгилардан иборат. Араблар ушбу унсурларнинг баъзиларининг ост ва устларига нукталар қўйиш орқали алифбодаги ҳарфлар сонини 28 тага етказишган. Кейинчалик шу алифбо асосида форслар ўзларининг ёзувларини шакллантиришди. Шу тариқа араб алифбосига асосланган араб-форс ёзувида ҳарфлар сони ўттиз иккига етган.

Алифбодаги тўққизта унсурининг ҳар бири бир неча янги ҳарфлар ҳосил қилишда иштирок этади. Қолган тўққизтаси эса ҳар бири биттадан ҳарф ифодалашда иштирок этади.


Ҳарф ясовчи биринчи тўққизта унсури қуйидагилар:

ب ح د ر س ص ط ع ك


ب унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ح унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ر унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




د унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




س унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ص унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ط унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар




ع унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар



ک унсури орқали ҳосил қилинган ҳарфлар



Иккинчи тўққизта унсур қуйидагилар:



Юқоридаги унсурларнинг ҳар бири алоҳида алоҳида ҳарфлар ҳосил қилишда ишлатилади. **Масалан:** “ف” – “ف”

Ҳар бир ҳарфни ёзишда нукталарнинг ўрни ва миқдорига катта аҳамият беришимиз лозим. Чунки бир нукта кам ёки кўп қўйилса, ёхуд ўрни алмашса, аксинча бутунлай қўйилмаса, ҳарфнинг ўзгариши ёки сўзнинг маъносини ўзгаришини кузатишимиз ҳам мумкин.

**Масалан:** “پند” «панд» (маъноси: *панд, насиҳат, ўғит*) сўзидаги **пе** ҳарфининг уч нуктаси ўрнига бир нукта қўйилса **пе** ҳарфи **бе** ҳарфига ўзгариб “بند” «банд» (маъноси: *тугун, бирор юмуш билан банд бўлиш*) сўзига, «шер» сўзидаги **шин** ҳарфининг нукталари тушиб қолса, **шин** ҳарфи **син** ҳарфига ўзгариб «**сир**» сўзига, «оғиз» сўзидаги **зе** ҳарфининг нуктаси қўйилмаса «**зе**» ҳарфи «**ре**» ҳарфига ўзгариб «**оғир**» сўзига айланиб қолади. Шундан кўринадики, араб алифбосига асосланган араб-ўзбек ёзувида нукталарнинг миқдори ва ўз ўрнига қўйилиши жуда ҳам муҳим ҳисобланади.



Шу билан бирга, ўқувчининг ёзувга нисбатан масъулиятини оширади ва унинг хотирасини янада чархлашга сабаб бўлади.

## АРАБ ЁЗУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги ёзувдан савод чиқарган киши учун эски ўзбек ёзувини ўрганиш анча машаққатли иш бўлиб кўринади. Бироқ бу ёзувнинг хусусиятларига чуқур илмийлик нуқтайи назаридан ёндашган ва методик жиҳатдан тўғри йўлдан борган киши учун ёзувни ўзлаштириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, аксинча, унда шу ёзувни ўрганиш алоҳида қизиқиш ҳамда иштиёқ пайдо бўлади. Бу ёзув ёрдамида тилимизнинг луғат бойлигидан фойдаланиб йирик-йирик жимжимадор жумлалар, чиройли бадий ифодалар ҳосил қилиш мумкин.

Қалам учи сатр чизиғи бўйлаб йўл олар экан, шу йўналишда у сўз либоси (ҳарф шакли) ни бичиб, тикиб бориш билан бирга, маълум тўхтамга борганда, қалам учини юқоридан ўнгга ва ундан куйига бориб бу либоснинг тугмачаларини – ост-уст нуқталарини ҳам ўрни-ўрнига қўйиб (қадаб) боради. Масалан, «қалам» сўзини ёзар эканмиз, ўнгдан чапга қараб қалам учи бир ҳаракат билан (дафтардан узилмасдан) сўз шаклини ёзиб чиқади: **قلم** каби.

Ёзувнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида куйидагиларни санаш мумкин:

1. Араб алифбосида бош ҳарфлар мавжуд эмас.
2. Ёзув ўнгдан чапга томон ёзилади ва ўқилади.
3. Ўзлашган сўзларда сўз ўртасида қисқа унлилар ёзувда ифода этилмайди.
4. Араб ёзувида бўғин кўчирилмайди.

## МУНФАСИЛ ҲАРФЛАР

Араб-ўзбек алифбосида ҳарфлар сони 32 та бўлиб, улар ёзувда ўнгдан чапга томон ёзилади. Алифбодаги ҳарфлар ёзувдаги (алоҳида, сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида) кўринишлари ва ҳарфларнинг боғланишлари жиҳатидан ўзига хос гуруҳларга бўлинади.

Араб алифбосидаги ҳарфларни ёзувдаги кўринишига кўра икки турга ажратиш анъанага айланган. Улар **мунфасил ҳарфлар** ва **муттасил ҳарфлар** деб номланади.


**Мунфасил ҳарфлар** (бир томонлама қўшилувчи ҳарфлар) эса ёзувда икки кўринишга, **мутгасил ҳарфлар** (икки томонлама қўшилувчи ҳарфлар) ёзувда тўрт кўринишга эга бўлади.

Шунга мувофиқ равишда уларнинг ёзувдаги кўринишлари алоҳида ва боғланган деб аталади.

Алифбода мунфасил ҳарфлар қуйидаги хусусиятларга эга:

МУНФАСИЛ ҲАРФЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ		
1- ХУСУСИЯТ	2- ХУСУСИЯТ	3- ХУСУСИЯТ
сўз таркибида келган мунфасил ҳарф ўздан кейин келган барча ҳарфлар билан умуман қўшилмайди	сўз таркибида келган мунфасил ҳарф фақат ўздан олдин келган мутгасил ҳарфлар билангина қўшилиб ёзилади	сўз таркиби фақат мунфасил ҳарфлардан иборат бўлса уларнинг барчасини алоҳида шаклда ёзилади
ترناو	کتاب	درد
тарнов	китоб	дард

Араб-ўзбек алифбосидаги мунфасил ҳарфлар 7 ва улар қуйидагилар:







“Ж. А. ТЭШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ”  
 АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ  
**КІТАПХАНА**

— 69645 —

## АЛИФ ҲАРФИ

Алиф ҳарфи алифбодаги биринчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Алиф ҳарфи ўзбек тилидаги **агар, одам, умид, исм** сўзларидаги **а, о, у, и** товушларини ифода этишда иштирок этади. Алиф ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи устида ёзилади. Алиф ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
боғланган шакли		боғланмаган шакли	
			

оро	бобо	дор	нон	оз
آرا	بابا	دار	نان	آز

### 1. Сўз бошида:

انسان = نسان + ا

### 2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

اظهار = ر + ل + اظه

### 3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

اطراف = ف + ا + اطر

### 4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

آسيا = ل + آسيد





### 5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

نوا = ا + نو

## ДОЛ ҲАРФИ

Дол ҳарфи алифбодаги ўнинчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Дол ҳарфи ўзбек тилидаги **дур, дард, даҳо** сўзларидаги **д** товушини ифода этади. Дол ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр

чизиғи устида ёзилади. Дол ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
боғланган шакли		боғланмаган шакли	
			

дард	камомад	сардор	юлдуз	дол
درد	کامامد	سردار	يولدوز	دال

1. Сўз бошида:

دال = ال + د

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

صندوق = وق + د + صد

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

قودوق = وق + د + قو

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

درآمد = د + درآمد

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

مقصود = د + مقصو

## ЗОЛ ҲАРФИ

Зол ҳарфи алифбодаги ўн биринчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Зол ҳарфи ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган **зикр**, **тазкира**, **зеҳн**, **мазкур** сўзларидаги з товушини ифода этади. Зол ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи устида ёзилади. Зол ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди. «з:» фонемаси - танглай олди, сирғалувчи, шовқинли жарағли ундош. Уни тўғри талаффуз қилиш учун нутқ

аъзолари се артикулятсиясидаги каби ҳолатга келтирилади. Талаффуздаги ягона фарқ з товушининг иштирокидир. Ҳозирги замон ўзбек тилида бу товушга муқобил келувчи товуш йўк. Шунинг учун бу ҳарф **ёт ҳарфлар** сирасига киради.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
<b>боғланган шакли</b>		<b>боғланмаган шакли</b>	
			
завк	тазкира	Зокир	
ذوق	تذكيره	ذاكر	

1. Сўз бошида:

ذهن = هن + ذ

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

تذكيره = كيره + ذ + ت

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

اذيت = يت + ذ + ا

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:





لذيت = ذ + لذ

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

نفوذ = ذ + نفوذ

## РЕ ҲАРФИ

Ре ҳарфи алифбодаги ўн иккинчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Ре ҳарфи ўзбек тилидаги **рост, армон, анор** сўзларидаги **р** товушини ифода этади. Ре ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи остида ёзилади. Ре ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида	
боғланган шакли		боғланмаган шакли		
				
бозор	хабар	ором	маркаб	роз
بازار	خبر	ارام	مركب	راز

### 1. Сўз бошида:

راست = است + ر

### 2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

درمان = مان + ر + د

### 3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

شراب = اب + ر + ش

### 4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:





بازار = ر + ازا

### 5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

هنر = ر + هن

## ЗЕ ҲАРФИ

Зе ҳарфи алифбодаги ўн учинчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Зе ҳарфи ўзбек тилидаги **зор, зўр, бозор** сўзларидаги з товушини ифода этади. Зе ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чигиғи остида ёзилади. Зе ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди. Ре ҳарфи билан шаклдош. Фақат устига қўйиладиган бир нукта билан фарқ қилади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
боғланган шакли		боғланмаган шакли	
			

ОВОЗ	сиз	узум	қозон	зор
آواز	سيز	اوزوم	قازان	زار

1. Сўз бошида:

زاغ = اغ + ز

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

قىزىق = يق + ز + قيد

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

اوزوم = وم + ز + او

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:





آغيز = ز + آغيد

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

ساز = ز + سا

## Ж:Е ҲАРФИ

Ж:е ҳарфи алифбодаги ўн тўртинчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Ж:е ҳарфи ўзбек тилидаги **аждархо, мужда, мужгон** каби сўзларидаги **ж**: товушини ифода этади. Ж:е ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи остида ёзилади. Ж:е ҳарфи ўзидан олдин келадиган мутгасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан қўшилмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди. Ре ҳарфи билан шаклдош. Фақат устига қўйиладиган уч нуқта билан фарқ қилади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алохида
боғланган шакли		боғланмаган шакли	
			

аждар	мужгон	жола
اژدر	موزگان	ژاله

1. Сўз бошида:

ژاله = اله + ژ

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

مژده = ده + ژ + م

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

واژه = ه + ژ + وا

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

كژ = ژ + ك

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:





دژ = ژ + د

## ВОВ ҲАРФИ

Вов ҳарфи алифбодаги ўттизинчи ҳарф бўлиб, мунфасил ҳарфлар гуруҳига киради. Вов ҳарфи ўзбек тилидаги **ватан, васл, виждон, тун, тўн** сўзларидаги **в, у, ў** товушларини ифода этади. Вов ҳарфи ёзувда икки кўринишли бўлади.

Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи усти ва остида ёзилади.

Вов ҳарфи ўзидан олдин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланиши мумкин. Аммо ўзидан олдин келган мунфасил ҳарф билан боғланмайди. Ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфлар билан умуман боғланмайди.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
боғланган шакли		боғланмаган шакли	
			

дору	бону	узун	куз	ватан
دارو	بانو	اوزون	كوز	وطن

1. Сўз бошида:

وطن = طن + و

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

كوز = ز + و + ك

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

پرواز = از + و + پر



4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

بانو = و + بان

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

اولو = و + اول

**1-топшириқ.** Алиф ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**2-топшириқ.** Дол ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**3-топшириқ.** Зол ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**4-топшириқ.** Ре ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**5-топшириқ.** Зе ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**6-топшириқ.** Же ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**7-топшириқ.** Вов ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**8-топшириқ.** Куйида берилган сўзларни ўқинг ва машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг.

دور	درد	دارو	دار	آرزو	آزار	راز	زار
дур	дард	дору	дор	орзу	озор	роз	зор
ذاد	داد	ادا	ادر	آرا	زور	روز	دراز
зод	дод	адо	адир	оро	зўр	руз	дароз
ردا	رو	دود	اور	اور	وای	او	اوز
ридо	ру	дуд	ўр	ур	вой	ов	овоз
در	آزاد	اژدر	زر	رود	دور	رد	روا
дар	озод	аж:дар	зар	руд	давр	рад	раво

### Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Араб ёзувидан аввалги туркий ёзувлар ҳақида маълумот беринг.

2. Араб ёзувини Ўрта Осиёга кириб келиш ҳақида маълумот беринг.

3. Консонант ва фонологик ёзув деганда нимани тушунасиш?

4. Араб ёзувининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

5. Араб – ўзбек алифбосида нечта ҳарф бор?
6. Алифбодаги шаклдош ҳарфлар қайсилар?
7. Алифбодаги нуктасиз ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
8. Алифбодаги бир нуктали ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
9. Алифбодаги икки нуктали ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
10. Алифбодаги уч нуктали ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
11. Алифбодаги ҳарфлар хусусиятига кўра неча гуруҳга бўлинади?
12. Мунфасил ҳарф деганда қандай ҳарфлар назарда тутилади?
13. Мунфасил ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
14. Мунфасил ҳарфлар ўзидан кейинги ҳарф билан боғлана оладими?
15. Мунфасил ҳарфлар неча кўринишли ҳарфлар саналади?
16. Алиф ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
17. Дол ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
18. Зол ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
19. Ре ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
20. Зе ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
21. Ж:е ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.
22. Вов ҳарфи ва унинг ёзувда ифода этилиши ҳақида маълумот беринг.

#### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. И. Азимов, М. Тожибоева ва А. Ғозиев **Эски ўзбек ёзуви**. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.
2. Жуманиёзов Р. **Эски ўзбек ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.
4. Исҳоқов Ф. **Эски ўзбек тили ва ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.
5. Халилов Л. **Ўқиш китоби**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.

## 2 – МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДАГИ ЎЗЛАШГАН ВА ТУКИЙ СЎЗЛАРДА УНЛИЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

#### **Режа:**

1. Эски ўзбек ёзувида унлиларнинг ифода этилиши.
2. Ўзлашган сўзларда қисқа унлиларнинг ифодаланиши.
3. Ўзлашган сўзларда чўзиқ унлиларнинг ифодаланиши.
5. Туркий сўзлардаги унлилар ифодаланиши.

**Таянч сўз ва иборалар:** алифбо, араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, ёзув, ҳарф, белги, товуш, унли, ундош, ҳаракатлар, забар, фатҳа, зир, касра, пиш, дамма, сатр усти белгилари, сатр ости белгилари, ҳойи ҳавваз ҳарфи, алиф ҳарфи, вов ҳарфи, ё ҳарфи, алифи мақсура, алифи шикаста, айн-алиф ҳарфий бирикмаси, алиф-вов ҳарфий бирикмаси, алиф-ё ҳарфий бирикмаси, мадд, мадда, маддали алиф

**Ўқув машғулотининг мақсади:** алифбо, араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, ёзув, ҳарф, белги, товуш, унли, ундош, ҳаракатлар, забар, фатҳа, зир, касра, пиш, дамма, сатр усти белгилари, сатр ости белгилари, ҳойи ҳавваз ҳарфи, алиф ҳарфи, вов ҳарфи, ё ҳарфи, алифи мақсура, алифи шикаста, айн-алиф ҳарфий бирикмаси, алиф-вов ҳарфий бирикмаси, алиф-ё ҳарфий бирикмаси, мадд, мадда, маддали алифҳарфи ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш

### ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДА УНЛИЛАРНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ.

Эски ўзбек ёзувида унлилар ўзлашган ва туркий сўзларга қараб куйидаги кўринишларда бўлади:


- ўзлашган сўзларда учрайдиган қисқа унлилар “забар” ( араб тилида “фатҳа” ), “зир” ( араб тилида “касра” ) ва “пиш” ( араб тилида “дамма” ) деб номланувчи белгилар орқали ифода этилади. Аммо бу белгилар яъни ҳаракатлар ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади. Бироқ талафузда сақланади.

- ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлилар “алиф”, “вов” ва “ё” ҳарфлари орқали ифода этилади. Мазкур унлиларни ифода этувчи алиф, вов ва ёлар ҳарф бўлганлиги сабабли ёзувда ҳар доим акс этирилади.

- туркий сўзларда унлиларнинг барчаси ёзувда ҳарфлар орқали ифода этилади. Шу сабабли ҳам туркий сўзларда бир сўз таркибида нечта товуш ишгирик этса, шунча ҳарф ёзилади. Туркий сўзлардаги унлилар “алиф”, “вов” ва “ё” ҳарфлари орқали ифода этилади. Туркий сўзларда унли товушлар ҳарфлар орқали ифода этилганлиги сабабли улар ёзувда умуман тушиб қолмайди.

### ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРДА ҚИСҚА УНЛИЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ


Дунёдаги аксар тилларда унли ва ундош товушлар ҳамда шунга мос ҳолда қўлланадиган ҳарфий белгилар мавжуд. Гарчи араб тилида ҳам унли ва ундош товушлар бўлса-да, унли товушларнинг ҳаммаси ҳам ёзувда ифодаланавермайди. Араб тилида қисқа унлилар талаффуз этилади-ю, ёзувда акс этмайди. Араб алифбосида қисқа унлиларни ифодаловчи махсус ҳарфлар йўқ. Аммо махсус сатр усти ва ости белгилари мавжуд бўлиб, улар ҳаракатлар деб номланади.




Ҳаракатлар тилшуносликда диакритик белгилар деб юритилади. Ҳаракатлар – араб ёзувида қисқа унли товушларни ифода этишнинг муҳим усулларидан биридир. Улар, одатда, ёзувда ифодаланмайди. Ҳаракатларнинг ёзувда ифода этилмаслиги ўқишни қийинлаштиради. Арабча сўзларни нотўғри талаффуз қилиш гуноҳ саналган. Шу сабабли матнни бошдан охиригача ҳаракатлар билан бериш, хусусан, «Қуръон»да кўзга ташланади. Унда араб сатр ости, усти белгилари ва ҳаракатлар ўқиш ва талафуздаги чалкашликларни бартараф қилиш учун тўлиқ ёзилган. Шунингдек, ёзувдаги бу тартиб XII-XIV асрларда Ўрта Осиёда кўчирилган айрим адабий, бадиий, илмий манбаларда, аниқроғи, тилга оид китобларда ҳам учрайди. Бевосита тилга оид тадқиқот бўлган М.Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асаридаги сўзларда ҳам ҳаракатлар ишлатилганлигини кўришимиз мумкин.

**Фатҳа ёки забар.** Унли товушларни ифодаловчи ҳаракатларнинг биринчиси □ забар белгиси бўлиб, қисқа “а” унли товушини ифодалаш учун ишлатилади. Бу белги араб тилида **фатҳа, форс ва туркий тилларда эса забар** деб номланади.


Сўз бошида қисқа “а” унлиси алиф ҳарфининг устига забар белгисини қўйиш орқали ифодаланади. **Масалан:**




Сўз бошида қисқа “а” унлиси алиф ҳарфининг устига забар белгисини қўйиш орқали ифодаланиши билан бир қаторда айн ҳарфининг устига ҳам забар белгисини қўйиш орқали қисқа “а” унлиси ифодаланади. **Масалан:**



Сўз ўртасида киска “а” унлиси ўзидан олдин келган ундош ҳарфнинг устига забар белгисини қўйиш орқали ифодаланади. **Масалан:**



Сўз охирида ҳойи ҳавваз ҳарфи ундош ҳарфдан кейин келса, “а” унлисини ифодалайди (бу ҳақда қуйида тўлиқ маълумот оласиз).



### Ҳойи ҳавваз ҳарфи

1. Ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз бошида ҳар доим “х” товушини ифода этади. **Масалан:**

هندستان	همراه	هوا
Ҳиндистон	Ҳамроҳ	ҳаво

2. Ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз ўртасида унли товушдан сўнг келса, “х” товушини ифода этади. **Масалан:**

بہادر	پهلوان	بهروز
баҳодир	пахлавон	беҳруз

3. Ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз охирида унли товушдан сўнг келса, “х” товушини ифода этади. **Масалан:**

شاه	ده	ده
шоҳ	Дах	деҳ

4. Ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз охирида ундош товушдан сўнг келса, “а” товушини ифода этади. **Масалан:**


شانه	نامه	خانه
шона	Нома	хона

5. Ҳойи ҳавваз ҳарфи ўзлашган сўз охирида ундош товушдан сўнг келса, “и” товушини ифода этиши ҳам мумкин. **Масалан:**


بلکه	زیراکه	چونکه
балки	Зероки	чунки

**Касра ёки зир.** Унли товушларни ифодаловчи ҳаракатларнинг иккинчиси □ зир белгиси бўлиб, қисқа “и” унли товушини ифодалаш учун ишлатилади. Бу белги араб тилида касра, форс тилида эса зир деб номланади.


Сўз бошида қисқа “и” унлиси алиф ҳарфининг остига зир белгисини қўйиш орқали ифодаланади. **Масалан:**



Сўз бошида қисқа “и” унлиси алиф ҳарфининг остига зир белгисини қўйиш орқали ифодаланиши билан бир қаторда айн ҳарфининг остига зир белгисини қўйиш орқали ҳам қисқа и унлиси ифодаланади. **Масалан:**




Сўз ўртасида қисқа “и” унлиси ўзидан олдин келган ундош ҳарфнинг остига зир белгисини қўйиш орқали ифодаланади. **Масалан:**




Сўз охирида қисқа “и” унлиси учрамайди.


**Замма (дамма) ёки пиш.** Унли товушларни ифодаловчи ҳаракатларнинг учинчиси □ пиш белгиси бўлиб, қисқа у унли товушини ифодалаш учун ишлатилади. Бу белги араб тилида **замма** (дамма) форс тилида эса **пиш** деб номланади. Сўз бошида қисқа “у” унлиси алиф ҳарфининг устига пиш белгисини қўйиш орқали ифодаланади. **Масалан:**



Шунингдек, айн ҳарфининг устига пиш белгисини қўйиш орқали ҳам қисқа “у” унлиси ҳам ифодаланади. Масалан:



Сўз ўртасида қисқа “у” унлиси ўзидан олдин келган ундош ҳарфнинг устига пиш белгисини қўйиш орқали ифодаланади. Масалан:



Сўз охирида қисқа у унлиси учрамайди.

### ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРДА ЧЎЗИҚ УНЛИЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўзбек тилига араб ва форс тилларидан жуда кўплаб сўзлар ўзлашган. Ўзлашган сўзларда унлилар қисқа ва чўзиқ бўлиши мумкин. Қисқа унлилар забар, зир ва пиш деб номланувчи белгилар орқали ифода этилса, чўзиқ унлилар ёзувда алиф, вов ва ё ҳарфлари орқали ифода этилади.

СЎЗ ОХИРИДА			СЎЗ ЎРТАСИДА		СЎЗ БОШИДА	
ى	ا	ا	ا	ا	عا	آ
تقوى	دانا	صدا	شاد	راز	عادل	آدم



1. Чўзиқ “о” унлиси сўз бошида алиф ҳарфи устига мадда белгиси қўйиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

آدم	أرد	آتش
одам	орд	оташ

2. Чўзиқ “о” унлиси сўз бошида айн ва алиф ҳарфий бирикмаси орқали ифода этилади. **Масалан:**

عادل	عارف	عالم
одил	ориф	олим

3. Чўзиқ “о” унлиси сўз ўртасида ундош ҳарфдан сўнг алиф ҳарфи қўйиш орқали ифода этилади. Сўз ўртасида “о” товушини ифода этаётган алиф ҳарфи устига мадда белгиси қўйилмайди. **Масалан:**

نان	ماه	باد
нон	моҳ	бод

4. Чўзиқ “о” унлиси сўз охирида ундош ҳарфдан сўнг алиф ҳарфи қўйиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

صدا	زيبا	دانا
садо	зебо	доно

5. Чўзиқ “о” унлиси баъзан сўз охирида ё ҳарфи орқали ифода этилади. **Масалан:**

تقوى	موسى	معنى
тақво	Мусо	маъно

СЎЗ ОХИРИДА		СЎЗ ЎРТАСИДА		СЎЗ БОШИДА
ى	ى	ي	ي	اي
راوى	قاضى	پير	زيبا	ايمان

6. Чўзиқ “и” унлиси сўз бошида алиф ва ё харфий бирикмалари орқали ифода этилади. **Масалан:**

ایمان	ایمداد	اینجو
имон	имдод	инжу

7. Чўзиқ “и” унлиси сўз ўртасида ундош ҳарфдан сўнг ё харфини ёзиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

تیر	پیر	پیش
тир	пир	пиш

8. Чўзиқ “и” унлиси сўз охирида ундош ҳарфдан сўнг ё харфи кўйиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

طوطی	ثانی	قاضی
тўти	соли	кози

СЎЗ ОХИРИДА		СЎЗ ЎРТАСИДА		СЎЗ БОШИДА
و	و	و	و	او
بانو	جادو	سود	دود	اولوس

9. Чўзиқ “у” унлиси сўз бошида алиф ва вов харфий бирикмалари орқали ифода этилади. Аммо ўзбек тилида бу ҳолатга мисоллар учрамайди. **Масалан:**

اوت  
август

10. Чўзиқ “у” унлиси сўз ўртасида ундошдан сўнг вов харфи кўйиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

دود	نور	سود
дуд	нур	суд

11. Чўзиқ “у” унлиси сўз охирида ундошдан сўнг вов ҳарфи ёзиш орқали ифода этилади. **Масалан:**

بانو	جادو	دارو
бону	жоду	дору

### ТУРКИЙ СЎЗЛАРДА УНЛИЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эски ўзбек ёзувида истемолда бўлган сўзларда унлилар ҳарфлар орқали ифода этилади. Бу ҳарфлар қуйидагилар: алиф (ا), ё (ي) ва вов (و) ҳарфларидир.

Номлари зикр қилинган юқоридаги ҳарфлар “а”, “о”, “и”, “у”, “е”, “я”, “ю”, “йэ” каби товушларни ифода этишда ишлатилади.

### АЛИФ ҲАРФИ

1. Сўз бошида алиф ҳарфи “а” унли товушини ифода этади. **Масалан:**

اريق	انا	اكا
арик	ана	ака

2. Сўз бошида алиф ҳарфи устига мадда белгиси қўйилса, “о” унлиси ифода этилади. **Масалан:**

أق	أش	أماق
ок	ош	олмоқ

3. Сўз бошида алиф ва ё ҳарфий бирикмалари “и” ёки “э” унли товушларини ифода этади. **Масалан:**

ايلاک	ايشيک	ايش
элак	эшик	иш

4. Сўз бошида алиф ва вов ҳарфий бирикмалари “у” ёки “ў” унли товушларини ифода этади. **Масалан:**

اولوغ	اوقيش	اوزوم
улуғ	ўқиш	узум

5.Сўз ўртасида алиф ҳарфи “а” ёки “о” унлиларини ифода этади. Масалан:

ساريق  
сарик

نان  
нон

تاغ  
тоғ

6.Сўз охирида алиф ҳарфи ундошдан кейин ўрнига кўра “а” ёки “о” унлиларини ифода этади. Масалан:

انا  
она

بابا  
бобо

آپا  
опа

### ВОВ ҲАРФИ

1.Сўз бошида алиф ва вов ҳарфий бирикмалари келса, “у” ёки “ў” унли товушларини ифода этади. Масалан:

اوكا  
ука

اورتاق  
ўрток

اوزبيك  
ўзбек

2.Сўз бошида ё ва вов ҳарфий бирикмалари келса, “ю” унли товушини ифода этади. Масалан:

يوك  
юк

يوراك  
юрак

يولدوز  
юлдуз

3.Сўз ўртасида нон ҳарфи ундошдан кейин келса, “у” ёки “ў” товушларини ифода этади. Масалан:

كون  
кун

تورت  
тўрт

تون  
тун

4.Сўз охирида вов ҳарфи ундошдан кейин келса, “у” товушини ифода этади. Масалан:

بانو  
бону

شو  
шу

بو  
бу

## Ё ҲАРФИ

1.Сўз бошида ё харфй “й” унли товушини ифода этади.  
**Масалан:**

يېغيم	يېگيت	ييل
йИГИМ	йИГИТ	йИЛ

2.Сўз бошида ё ва алиф харфий бирикмаси “я” ёки “ё” унли товушларини ифода этади. **Масалан:**

ياقاول	يامان	ياشيل
яЛҚОВ	ёМОН	яШИЛ

3.Сўз бошида алиф ва ё харфий бирикмалари келса, “и” ёки “э” унли товушларини ифода этади. **Масалан:**

ايت	اينى	ايليك
ЭТ	ИНИ	ИЛИК

4.Сўз ўртасида ё харфи ундошдан кейин келса, “и” ёки “е” товушларини ифода этади. **Масалан:**

قىش	بېش	تىش
КИШ	БЕШ	ТИШ

5.Сўз охирида ё харфи ундошдан кейин келса, “и” товушини ифода этади. **Масалан:**

كولدى	باردى	دېدى
КУЛДИ	БОРДИ	ДЕДИ

**Таянч сўз ва иборалар:** араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, муттасил ҳарфлар, икки томонлама қўшилувчи ҳарфлар, коф ҳарфи, гоф ҳарфи, лом ҳарфи, мим ҳарфи, ҳойи ҳавваз ҳарфи, алоҳида шакл, сўз бошидаги шакл, сўз ўртасидаги шакл, сўз охиридаги шакл, сатр ости, сатр усти, к товуши, г товуши, л товуши, м товуши, ҳ товуши, лигатуралар, қўшалок ҳарфлар, лом ва алиф лигатураси, коф ва алиф лигатураси, гоф ва алиф лигатураси, коф ва лом лигатураси, гоф ва лом лигатураси, коф, лом ва алиф лигатураси, гоф, лом ва алиф лигатураси, алифи мақсура, алифи шикаста, эгилган алиф, вови зоида, орттирилган вов

**Уқув машгулотининг мақсади:** араб-ўзбек алифбоси, эски ўзбек ёзуви, муттасил ҳарфлар, икки томонлама қўшилувчи ҳарфлар, коф ҳарфи, гоф ҳарфи, лом ҳарфи, мим ҳарфи, ҳойи ҳавваз ҳарфи, алоҳида шакл, сўз бошидаги шакл, сўз ўртасидаги шакл, сўз охиридаги шакл, сатр ости, сатр усти, к товуши, г товуши, л товуши, м товуши, ҳ товуши, лигатуралар, қўшалок ҳарфлар, лом ва алиф лигатураси, коф ва алиф лигатураси, гоф ва алиф лигатураси, коф ва лом лигатураси, гоф ва лом лигатураси, коф, лом ва алиф лигатураси, гоф, лом ва алиф лигатураси, алифи мақсура, алифи шикаста, эгилган алиф, вови зоида, орттирилган вов ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш



## КОФ ҲАРФИ

Коф ҳарфи алифбодаги йигирма бешинчи ҳарф бўлиб, муттасил ҳарфлар гуруҳига мансуб. Бу ҳарф **китоб**, **котиб**, **камол**, **чўкич**, **кўмак**, **келажак** каби сўзларда к товушини ифода этади.

Коф ҳарфи ёзувда тўрт кўринишга эга. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи устида ёзилади.

Коф ҳарфи муттасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан олдин ва кейин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланади. Ўзидан олдин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланмайди. Аммо ўзидан кейин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланади.

Сўз охирида	Сўз ўртасида	Сўз бошида	Алоҳида
.....ک.....	.....ک.....	.....ک.....	.....ک.....

китоб	кабутар	нок
کتاب	کبوتر	ناک

ککک	کک	ک
-----	----	---

1. Сўз бошида:

ک = تاب + کتاب

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан уланган шакли:

ت + ک + ليف = تکیف

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

نو + ک + ر = نوکر

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

ک + بیشک = بیشیک

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

ک + تا = تاک

## ГОФ ҲАРФИ

Гоф ҳарфи алифбодаги йигирма олтинчи ҳарф бўлиб, муттасил ҳарфлар гуруҳига мансуб. Бу ҳарф **гилос, гул, гард, игна, магар, барг, кенг, онг** каби сўзларда г товушини ифода этади.

Гоф ҳарфи ёзувда тўрт кўринишга эга. Мазкур ҳарфнинг барча кўринишлари сатр чизиғи устида ёзилади.

Гоф ҳарфи муттасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан олдин ва кейин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланади. Ўзидан олдин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланмайди. Аммо ўзидан кейин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланади.

СЎЗ ОХИРИДА	СЎЗ ЎРТАСИДА	СЎЗ БОШИДА	АЛОҲИДА
.....گ.....	.....گ.....	.....گ.....	.....گ.....

барг	гашт	агар
برگ	گشت	اگر

گگگ	گگ	گ
-----	----	---

### 1. Сўз бошида:

گردن = کردن + گ

### 2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан уланган шакли:

تيدگ + گ + رمان = تيگيرمان

### 3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

توگ + گ + ون = توگون

### 4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

گان = تانگ + گ

### 5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:





برگ = گ + بر

## ЛОМ ҲАРФИ

Лом ҳарфи алифбодаги йигирма еттинчи ҳарф бўлиб, муттасил ҳарфлар гуруҳига мансуб. Бу ҳарф **лола, алвон, олма, булбул** каби сўзлардаги л товушини ифода этади.

Лом ҳарфи ёзувда тўрт кўринишга эга. Мазкур ҳарфнинг алоҳида ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғи усти ва остида, сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги шакллари эса сатр чизиғи устида ёзилади.

Лом ҳарфи муттасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан олдин ва кейин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланади. Ўзидан олдин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланмайди. Аммо ўзидан кейин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
			

шамол	шафтолу	булбул
شمال	شفتالو	بلبل

لل	لل	ل
----	----	---

1. Сўз бошида:

$$\text{ل} = \text{ط} + \text{ف}$$

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан уланган шакли:

$$\text{ص} = \text{ل} + \text{ج} + \text{ص}$$

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

$$\text{د} = \text{ل} + \text{د}$$

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

$$\text{كامل} = \text{ل} + \text{كامل}$$



5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

$$\text{مشغول} = \text{ل} + \text{مشغو}$$

## МИМ ҲАРФИ

Мим ҳарфи алифбодаги йигирма саккизинчи ҳарф бўлиб, муттасил ҳарфлар гуруҳига мансуб. Бу ҳарф **муस्ताқиллик**, **меҳмон**, **мамлакат**, **кумуш**, **интизом** каби сўзлардаги м товушини ифода этади. Жим ҳарфи ёзувда тўрт кўринишга эга.

Мазкур ҳарфнинг алоҳида ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғи усти ва остида, сўз боши ва сўз ўртасидаги шакллари эса сатр остида ёзилади. Мим ҳарфи муттасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан олдин ва кейин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланади. Ўзидан олдин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланмайди. Аммо ўзидан кейин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
			

мушт	узум	мурод
موشت	اوزوم	مُرَاد

مم	م	م
----	---	---

1. Сўз бошида:

$$\text{مشرق} = \text{شرق} + \text{م}$$

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан уланган шакли:

$$\text{مممكن} = \text{كن} + \text{م} + \text{م}$$

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

$$\text{مزمان} = \text{ان} + \text{م} + \text{ز}$$

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:





$$\text{ميم} = \text{م} + \text{ني}$$

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

$$\text{منام} = \text{م} + \text{نا}$$

## ҲОЙИ ҲАВВАЗ ҲАРФИ

Ҳойи-ҳавваз ҳарфи алифбодаги ўттиз биринчи ҳарф бўлиб, муттасил ҳарфлар гуруҳига мансуб. Бу ҳарф ўзбек тилида **меҳмон, ҳар, ҳамкор, шох** сўзларидаги **ҳ** товушини ифодалайди. Ҳойи ҳавваз ҳарфи ёзувда тўрт кўринишга эга. Мазкур ҳарфнинг сўз ўртасидаги шакли сатр чизиғи усти ва остида, алоҳида, сўз боши ва сўз ўртасидаги шакллари эса сатр чизиғи устида ёзилади. Бу ҳарф сўз охирида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда **а** унлисини ифода қилади. Масалан: **барака, маърака, сажда, тоза, хона, тахта** каби сўзларда сўз охиридаги **а** унлиси ҳойи ҳавваз ҳарфи билан ифода этилади. Ҳойи ҳавваз ҳарфи муттасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан олдин ва кейин келадиган муттасил ҳарфлар билан боғланади. Ўзидан олдин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланмайди. Аммо ўзидан кейин келган мунфасил ҳарфлар билан боғланади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
			

Ҳойи ҳавваз ҳарфи қўлёзма асарларда қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин.

Ҳойи ҳавваз	сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида	сўз охирида
	خ	ح	ح	ح	ه

арра	бахор	ҳар
اره	بهار	هر

ههه	هه	ه
-----	----	---

### 1. Сўз бошида:

همیشه = میشه + ه

2. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан уланган шакли:

بهار = لار + ه + ب

3. Сўз ўртасида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

زاهد = د + ه + زا

4. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланган шакли:

شبهه = ه + شبه

5. Сўз охирида ўзидан олдинги ҳарф билан уланмаган шакли:

گناه = ه + گنا

Баъзан ҳойи ҳавваз ҳарфи коф ҳарфидан кейин келиб, ўзбек тилидаги **и** товушини беради. Бу, асосан, боғловчиларда кўзга ташланади. Хусусан, бу **ки** юкламаси билан шаклланган **чунки**, **балки**, **зероки** боғловчиларидир. Аслида бу боғловчилар дорс тилидан ўзлашган бўлиб, форс тилида бу боғловчи **чунке**, **балке**, **зироке** каби талаффуз этилади. Бу ҳарф сўз охирида ўзлашма сўзлардаги **а** унлисини ифода қилганда, унга қўшилиувчи қўшимчалар ажратиб ёзилади (агар ажратиб ёзилмаса ҳойи ҳавваз ҳарфи **а** товушини эмас, балки **ҳ** товушини ифода этади.).

баракали  
بركه لى

аррани  
اره نى

маррага  
مره گا

даврандан  
دوره دان

Қизларнинг исмидаги жинсни кўрсатиш учун хизмат қиладиган сўз охиридаги **а** товуши ҳар доим ҳойи ҳавваз ҳарфи билан ёзилади. Аслида араб тилида муаннас жинсни ифода этадиган аксарият сўзлар **та марбута** (ة) билан тугалланади. Бу каби сўзлар ўзбек тилига та мамдуда (нуктасиз та марбута) шаклида ўзлашган.  
**Масалан:**

اراده

دردانه

اناره

آزاده

نادره

زياده

## ЛИГАТУРАЛАР

Араб алифбосидаги **коф**, **гоф** ва **лом** ҳарфларидан сўнг алиф ҳарфи келганда бирга қўшилиб ўзига хос кўринишга эга бўлади. Бундай ҳарфлар **лигатуралар**, баъзи манбаларда эса **қўшалок ҳарфлар** деб ҳам юритилади. Мазкур ҳарфлар ўзига хос ёзилиш коидаларига эга.

LOM VA ALIF LIGATURASI	→	<del>لا</del>	→	لا
KOF VA ALIF LIGATURASI	●	<del>كا</del>	●	كا
GOF VA ALIF LIGATURASI	●	<del>گا</del>	●	گا
KOF VA LOM LIGATURASI	●	<del>كل</del>	●	كل
GOF VA LOM LIGATURASI	●	<del>گل</del>	●	گل
KOF, LOM VA ALIF LIGATURASI	●	<del>كلا</del>	●	كلا

## АЛИФИ МАҚСУРА

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзлар шаклий ёзув коидасига кўра араб тилида қандай ёзилса, эски ўзбек ёзувида битилган манбаларида ҳам шундай ёзилган. Яъни баъзи сўзлар охирида келган ё харфи и ва йи товушларини эмас, о товушини ҳам ифодалайди. Мазкур ё харфи «алифи мақсура» (*қусурли алиф*) ёки «алифи шикаста» (*синдирилган алиф*) деб юритилади. Масалан:

موسى	Мусо	تعلى	таоло
عيسى	Исо	تقوى	тақво
يحيى	Яҳё	عسى	асо
مصطفى	Мустафо	حتى	ҳатто
مرطضى	Муртазо	معنى	маъно

## ВОВИ ЗОИДА

Форс тилидан ўзбек тилига ўзлашган шундай сўзлар борки, улар таркибида **в** ҳарфи ёзилса ҳам, ўқилмайди. Ушбу ўқилмайдиган вов ҳарфи эски ўзбек ёзуви грамматикасида «**вови зоида**» (орттирилган вов ҳарфи) деб аталади. Вови зоида мавжуд сўзларнинг барчасида **в** ҳарфидан сўнг **алиф** ҳарфи ёзилади. Масалан:

خوارزم	<b>Хоразм</b>	Хоразм
خواب	<b>Хоб</b>	уйқу
استخوان	<b>Устухон</b>	суяк, устухон
خواننده	<b>Хонанда</b>	хонанда, кўшиқ куйловчи
خوان	<b>Хон</b>	ўқувчи, ўқиётган
غزالخوان	<b>Ғазалхон</b>	ғазалхон, ғазал ўқувчи
خوشخوان	<b>Хушхон</b>	ёқимли куйловчи
درخواست	<b>Дархост</b>	талаб, сўров
خواهلاماق	<b>Хоҳламоқ</b>	хоҳламоқ
خواجه	<b>Хожа</b>	хўжа, эга, хўжайин, соҳиб
خواهش	<b>Хоҳиш</b>	хоҳиш, истак
خوانش	<b>Хониш</b>	куй, ашула
خوان	<b>Хоҳан</b>	хоҳловчи, истовчи, хоҳлаётган
نيکخواه	<b>никхоҳ</b>	яхшилиқ тиловчи
خوشخواه	<b>Хушхоҳ</b>	яхшилиқ тиловчи
خوابگاه	<b>Хобгоҳ</b>	ухлаш хонаси
دلخواه	<b>Дилхоҳ</b>	кўнгил очувчи

**Еслатма:** айрим сўзларда **вов** **в** ҳарфидан сўнг **алиф** ёзилмай, **ё** **у** ҳарфи ёзилади ва талаффузда **х** товушидан кейин **и** деб ўқилади. Масалан:

خويش **хиш** қариндош-уруғ, яқинлар

**1-топшириқ.** Коф ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**2-топшириқ.** Гоф ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.



**3-топшириқ.** Лом ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**4-топшириқ.** Мим ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**5-топшириқ.** Ҳойи ҳавваз ҳарфининг ҳар бир кўринишини 2 қатордан ёзинг.

**6-топшириқ.** Қуйида берилган сўзлар ва матнларни ўқинг ҳамда уларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг.

A)

кўк	тик	тук	кун	кент	кизб	каду	кўр	куз
кўк	тик	тук	кун	кент	кизб	каду	кўр	куз
брг	танг	мерг	агр	гоше	гнж	гндр	گرد	گور
барг	тонг	марг	агар	гўша	ганж	гузар	гард	гўр
бал	лб	кליد	اول	دل	اول	لعين	لئف	لوح
бол	лаб	калид	аввал	дил	ул	лаъин	лутф	лавҳ
меркб	дом	ملت	مدح	مراد	مرد	مور	ماس	موم
маркаб	дум	мплат	мадҳ	мурод	мард	мур	мос	мум
гناه	шاه	زاهد	شهر	بهار	نهار	هر	هم	هوا
гуноҳ	шоҳ	зоҳид	шаҳар	баҳор	наҳор	ҳар	ҳам	ҳаво

B)

### حكايت

Бир кизи нинг брҳмиан Алтони озининг аوييدا بوқالدى. اول كيشى قاضيغا عرض قىلدى. قاضى اونينگ اوييغا كىلدى. اويداغى هر بير كيشيغا بير دانه دين چوب بيردى و ديدى: همه چوبلار بير اوزونليقتا هر كيمكه اوغرى بولسا انينگ چوبى بير انگشت مقداريدا اوزايغاي. قاضى بارچاغا رخصت بيردى. اولاردان بيرى اوغرى ايردى. قورقتى و اوزينينگ چوبيني بير انگشت مقداريدا كيسيپ تاشلادى. ايرتاسى قاضى مذکور كيشيلارنينگ همه سيني چاقوردى و چوبلاريني كوردى. بيلديكه چوبيني كيسكان كيشى اوغرى ايركان. حمياني اندين آدى و سياست قىلدى.

### حكايت

Бир кун бир پادشاه شاه زاده بيرلا شكارغا باريب ايردى. وقتيکه هوا قيزىدى و آفتاب آسمان نينگ ميانه سيغا كىلدى. پادشاه بيرلا شاه زاده جامه لاريني بير مسخره بازنى بيلكاسيغا قويديلار. پادشاه بو حالتى كوريب كولدى و ايدى: اى مسخره باز سينگا بير ايشاك نينگ يوكى بولوبدور. مسخره باز ايدى: اى پادشاه انداغ ايماس بلکه ايكى ايشاك نينگ يوكى بولوبدور.

**7-топшириқ.** Лом ва алиф лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**8-топшириқ.** Коф ва алиф лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**9-топшириқ.** Гоф ва алиф лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**10-топшириқ.** Коф ва лом лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**11-топшириқ.** Гоф ва лом лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**12-топшириқ.** Коф, лом ва алиф лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**13-топшириқ.** Гоф, лом ва алиф лигатурасини 2 қатордан ёзинг.

**14-топшириқ.** Қуйида берилган байтлардаги **вов** ёзилиб ўқилмайдиган сўзларни топинг.

آرزو قىلدىم وفا اهلين كوراي ديب تاپمادىم  
خواه زاهد خواه فاسق خواه سايل خواه شاه.  
اى نوایى يارا يارا بولسا كونگلىنگ ياخشيدور  
كىم ترددسىز آليشقاى لار انى دلخواه لار.

#### **Мавзуга оид савол ва топшириқлар:**

1. Коф ҳарфи ва унинг ёзувдаги кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

2. Гоф ҳарфи ва унинг ёзувдаги кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

3. Лом ҳарфи ва унинг ёзувдаги кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

4. Мим ҳарфи ва унинг ёзувдаги кўринишлари ҳақида маълумот беринг.

5. Ҳойи ҳавваз ҳарфи ва унинг ёзувдаги кўринишлари ҳақида маълумот

#### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. И.Азимов, М. Тожибоева ва А.Ғозиев **Эски ўзбек ёзуви**. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.

2. Жуманиёзов Р. **Эски ўзбек ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.

4. Исҳоқов Ф. **Эски ўзбек тили ва ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.

5. Халилов Л. **Ўқиш китоби**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.

## 6 – МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: ЎЗЛАШГАН ВА ТУКРИЙ СЎЗЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ. ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИДА СОНЛАРНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ.

#### **Режа:**

1. Ўзлашган сўзларни аниқлаш усуллари.
2. Туркий сўзларни аниқлаш усуллари.
3. Эски ўзбек ёзувида сонларнинг ифода этилиши.
4. Рақамлар тарихи.
5. Араб рақамлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** араб тили, ўзбек тили, эски ўзбек ёзуви, грамматика, сўз, бирикма, ўзлашган сўз, туркий сўз, ёт ҳарфлар, эмфатик ҳарфлар, ташидид, танвин, васла, олмошлар, сон сўз туркуми, инсон тана аъзолари, содда феъллар, бўгин, ўзак, рақам, Бирахми рақамлари, Гвалкор рақамлари, Шарқий араб рақамлари, Ғубор рақамлари, Рим рақамлари, ийероглиф, эволюция, кҳарошти рақамлари

**Ўқув машғулотининг мақсади:** араб тили, ўзбек тили, эски ўзбек ёзуви, грамматика, сўз, бирикма, ўзлашган сўз, туркий сўз, ёт ҳарфлар, эмфатик ҳарфлар, ташидид, танвин, васла, олмошлар, сон сўз туркуми, инсон тана аъзолари, содда феъллар, бўгин, ўзак, рақам, Бирахми рақамлари, Гвалкор рақамлари, Шарқий араб рақамлари, Ғубор рақамлари, Рим рақамлари, ийероглиф, эволюция, кҳарошти рақамлари ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан муостаҳкамлаш

### ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбек тилига араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларни аниқлаш ҳамда уларни тўғри ёзиш мураккаб масалалардан саналади. Бу каби сўзларни аниқлашнинг ўзига хос усуллари мавжуд.

1.Таркибида се (س) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

باعث	بحث	ثانيه	ثابت
боис	бахс	сония	собит

2. Таркибида ҳойи хутти (ح) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

حال	حافظ	حکومت	حساب
ҳол	ҳофиз	ҳукумат	ҳисоб

3. Таркибида зол (ذ) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

زكاوت	ذوق	ذكر	ذهن
заковат	завқ	зикр	зеҳн

4. Таркибида сод (ص) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

صلاّت	صاحب	صادق	صبح
саломат	соҳиб	содик	субҳ

5. Таркибида зод (ض) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

فرض	حاضر	حضرت	ضرر
фарз	ҳозир	ҳазрат	зарар

6. Таркибида ўзбек тили талаффузига мос келмайдиган то (ط) ғр ҳарфи иштирок этган сўзлар ўзлашма сўз саналади. **Масалан:**

تعطيل	طعام	وطن	طاعت
таътил	таъом	ватан	тоат

7. Таркибида зо (ظ) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

نظم	منظره	ناظر	ظلم
наъм	манзара	нозир	зулим

8. Таркибида ғайн (ع) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

معلم	علم	شاعر	عشق
муаллим	илм	шоир	ишқ

9. Таркибида ҳойи ҳавваз (ه) ҳарфи мавжуд бўлган сўзлар ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

هماهنگ	هنوز	مهر	هوا
ҳамоҳанг	ҳануз	меҳр	ҳаво

10. -анд ҳарфий бирикмаси билан тугалланадиган сўзларнинг аксарият қисми ўзлашма сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

فرزند	دلبند	مانند	هنرمند
фарзанд	дилбанд	монанд	ҳунарманд

11. та- ҳарфий бирикмаси (ўзбек тилидаги) билан бошланган сўзлар ҳам асосан ўзлашма (араб тилидан) сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

تشریف	تدقیق	تحسین	تحریر
ташриф	тадқид	тахсин	тахрир

12. ма- ҳарфий бирикмаси (ўзбек тилидаги) билан бошланган сўзлар ҳам асосан ўзлашма (араб тилидан) сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

محرم	محكمة	مجلس	محمود
маҳрам	маҳкама	мажлис	Маҳмуд

13. мў- ҳарфий бирикмаси (ўзбек тилидаги) билан бошланган сўзлар ҳам асосан ўзлашма (араб тилидан) сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

معطبر	مؤمن
мўтабар	мўмин

14. му- ҳарфий бирикмаси (ўзбек тилидаги) билан бошланган сўзлар ҳам асосан ўзлашма (араб тилидан) сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

محبت	متفكر	ملك	مستقل
муҳаббат	мутафаккир	мулк	мустақил

15. -ат ҳарфий бирикмалари билан тугалланадиган сўзлар ҳам ўзлашма сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

جمعيت	حسرت	نظارت	صنعت
жамият	ҳасрат	назорат	санъат

16. -от ҳарфий бирикмалар билан тугаган сўзлар ўзлашма сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

نباوت	مطبوعات	خطاوت	ملاقات
наботот	матбуот	хаттот	мулоқот

17. Сўз боши «и» ва унинг учинчи ҳарфи «ти» бўлган сўзлар ҳам ўзлашма (араб тилидан) сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

انتظام	انتظار	اختلاف	احتياج
интизом	интизор	ихтилоф	ехтиёж

18. Сўз боши «ист» ҳарфий бирикмалари билан бошланган бўлса ҳам ўзлашма сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

استقامت	استقلال	استقبال	استفاده
истиқомат	истиқлол	истиқбол	истиқода

19. Алифбо таркибидаги бошқа ҳарфлар иштирокида ясалган қуйидаги сўзлар ҳам ўзлашган сўзлардир. **Масалан:**

جناب	اقتاب	ادراك	آدم
жиноб	офтоб	идрок	одам

20. Таркибида “ф” ҳарфи бўлган сўзлар ҳам ўзлашма сўзлар ҳисобланади. **Масалан:**

متفكر	تكليف	طوفان	فصل
мутафаккир	таклиф	тўфон	фасл

21. -анда ҳарфий бирикмаси билан тугалланадиган сўзлар ҳам ўзлашма сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

گزنده	پزنده	سازنده	خواننده
газанда	пазанда	созанда	хонанда

22. р ҳарфи билан бошланган сўзлар ҳам ўзлашган сўзлар ҳисобланади. **Масалан:**

رباب	راز	راست	راحت
рубоб	роз	рост	роҳат

23. Дол ҳарфи билан бошланиб дол ҳарфи билан тугалланган сўзлар ҳам ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади. **Масалан:**

درآمد	درد	دانشمند	دلشاد
даромад	дард	донишманд	дилшод

24. Араб тилидаги «афъал» (*руҳ-арвоҳ*), «фуъул» (*ҳад-ҳудуд*) ва шу каби қолипларда ҳосил қилинган синиқ кўплика оид ўзбек тилига ворид бўлган сўзлар ўзлашган сўзлардир. Масалан: *айём, арвоҳ, анҳор, шароит, ашъор, шуаро, вузаро, фунун, фуқаро, уламо, фузало, милал, кутуб, ...*

25. Араб тилидаги барча феъл боблари (ИХ бобдан ташқари) нинг аниқ даража сифатдишлари ўзбек тилида отлашган шаклда учрайди. Сифатдошлар феъллик ҳамда исмлиқ хусусиятига эга бўлган сўзлардир.<sup>1</sup> Масалан, И боб сифатдоши яъни исми фоили «катаба» феълидан *котиб*, «ҳазара» феълидан *нозир* ва шу кабилар. Ўзбек тилида истеъмолда учрайдиган араб тилидаги феъл бобларининг сифатдош яъни исми фоил шклида бўлган сўзларнинг аксарияти ўзлашган сўзлар бўлиб ҳисобланади ва уларнинг кўпчилиги ўзбек тилига ўзлашган.

<sup>1</sup> Е. Талабов. Араб тили. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент, 1993 йил, 232-б.

## ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

1. Сон сўз туркумига оид сўзлар туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. Аммо миллион, миллиард ва триллионлар бундан мустасно. **Масалан:**

بېش	ساککیز	تورت	يوز
беш	саккиз	тўрт	юз

2. Кишилик оломошлари ҳам туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

مېن	بېز	سېز	سېن
мен	биз	сиз	сен

3. Кўрсатиш оломошлари ҳам туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

بو	شو	او	اوشا
бу	шу	у	ўша

4. Сўроқ оломошлари ҳам туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

نېچا	قانچا	قачان	قايردا
нечта	қанча	қачон	қайерда

5. Бир сўздан ташкил топган ранг маъносини англатувчи сўзлар туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

ساریق	قىزىل	آق	ياشیل
сарик	қизил	оқ	яшил

6. Ўзбек тилида ишлатиладиган барча содда феъллар туркий сўзлар бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

الماق	كىتماق	يۇگورماق	ايشىتماق
оимоқ	кетмоқ	югурмоқ	ешитмоқ



7.Кўшма феълларнинг етакчи қисми –а ёки –ла билан тугалланган бўлса, кўшма феълнинг ҳар икки қисми туркий сўз бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

آلا كىلدى	بارا سالىب	كىلا سالىب	ايتا بىردى
ола келди	бора солиб	кела солиб	айта берди

8. Кўшма феълларнинг етакчи қисми –б ёки –иб билан тугалланган бўлса, кўшма феълнинг ҳар икки қисми туркий сўз бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

آلىب بارماق	ساتىب آلماق	توشىب كىتماق	چىقىب كىتماق
олиб бормоқ	сотиб олмоқ	тушиб кетмоқ	чикиб кетмоқ

9.Инсон тана аъзолари номларини англатувчи сўзлар туркий сўз бўлганлиги сабабли барча товушлар ёзувда акс этади. **Масалан:**

قولاق	تىش	قول	آياق
кулоқ	тиш	қўл	оёқ

10.Туркий сўзларда икки унли товуш ёнма-ён келмайди. **Масалан:**

قايماق	پايگاق	بېشىك	چومىچ
қаймоқ	пайпоқ	бешиқ	чўмич

11.Туркий сўзларда бир бўғин таркибида икки ундош кетма-кет келмайди. **Масалан:**

باش	قاش	تىش	قول
бош	қош	туш	қўл

12.Ота, она, опа, сингил, ини каби қариндошлиқ маъноларини англатувчи сўзлар туркий сўзлардир. **Масалан:**

آتا	اينى	آپا	آنا
ота	ини	опа	она

## РАҚАМЛАР

**Рақамлар** - араб. رقم – сон, номер) - сонлар ифодаланадиган шартли белгилар. Энг қадимда сонлар сўзлар орқали ифодаланган. Халқларнинг ижтимоий ҳаёти ривожланиши билан мукамалроқ белгиларга ва ҳисоблаш системаларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди.

Энг қадимги рақамлар бобилликлар ва мисрликларга мансубдир. Миср иероглиф рақамларида (мил. ав 3000-2500 йилда пайдо бўлган) сонларни ифодалаш учун махсус расм-белгилар, кейинроқ иератик ва демотик ёзувлари пайдо бўлди.

Бобил рақамлари (мил. ав. 2000 йил боши) асосан 1, 10, 60 ва 100 ни билдирувчи миҳхат белгилари бўлиб, бошқа барча рақамлар шулар асосида ифодаланган. Миср иератик ёзувидан Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча ёзувлар ва Юнон-Иония ёзуви, шу билан бирга алифбога асосланган рақамлар келиб чиқди. Босма юнон алифбоси славян-кириллитса ва ҳарфий рақамларга асос солди.

Ҳозирги рақамларнинг тимсоллари (нол билан биргаликда) Ҳиндистонда 5-асрга яқин юзага келган. Бунгача Ҳиндистонда кхарошти рақамлари ва у билан деярли бир вақтда браҳми рақамлари бўлган. Браҳми рақамларидан хинд гвалиор рақамлари келиб чиқди. Гвалиор рақамлари эса араб рақамларига асос солган.

Араб рақамлари икки турли шарқий ва ғарбий (ғубор) рақамлардан иборат. Шарқий араб рақамлари Миср ва ундан шарқдаги араб мамлакатлари, Эрон ҳамда Афғонистонда қўлланилади. Ғарбий араб рақамлари (ғубор) эса Мисрдан ғарбдаги араб мамлакатларида қўлланилади. Европада 9-асрдан бошлаб ғубор рақамлари тарқалади ва тезда оммалашади. Шарқ мамлакатларида эса ғубор рақамлари 19-асргача ҳам кенг тарқалмади.

**Араб рақамлари** – ўнта математик белги: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9. Бу рақамлар билан исталган катта ёки кичик сонни ёзиш мумкин. Араб рақамларининг ишлатилишида машҳур ўзбек математиги Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийнинг муҳим ҳиссаси бор. Қадимги рақамлардан фақат Рим рақамлари ҳозиргача қўлланади.

Араблар Ироқ, Миср ва Сурияни истило қилишгунча юнон алифбосига асосланган рақамлардан фойдаланганлар. VI асрдан бошлаб араб алифбоси ҳарфлари билан ифодаланувчи рақамлар

қўлланилган. Муҳаммад Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан иборат позитсион системани ўрганеди, соддалаштиради, кенгайтиради ва биринчи марта араб тилида баён этади. Хоразмий «Арифметика»си билан бирга бу ҳинд рақамлари араб Шарқига кириб келади. Хоразмийнинг бу асари арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрда Испанияга, VII асрда Эврупанинг бошқа мамлакатларига тарқалади ва ҳанузгача жаҳонда мазкур рақамлар араб рақамлари номи билан юритилади. Араб рақамларини жаҳонга тарқатган Муҳаммад Хоразмий эканилиги ҳақида Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида айтиб ўтган.

Ҳозирги замон рақамларининг эволюция жадвали.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
Брахми	—	=	≡	𑆏	𑆑	𑆒	𑆓	𑆔	𑆕	
Гвалийор	𑆗	𑆘	𑆙	𑆚	𑆛	𑆜	𑆝	𑆞	𑆟	𑆠
Шарқий араб рақамлари	1	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩	٠
Губор	1	2	3	4	5	6	7	8	9	
976 йил қўл ёзмаси (Европа)	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	
XII-аср бошидаги қўл ёзма	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
Сағробосно асарининг қўл ёзмаси (1442)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
А.Дюрер рақамлари (1525)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	
Видманнинг босма асаридаги рақамлар (1489)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0

Эски ўзбек ёзувида ҳозир араб рақамлари деб аталаётган (аслида ҳинд рақамлари бўлса ҳам, оммага араб рақамлари номи билан сингиб қолган) рақамлардан фойдаланилган. Бу рақамларнинг баъзи шакллари ҳамда кўпликни ифода этиш тартиби ҳозирги ёзувимиз рақамлари ва унинг тартибидан катта фарқ қилмайди.

Агарда сонлар рақамлар билан ифодаланса, сонлар чапдан ўнгга қараб ёзилади ва ўқилади. Рақамларни ёзиш жараёнида аввал кўпликларни ва охирида бирликларни ёзиш лозимдир. **Масалан:**

1 дан 10 гача бўлган сонлар		11 дан 20 гача бўлган сонлар	
1	бир	11	ўн бир
2	икки	12	ўн икки
3	уч	13	ўн уч
4	тўрт	14	ўн тўрт
5	беш	15	ўн беш
6	олти	16	ўн олти
7	етти	17	ўн етти
8	саккиз	18	ўн саккиз
9	тўккиз	19	ўн тўккиз
10	ўн	20	йигирма
Ўнликлар		Юзликлар	
10	ўн	100	юз
20	йигирма	200	икки юз
30	ўттиз	300	уч юз
40	қирқ	400	тўрт юз
50	еллик	500	беш юз
60	олтмиш	600	олти юз
70	етмиш	700	етти юз
80	саксон	800	саккиз юз
90	тўқсон	900	тўккиз юз
100	юз	1000	минг

Ёзувда сонлар сўзлар ва рақамлар билан ифода этилиши мумкин. Ҳарфлар билан ёзилган сонлар ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади. **Масалан:**

تینگرى تعالى نینگ عنایتی بیرلان و حضرت آن سرور کائنات نینگ شفاعتی بیرلان و چهار یار با صفالاری نینگ همتی بیرلان سه شنبه کونی رمضان آیینینگ بیشیدا تاریخ ساککیز یوز توقسان توقوزدا فرغانه ولایتی دا اون ایککی یاشتا پادشاه بولدوم. (ظهرید الدین محمد بابور "بابورنامه دان")

Агарда сонлар рақамлар билан ифодаланса сонлар чапдан ўнга қараб ёзилади ва ўқилади. Рақамларни ёзиш жараёнида аввал кўпликларни ва охирида бирликларни келтириш билан ифода қилинади. **Масалан:**

1997 тарзидаги ракамлар худди шундай, яъни 1997 кўринишида ёзилади. Ҳозирги ўзбек тилида 2, 7, 8, 9, 30, 50 сонлари таркибидаги ўртада келган ундош иккиланади: *икки, этти, саккиз, тўққиз, ўттиз, эллик* каби. Эски ўзбек тилида эса ёзувда бир белги билан берилган бўлиб, ўрнига қараб, икки хил талаффуз қилинган: *ики/икки, ети//йетти, секиз//секиз, тўқуз//тўққуз, ўтуз//ўттуз, элик//еллик* каби.

80-90 сонлари *секиз, тоқуз* сонларига *он* (ўн) сонининг кўшилиши йўли билан ҳосил бўлиб, (секиз+он, тоқуз+он), *сексен, тоқсан* шакллари кейинги даврларда вужудга келган. *Секиз он, тўқуз он* шакллари «Девону луғотит турк»да ҳам кўрсатилган (Қаранг: МК, II том, 410-б.).

Эски ўзбек тилида санок сонларнинг катталари *туман* (تومان), *лак* (لك) бўлиб, олдида кичик миқдордаги сонлар қўлланган. *Лак* «Бобурнома» асари тилига хос: *Уч тўрт лак олуб қўярлар* (БН, 332). *Бир лак афгон йигилибдур* (БН, 468). *Туман* сўзи эса барча ижодкорлар асарлари тилида қўланган: *Бир туман халқ қирилди бари* (ШН, 37). *Юз туман барқи бало урдунг манга* (Нав. ЛТ, 83).

Эски ўзбек тилида мураккаб санок сонлар компонентлари орасида *дағи//тақи* боғловчи бўлиши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, *Йигирми дағи бир* (ШН, 223). *Йилга минг саккиз юз-у, тўқсон эди* (Фуркат, 2, 26).

**1-топширик.** Қуйида берилган ўзлашган сўзларни кўчириб ёзинг ва қайси сўзларда қайси ёт ҳарфлар иштирок этганини аниқланг.

حکمت	محکمه	محکوم	حاکم	احکام	حکم
حدیث	احوال	حرام	حقیقت	محرم	حکومت
وارث	ثانیه	مقال	ثمر	ثنا	ثانی
مراث	ثابت	بحث	مثال	وثیقه	مثنوی
مذهب	مذکور	ذکاوٹ	ذوق	ذکر	ذاکر
ذیل	عذاب	عذر	ذلیل	ذکا	ذهن
شطرنج	شرط	شیطان	طرف	طناب	طیبیب
طناب	طلب	طلا	نقطه	واسطه	طبیقه
وعظ	تعظیم	مُعظم	مظلومه	الفاظ	انتظام
ظاہر	مناظره	ظلمت	مظفر	ظالم	اظنراب
معصوم	معمر	معقول	مقصد	معبوده	معجون

معرفت	معارف	مطبعه	مذهب	مطلع	مصدر
مُعطر	معامله	معلم	معظم	معطل	معما
عشق	عمر	عطر	عرب	علم	عقل
صاحب	صبر	صبر	فرصت	صحيح	تصادف
تصديق	شخص	محصول	صحرا	صادق	اخلاص
ضرر	ضيا	راضى	قاضى	اضافه	حاضر
فرض	فرض	بعضى	اضتراب	حضرت	ضربدار

**2-топширик.** Қуйида берилган сўзларни араб ёзувиغا ўғиринг.

бешик	терақ	элак	илиқ	сарик	қуруқ	от
бошоқ	етти	бел	ини	терақ	қизил	емақ
хотин	оға	овул	қишлоқ	қулун	сигир	сув
сотмоқ	сен	шу	тирик	ўлик	қиз	ўғил

**3-топширик.** Қуйида берилган рақам кўринишидаги сонларни арабий ёзувдаги рақамларга ўғиринг.

8	5	4	6	3
9	7	0	1	2

**4-топширик.** Қуйида берилган рақам кўринишидаги сонларни арабий ёзувдаги сўзлар билан ёзинг.

۵۱	۸۳	۴۹	۶۵	۲۶	۴۷
۸۱	۵۳	۶۴	۹۵	۴۶	۲۷

**5-топширик.** Қуйида берилган Абулғози Баҳодурхоннинг “Шажара-и турк” асаридан олинган парчани кўчириб ёзинг ва ўқинг.

ابو الغازی بهادرخان "شجره ترك" دان  
 ايران بيرلا توراندا اوتكان چينگيزخان اوغلانلارينيڭ اتلارينا آيتيلغان  
 تاريخلاردين اوشبو زمان فقيرنينگ آلديندا اون سيكيز مجلد حاضر تورور اما  
 بيزنينگ آتا و آقاولاريميزنينگ بى پرواليقى و خوارزم خلقى نينگ بى وقفلىغى بو  
 ايكى سبب بيزنينگ جماعتيميزنى عبدالله خان نينگ اتالارى بيرلان بيزنينگ اتالاريميز  
 نينگ آيريلغان بيريدىن تا بيزگا كىلگونچا تاريخلاريني بيتماى ايريدىلار بو تاريخنى  
 بير كيشيغا تكليف قيلالى تيب فكر قيلدوق هيچ مناسب كيشى تاپمادوق ضرور

بولدى اوزمىز ايتدوق ترك نىنگ مثلى تورور اوز كندىگىن اوزى كيسار تىگان آدم زمانىدىن تا بو دمغاچا اولچاقلى تارىخ ايتىلغاندوركىم حسابىنى تىنگرى بيلور هيچ پادشاه و امير و هيچ حكيم و دانشمند اوز تارىخىنى اوزى ايتغان ايرماس تورور بىزنىنگ يورتمىزنىنگ هواسىدىن و اهل خوارزم نىنگ بى بضاعتلىغىدىن هيچ زماندا بولماغان ايش بولدى ايمدى كونگلىنگىزغا كيلماسون كيم فقير طرف توتوب يالغان ايتقان بولغايمان و يا اوزومنى غلط تعريف ايتكان بولغايمان بو فقيرغا خدای تعالی عنایت قىليب كوپ نمرسا بيرغان تورور خصوصا اوج هنر بيرغان تورور اول سپاهىگىرچىلىك نىنگ قانونى و يوسونىكىم نيچوك اتلانماق و يوروماق و ياوغا ياساق ياساماق كوپ بيرلان يورغاندا نيچوك قىلماق آز بيرلان يوروغاندا نيچوك قىلماق دوستغا دشمنغا نيچوك سوزلاشماق ايكيكىچى مثنويات و قصايد و غزليات و مقطعات و روباقيات و بارچا اشعارنى فهلاماكلىك عربى فارسى و تركى لغت لارنىنگ معنى سىنى بىلماكلىك اوچونچى آدم عهدىدىن تا بو دمغاچا عربستاندا و ايران دا و توران دا و موغولستاندا اوتكان پادشاهلارنىنگ اتلارى و عمرلارنىنگ و سلطنتلارنىنگ كم و زىادين بىلماكلىك بير دقتدا فهلاماكلىكدا و تارىخ بىلماكلىكدا فقيردىك كيشى شايد عراقدا و هندوستاندا بولسا بولغاي يوق تىسام يالغان بولغاي اما سپاهى نىنگ يوسونى بىلماكدا بو چاقدا مسلمان و كافردا بىز كوروب و ايشيتاتورغان بيرلاردا و يورتلاردا يوق تورور بير يوزى كىنگ تورور ايشيتماغان بيرلاريمىزدا بولسا عجب ايرماس ايمدى مقصدىم قالماعالى تارىخ هجرى مىنگ تاقى بيتمىش تورت دا بىز بو كتابنى ابتدا قىلدوق و تاقى شجره ترك تىب ات قويدوق و تاقى توقوز باب قىلدوق اولغى باب آمدىن تا موغولخانغاچا ايكيكىچى باب موغولخان دىن چىنگىزخان غاچا اوچونچى باب چىنگىزخان نىنگ توغولغانىدىن اولغونىغاچا تورتىچى باب چىنگىزخان نىنگ اوچونچى اوغلى اوكدای قان نىنگ و انىنگ اولادى نىنگ و چىنگىزخان نىنگ اوغلانلارى نىنگ نسلدىن هر كيم موغول يورتىندا پادشاهلىق قىلغان بولسا انىنگ ذكرى بيشىچى باب چىنگىزخاننىنگ ايكيكىچى اوغلى چىغاتايخان نىنگ اولادىدىن ماوراءالنهر و كاشغار يورتىندا پادشاه لىق قىلغانلارنىنگ ذكرى آلتىنچى باب چىنگىزخان نىنگ كيچىك اوغلى تولى خان نىنگ اولادىدىن ايران مملكتىندا حكومت قىلغانلارى بيتىچى باب چىنگىزخان نىنگ اولوغ اوغلى جوجى خان نىنگ اولادىدىن دشت قىپچاق دا پادشاه لىق قىلغانلارنىنگ ذكرى سىكىزىچى باب جوجى خان نىنگ اوغلى شىبىنى خاننىنگ اولادىدىن ماوراءالنهر و قرم و قازاق و توران دا خان بولغانلارى نىنگ ذكرى توقوزىچى باب تاقى شىبىنى خان اولادىدىن خوارزم مملكتىن دا پادشاه لىق قىلغانلارنىنگ ذكرى بو توقوز باب عجاب توشدى انىنگ اوچون حكملار ايتىب تورورلار هيچ نمارسانىنگ مرتبه سى توقوزدىن يوقارى بولماس نهايتى توقوز تورور

## Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Се ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истъомлда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

2. Ҳойи хутги ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

3. Зол ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

4. Сод ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

5. Зод ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

6. То ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

7. Зо ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

8. Айн ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

9. Ҳойи ҳавваз ҳарфи иштирок этган ўзбек тилида истеъморда бўлган 4 та ўзлашган сўз топинг.

10. Инсоннинг тана аъзоларини араб ёзувида машқ дафтарингизга ёзинг.

11. Кўрсатиш олмошларини араб ёзувида машқ дафтарингизга ёзинг.

12. Кишилик олмошларини араб ёзувида машқ дафтарингизга ёзинг.

13. Сўроқ олмошларини араб ёзувида машқ дафтарингизга ёзинг.

14. Содда феълларга 10 та мисол ёзинг.

15. Ҳар икки қисми туркий бўлган мураккаб феълларга 10 та мисол ёзинг.

16. Фақат кўмакчи қисми туркий бўлган мураккаб феълларга 10 та мисол ёзинг.

17. Рақамларнинг қўлланиш тарихи ҳақида гапириб беринг.

18. Ҳозирги ўзбек тилида рақамларнинг неча тури амал қилади?

19. Араб рақамлари деб юритилувчи сонларга изоҳ беринг.

20. Араб рақамлари деб юритилувчи сонлар аслида қайси халққа тегишли?

21. Араб рақамларининг жаҳонга ёйилишида кимнинг ҳиссаси бекиёс?

22. Ўрта асрларда араб рақамларининг муомалага кенг киришини Беруний қайси олим номи билан боғлайди?



23. Араб рақамлари деб номланувчи замонавий ҳарфлар ва ҳозирги соф араб рақамлари ўртасидаги умумийликларни сананг.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. И. Азимов, М. Тожибоева ва А. Ғозиев **Эски ўзбек ёзуви**. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.

2. Жуманиёзов Р. **Эски ўзбек ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.

4. Исҳоқов Ф. **Эски ўзбек тили ва ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.

5. Халилов Л. **Ўқиш китоби**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.

## 7 – МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: АРАБ САТР УСТИ БЕЛГИЛАРИ. ФОРСИЙ ИЗОФА. ҚАМАРИЙ ВА ШАМСИЙ ҲАРФЛАР. АРАБ ИЗОФАСИ.

#### **Режа:**

1. *Араб сатр усти белгилари.*
2. *Форсий изофа.*
3. *Изофанинг имло қоидалари.*
4. *Қамарий ва шамсий ҳарфлар.*
5. *Араб изофаси.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *ўзбек тили, форс тили, араб тили, ташдид, танвин, суқун, мадда, ҳамза, васла, грамматика, бирикма, содда бирикма, мураккаб бирикма, изофа, музоф, музофи илайҳ, аниқланмиш, аниқловчи, қаратқич, қаралмиш, изофа занжири, зир (касра) белгиси, ҳамза белгиси, ё ҳарфи, қамарий ҳарфлар (хўруфэ қамария), ой ҳарфлари, шамсий ҳарфлар (хўруфэ шамсия), қуёш ҳарфлари, васла, ал аниқлик артикли, аниқ отлар, ноаниқ отлар, мослашмаган аниқловчи, изофа, мудоф, мудофи илайҳ, араб изофаси*

**Ўқув машғулотининг мақсади:** *ўзбек тили, форс тили, араб тили, ташдид, танвин, суқун, мадда, ҳамза, васла, грамматика, бирикма, содда бирикма, мураккаб бирикма, изофа, музоф, музофи илайҳ, аниқланмиш, аниқловчи, қаратқич, қаралмиш, изофа занжири, зир (касра) белгиси, ҳамза белгиси, ё ҳарфи, қамарий ҳарфлар (хўруфэ қамария), ой ҳарфлари, шамсий ҳарфлар (хўруфэ шамсия), қуёш ҳарфлари, васла, ал аниқлик артикли, аниқ отлар, ноаниқ отлар, мослашмаган аниқловчи, изофа, мудоф, мудофи илайҳ, араб изофаси ҳақидаги назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.*

### АРАБ САТР УСТИ БЕЛГИЛАРИ

Араб тилидан кириб келган, фақатгина сатр устига қўйиладиган араб сатр усти белгилари қуйидагилар:


#### 1.Ташдид

2. Танвин
3. Суқун
4. Ҳамза
5. Васла
6. Мадда белгилари

Араб сатр усти белгилари дейилади. Юқорида номлари зикр этилган белгилар ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушуб қолади.

Араб ёзувида яна баъзи фатҳа (забар), касра (зир) ва замма (пиш) деб номланувчи белгилар ҳам бор. Забар, зир ва пиш белгилари араб сатр остки ва устки белгилари таркибига киради, лекин уларнинг баъзилари сатр устида, баъзиси эса сатр остида жойлашади.

Араб сатр усти белгилари эса фақат сатр устида жойлашади. Шунинг учун ҳаракатлар (забар (фатҳа), зир (касра) ва пиш (дамма)) араб сатр усти белгилари қаторига киритилмайди.



Араб сатр усти белгилари куйидагилар:

1. Ташдид (تشديد) □ . Ташдид сўзи арабча сўз бўлиб, **кучайтириш, иккилантириш** деган маъноларни англатиб, сўз таркибидаги ундош ҳарфнинг устига қўйилади. Ташдид белгиси тушган ундош кучайтирилган ва иккилантирилган ҳолда талаффуз этилиши лозим. Бу белги асосан тилимизга араб тилидан ўзлашган сўзларда ишлатилади. Ёзувда бир сўз таркибида иккита бир хил ундош кетма-кет келса ва улар ўртасида унли мавжуд бўлмаса, мазкур ҳарфларнинг бири ёзилади ҳамда унинг устига ташдид белгиси қўйилади. Шу орқали ташдид белгиси сўзда иккита бир хил товуш ифода этувчи ҳарфлар борлигини англатади. **Масалан:**

نقاش	عطار	محله	مكار
наққош	аттор	маҳалла	маккор

Баъзи ҳолларда ташдид белгисининг устига фатҳа ёки замма белгилари қўйилиши ҳам мумкин (□ □ □). Бу эса ҳар иккаласини ҳам ўқиш зарурлигини билдиради. Бунинг учун аввал ташдид остидаги ундошни такрорлаб сўнгра ташдид устидаги ҳаракатни ўқиш лозим. **Масалан:**

اول	محمد	تبسم	محبت
аввал	Муҳаммад	табассум	муҳаббат

Таркибида қўш ундоши мавжуд бўлган туркий сўзлар, жумладан, ўзбекча сўзлар араб графикасида ёзилганда, товушларнинг миқдориغا кўра ёзамиз. **Масалан:**

ساککیز	ساککیز	قاتتیق	қаттик
--------	--------	--------	--------


Юқоридаги сўзларда ташдид белгиси қўлланилмайди. Чунки бу сўзлар туркий сўзлардир. Аслида **икки, ети, саккиз, тўққиз, қаттиғ** ва шунга ўзаш бошқа сўзлар **ики, ети, саккиз, тўқуз, қатиг** каби талаффуз этилган. Кейинчалик фонетик ўзгаришлар натижасида **ики-иккига** айланган. Қолган сўзларда ҳам шу ҳолатни кўнатишимиз мумкин.

Сўзларга баъзан қўшимчалар қўшилганда ўзақдаги ундош билан бирга қўшалок ундош ҳосил қилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ёзувда тўлиқ ёзилади. **Масалан:**

تاللا	тоққа	بيلاککا	билакка
-------	-------	---------	---------

2. Танвин (تنوين) □ . Бу ҳам араб сатр усти белгиларидан бири бўлиб, фақатгина арабий сўзлардагина ишлатилади ва ёзувдаги шакли қуйидаги кўринишларда бўлади. Танвин фатҳа, ʾтанвин касра ва танвин замма. Танвин кўпинча сўз охирида келиб, таглик вазифасида олинган алиф ҳарфининг устига иккита забар кўринишидаги чизиқча қўйиш орқали ҳосил қилинади. Танвин белгиси талаффузда ан товуш бирикмасини беради. **Масалан:**

مثلا	تخمينا	تقريبا	خصوصا
масалан	тахминан	тақрибан	хусусан



Араб тилидан ўзлашган сўзлар танвин белгисини олиб, равиш сўз туркумига киради. Танвин белгиси ёзувда ҳарф бўлмаганлиги сабабли тушиб қолади, лекин талаффузда сақланади. Сўз охирида танвин белгисига воситачи ҳарф вазифасини бажариб келаётган алиф **o** тарзида ўқилмайди.

3. Сукун (سكن) □. Сукун арабча сўз бўлиб, **тўхтаб туриш, тинчлик, ором** деган маъноларни билдиради. Бу белги баъзан **сокин** деб ҳам юритилади. Унинг асосий вазифаси бўғиннинг ёпик эканлигини билдиришдир. Сукун белгиси кетма – кет келган икки турли ундошнинг биринчиси устига қўйилади. Бу ҳолат эса биринчи ундошдан сўнг унли йўқлигини билдиради. **Масалан:**

فرزند	مجلس	مملكت	مصلحت
фарзанд	мажлис	мамлакат	маслаҳат

4. Ҳамза белгиси (همزة). Бу белги ўзининг вазифасига асосан қуйидагилардан иборат:

а) икки унли қатор келганда уларни ажратиш учун ёзилади.

**Масалан:**

شرانت	عجائب	غرانب	عائله
шароит	ажойиб	ғаройиб	оила

б) бўғинни ажратиш учун қўлланади. **Масалан:**

مسؤوليت	مسؤل	تأسيس	تأكيد
масъулият	масъул	таъсис	таъкид

в) форсий изофий бирикмаларда агар аниқланмиш қисқа *a* унлиси билан тугалланган бўлса, ҳамза белгиси шу ҳарфнинг устига қўйилади. Ёзувда ҳамза белгиси тушиб қолади. **Масалан:**

شجره ترك	Шажараи турк	نقطه نظر	нуқтаи назар
----------	--------------	----------	--------------

5. Васла (وصله). Бу белги араб тилига хос бўлиб, **бириктириш, боғлаш, қўшиш** деган маънони билдиради. Васла белгиси ёзувда сод ҳарфининг сўз бошидаги шаклига ўхшаш бўлади. Васла белгиси Ёлғизлик маъносини ифода этувчи отларни ҳосил қилишда (الله كتاب - (البيروني), ноаниқ ҳолатдаги отларни аниқ ҳолатга ўтказишда (الكتاب) ва арабий изофа (мослашмаган аниқловчи) ларни (عبدالله) ҳосил қилишда ишлатилади.

Васла белгиси ҳар доим ал аниқлик артикли билан бирга ишлатилади. Ал аниқлик артикли бириккан сўз ўқиладиган вақтда камарий ҳарф билан бошланган бўлса ал аниқлик қртикли ўқилади, агар шамсий ҳарф билан бошланган бўлса ал аниқлик артикли ўқилмайди. Масалан: **Нур ал-дин – Нуриддин; дор ул-фунун – дорулфунун, ...** . Бу ҳақда шамсий ва камарий ҳарфлар ва изофа бўлимларига қаранг. **Масалан:**

Ноаниқ ҳолатдаги отни аниқ ҳолатга ўтиши:

Китабун	كتاب	китоб	алкитабу	الكتاب	китоб
А боок		китоб	The боок		китоб

Арабий изофа (мослашмаган аниқловчи)

دار الفنون	дорул фунун	كمال الدين	Камолиддин
------------	-------------	------------	------------

Юқорида тилга олинган белгилар ёзувда ифода этилмаслиги мумкин, лекин бу белгиларнинг хусусиятларини тўлик ўзлаштирмоғимиз лозим.

## ФОРСИЙ ИЗОФА

Форс тилида изофа аниқланмиш билан аниқловчи, қаралмиш билан қараткич ўртасидаги муносабатни ифодаловчи и товушига изофа дейилади. Изофа арабча сўз бўлиб, **қўшиш, орттириш** деган маъноларни англатади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида кўшлаб изофали бирикмалар учрайди. **Масалан:** *дард-и бедаво, дард-и сар, таржима-и ҳол, нуқта-и назар...*

Аммо классик адабий тилимизда изофали бирикма жонли грамматик бирикма сифатида кенг тарқалган эди. Классик адабий тилимизда ёзилган ёдгорликларни, бадий асарларни ўқиб, тушуниб олиш учун бошқа бир қатор талаблар билан бирга форс изофасини ҳам жонли грамматик шакл сифатида билиб олиш керак бўлади.

Форс изофасини ўрганишнинг бир қатор мураккаблик томонлари бор. Булар қуйидагилар:

1) Изофали бирикма таркибидаги сўзларнинг тартиби ўзбек тилидагидек эмас. Бундай бирикмада аниқланмиш олдин келади, аниқловчи эса кейин келади. Ўзбек тилида аввал аниқловчи, сўнгра аниқланмиш келади. **Масалан:**

*дард-и бедаво*  
**давосиз дард**

*нуқта-и назар*  
**назар нуқтаси**

2) Эски ўзбек ёзувида аксарият ҳолларда форс изофаси акс эттирилмайди, яъни изофа ёзувда кўпинча бирор бир белги билан кўрсатилмайди. Аниқроғи изофа кўрсаткичи ҳисобланган белги харф бўлмаганлиги сабабли ёзувда ифодаланмайди.

Масалан, *ошиқ-и зор* бирикмаси араб ёзувида асосланган эски ўзбек ёзувида عاشق زار тарзида ёзилади. Бу мисолда *ошиқ* ваз *зор* сўзлари ўзаро бирикиб изофали бирикма ҳосил қилган. Изофа кўрсаткичи бўлган **и** эса ёзувда кўрсатилмаган. Лекин ёзувда кўрсатилмасида ўқилиши шарт. Изофа кўрсаткичи зир белгиси орқали ифода этилади.

Аниқланмиш қандай товуш билан тугалланганлигига қараб, изофа бир неча фонетик ҳолатларга эга бўлади:

а) Агарда аниқланмиш ундош ҳарфлардан бирига тугалланган бўлса изофа **зир** белгиси билан ифодаланади ва **и** тарзида талаффуз этилади. Форс тилида эса **-e** тарзида талаффуз этилади. **Зир** белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушиб қолади, лекин ҳар доим талаффузда сақланади. **Масалан:**

برادر عزیز	<b>биродари азиз</b>	азиз дўст
درد سر	<b>дарди сар</b>	бош оғриғи
عاشق زار	<b>ошиқи зор</b>	зор (бўлган) ошиқ
درد بيدوا	<b>дарди бедаво</b>	давосиз дард

б) Агарда аниқланмиш **а** унли товуши билан тугалланган бўлса, изофа **хамза** (ء) белгиси орқали ифода этилиб, **и** тарзида талаффуз қилинади. **Хамза** белгиси ҳарф бўлмаганлиги сабабли ёзувда тушуб қолади. **Масалан:**

والده محترمه	<b>волидаи мухтарама</b>	эҳтиромдаги она
ترجمه حال	<b>таржимаи ҳол</b>	таржимаи ҳол
نقطه نظر	<b>нуқтаи назар</b>	назар нуқтаси
آيينا جهان	<b>ойнаи жаҳон</b>	жаҳоннинг ойнаси

в) Агарда аниқланмиш **о**, **у** унли товушларидан бирига тугалланган бўлса, изофа **ى -ё** ҳарфи орқали ифода этилиб, **и** тарзида талаффуз қилинади. Изофа ҳарф орқали ифода этилганлиги сабабли ҳар доим ёзувда акс эттирилади. **Масалан:**

روی زمین	<b>руйи замин</b>	ер юзи
آشنای مهربان	<b>ошнои меҳрибон</b>	меҳрибон ўртоқ
صدای تاشکند	<b>садои Тошканд</b>	Тошкент овози
بوی گل	<b>бўйи гул</b>	гул хиди (ифори)

### ИЗОФА ЗАНЖИРИ

Классик манбаларда форс тили синтаксисига хос конструкциялар тез-тез учрайди. Бундай конструкциялар ўзбек ёзма ёдгорликларида тайёр ҳолда ўзгаришсиз қўлланган. Юқорида оддий



– икки сўздан иборат бирикмаларнинг изофа йўли билан боғланган содда тури билан танишдик. Изофа йўли билан боғланган сўз бирикмаларининг мураккаб тури форс тилшунослигида **изофий занжир** номи билан юритилади. **Масалан:**

**изҳори касри нафс** – нафс балоси изҳори (Атоий)

**махзани улуми шаръийи** – диний илмларнинг хазинаси (Атоий)

**маҳрами рози нихоний** – яширин сирларнинг иштирокчиси (Атоий)

**ғаввоси доирайи баҳри яқин** – яқинлик денгизи ғаввоси (Атоий)

**ғариқи дарёйи раҳмат** – раҳмат дарёсига чўккан (Атоий)

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бундай синтактик конструкциялар мавжуд. Исmlарнинг бундай кетма-кетлик асосида боғланиши ўзбек тилшунослигида **сўз бирикмаси занжири** деб юритилади.

## ҚАМАРИЙ ВА ШАМСИЙ ҲАРФЛАР

Араб алифбосидаги ҳарфлар икки йирик гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ ҳарфлари хуруф-ул қамари **ой ҳарфлари** ( حروف القمرى ) ва иккинчи гуруҳ ҳарфлари хуруф-уш шамси **күёш ҳарфлари** ( حروف الشمسى ) деб аталади.

**Хуруф-уш шамси** ( حروف الشمسى ) ҳарфлари 14 та бўлиб, улар куйидагилар:

س	ز	ر	ذ	د	ث	ت
ن	ل	ظ	ط	ض	ص	ش

**Хуруф-ул қамари** ( حروف القمرى ) ҳарфлари 14 та бўлиб, улар куйидагилар:

غ	ع	ح	خ	ج	ب	ا
ى	ه	و	م	ك	ق	ف

Ҳарфларнинг бу тарзда иккига ажратилиши арабий сўз бирикмаларини, аниқроғи, араб изофаси йўли билан боғланган

синтактик бирликларни тўғри ўқиш ва тўғри ёзиш имконини беради.

### ҚУЁШ ВА ОЙ ҲАРФЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ:

Арабий синтактик бирликлар саналмиш арабий изофаларда ал аниқлик артиклидан кейин келган сўз **қуёш ҳарфлари** билан бошланган бўлса улар **иккиланган ҳолда** ўқилади. Агар ал аниқлик артиклидан кейин келган сўз **ой ҳарфлари** билан бошланган бўлса улар **иккиланмаган ҳолда** ўқилади.

Агар ал (ال) аниқлик артиклидан кейин келган сўзнинг биринчи ҳарфи «қуёш ҳарфлари» гуруҳидаги ҳарфлардан бири билан бошланса, ал артиклёёёидаги лом (ل) ҳарфи талаффуз этилмай, ундан кейинги ҳарф ташдидли яъни иккиланган ҳолда ўқилади.

**Масалан:**

نصر الدين  
لغت الترك

**Наср-ал дин**  
**луғат-ал турк**

Насриддин  
туркча луғат

ал (ال) аниқлик артикли аниқ отлар олдида келиса, ал (ال) аниқлик артиклидан кейин келган сўз «ой ҳарфлари» гуруҳидаги ҳарфларнинг бири билан бошланса, ал (ال) аниқлик артикли кўшилиб келган сўзнинг тугалланган товушига кўра ул ёки ал бирикмалари тарзида талаффуз қилинади. **Масалан:**

الخوارزمي

**ал Хоразмий**

Хоразмий

ал (ال) аниқлик артикли аниқ отлар олдида ҳам келиши мумкин. Агар ал (ال) аниқлик артиклидан кейин келган сўз «қуёш ҳарфлари» гуруҳидаги ҳарфларнинг бири билан бошланса, ал (ال) аниқлик артикли кўшилиб келган сўзнинг бошидаги ҳарфи иккиланган ҳолда ўқилади. **Масалан:**

الطرمزي

**ал Термизий**

Термизий

ал (ال) аниқлик артикли таркибидаги алиф ҳарфи устига ёзувда **وصله** белгиси қўйилади. **Васла** белгиси ҳарф бўлмаганлиги

учун ёзувда тушиб қолади ва алифнинг ўзи ёзилиб, **وصله** васла борлигига ишора қилади. **Масалан:**

البيرونى  
الطرمى

ал Беруний  
ал Термизий

Беруний  
Термизий

## АРАБ ИЗОФАСИ

Изофа сўзи арабча сўз бўлиб, қўшиш, орттириш, бириктириш каби маъноларни англатади. Араб изофаси араб тилига оид манбаларда мослашмаган аниқловчи деб ҳам юритилади. Изофанинг биринчи қисми **мудоф**, иккинчи қисми эса **мудофи** илайҳ дейилади. Араб изофасидаги сўзларнинг тартиби ҳам худди форс-тожик тилидаги сингаридир, яъни араб тилида ҳам аниқланмиш аввал келади, аниқловчи эса кейин келади. **Масалан:**

عبدالله  
مجالس النفائس

Абдуллоҳ  
Мажолисун нафоис

Оллоҳнинг қули  
Нафис мажлислар

Эски адабий тилимизда араб изофаи бирикмалари форсча бирикмаларига қараганда анча кам. Араб изофасининг кўрсаткичи – ул дир. Бу кўсаткич ҳамма вақт ёзувда ўз аксини топади, лекин талаффузда ҳамма вақт ҳам ул тарзида ўқилавермайди. У баъзан талаффузда фонетик ўзгаришга учрайди. Ўзбек тилида араб изофаси кўпинча асар номлари ва исмларда (еркаклар исмларида) кузатишимиз мумкин. **Масалан:** *Абдуллоҳ, Абдурахмон, Нуриддин, Абдуғаффор, Мажолисун нафоис, Наводирӯш шабоб, Қиссасул анбиё, ... ..*

### Шахслар исми:

عبدالله  
نورالدين  
نورالله

Абдуллоҳ  
Нуриддин  
Нуруллоҳ

Оллоҳнинг қули  
Диннинг нури  
Оллоҳнинг нури

### Асарлар номи:

لسان الطير  
قصص الانبياء  
مجالس النفائس

Лисонут тайр  
Қиссасул анбиё  
Мажолисун нафоис

Қуш тили  
Пайғамбарлар қиссаси  
Нафис мажлислар

## Бошқа баъзи сўзларда:

دار الفنون **дорул фунун**  
دار الحكمة **дорул ҳикма**  
دار الحكومه **дорул ҳукума**

фанлар уйи  
ҳикматлар уйи  
ҳукумат уйи

**1-топшириқ.** Ташдид белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**2-топшириқ.** Танвин белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**3-топшириқ.** Сукун белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**4-топшириқ.** Мадда белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**5-топшириқ.** Ҳамза белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**6-топшириқ.** Васла белгиси иштирок этган 4 та сўз ёзинг.

**7-топшириқ.** Қуйида берилган ўзбек тилига ўзлашган форсий изофаларни машқ дафтарингизга кўчириб ёзинг, улар англатган маъноларни тушунтиринг ва арабий ёзувдаги кўринишини эслаб қолинг.

бадан аъзолари  
илм аҳли (илм олувчилар)  
замон олимлари  
Туркистон амири  
маърифат чақириғи  
давлат устунни  
нафс балоси  
чорасиз киши  
жаннат боғи  
кўнгил очиш боғи  
жаннат боғи  
шамол боғи  
шарафланган Бухоро  
давосиз дард  
бош оғриғи  
улуғ (катта) гуноҳ  
катта гуноҳлар  
кичик гуноҳлар  
нам ҳолва  
қоинот (юлдузлар ) илими  
жаҳон аҳолиси

عضاء بدن  
اهل علم  
علامه زمان  
امير تورکستان  
امر معروف  
ارکان دولت  
بلای نفس  
بنده ناچار  
باغ بيحشت  
باغ دلکشا  
باغ ارم  
باغ شمال  
بخارای شريف  
درد بيدوا  
درد سر  
گناه عظيم  
گناه کبيره  
گناه صغيره  
حلواى تر  
علم نجوم  
جمله جهان

**аъзойи бадан**  
**аҳли илм**  
**алломайи замон**  
**амири Туркистон**  
**амри маръуф**  
**арқони давлат**  
**балойи нафс**  
**бандаийи ночор**  
**боғи беҳишт**  
**боғи дилқушо**  
**боғи эрам**  
**боғи шамол**  
**Бухоройи шариф**  
**дарди бедаво**  
**дарди сар**  
**гуноҳи азим**  
**гуноҳи кабира**  
**гуноҳи сағира**  
**ҳалвойи тар**  
**илми нуҷум**  
**жумлайи жаҳон**

кулгувчи лаб  
 ҳалол лукма (йемиш)  
 ҳаром лукма (йемиш)  
 Фарғона аҳолиси  
 сичқоннинг ўлими  
 катта минора  
 мушки анбар  
 ҳаёт суви  
 оқар сув  
 жоннинг офати  
 зор бўлган она  
 зор бўлган ошиқ  
 жаҳон ойнаси  
 пири комил  
 пири муршид  
 тахтнинг оёғи  
 чиройли юз  
 қиёмат куни  
 катта саҳро  
 коинот эгаси  
 тик қомат  
 ялдо кечаси  
 хижрон кечаси  
 ҳунар эгаси  
 ҳолат баёни  
 дунё ишларидан воз кечиш  
 илм талаб қилувчи  
 бош (катта) вазир  
 эҳтиромдаги она  
 ҳурматли инсон  
 хўл ҳолва  
 сув юзаси

لب خندان  
 لقمه حلال  
 لقمه حرام  
 مردم فرغانه  
 مرگ موش  
 مناره كلان  
 مشك انبر  
 آب حیات  
 آب روان  
 آفت جان  
 آنه زار  
 عاشق زار  
 آيينه جهان  
 پير كامل  
 پير مرشيد  
 پایتخت  
 روى زيبا  
 روز محشر  
 سحرای کبير  
 سرور کائنات  
 سرو قامت  
 شب يلدا  
 شام حجران  
 صاحب هنر  
 ترجمه حال  
 ترک دنيا  
 طالب علم  
 وزير عظم  
 والده محترمه  
 زات شريف  
 حلواى تر  
 روى آب

лаби хандон  
 лукмаи ҳалол  
 лукмаи ҳаром  
 мардӯми Фарғона  
 марги муш  
 минорайи калон  
 мушки анбар  
 оби ҳаёт  
 оби равон  
 офати жон  
 онайи зор  
 ошиқи зор  
 ойинайи жаҳон  
 пири комил  
 пири муршид  
 пойтахт  
 рўйи зебо  
 рўзи маҳшар  
 саҳроӣи кабир  
 сарвари коинот  
 сарви қомат  
 шаби ялдо  
 шоми хижрон  
 соҳиби ҳунар  
 таржимаӣи ҳол  
 тарки дунё  
 толиби илм  
 вазири аъзам  
 волидаӣи муҳтарама  
 зоти шариф  
 ҳолвайтар  
 рўёб

**8-топширик.** Атоӣининг “Манга” радифли ғазалини эски ўзбек ёзувига ўғиринг. Изофий бирикмаларнинг имлосига эътибор беринг.

## Манга

*Ийди акбардур муборак умри жовидон билан,  
Гар қошинг ёси учун бўлгил десанг қурбон манга.*

*Иштиёқинг баҳрида гарқоб бўлдум, раҳм қил,  
Эй бути чин, қавли ёлгон, аҳди бепоеън манга.*

*Бўлгай эрди Юсуфим ҳажринг азобинда шафиъ.  
Ҳоли зоримни кўруб пайгамбари Канъон манга.*

*Парвариш қилдим кўнгулни бир ўзумга ёр деб,  
Бевафо хўбларни севди, бўлди хасми жон манга.*

*Зулфунгиз занжирининг девонасиман то абад,  
Бермасун кўп дарди сар бу ақли саргардон манга.*

**9-топшириқ.** Қуйида берилган маттни кўчириб ёзинг, ўқинг ва уни қайси асардан олинган матн эканлигини аниқланг.

### اقسام جهالت

جهالت ايککى قسم دور که بيرينى "جهل بسيط" ايککينچيسينى "جهل مرکب" ديبيلور. جهل بسيط مرضى گا مبتلا بولگان كيشيلار بير نارسانى بيلماسالار بيلمگانليكلاريني اقرار و اعتراف قيلورلار. شونينگ اوچون يونينگ دواسى آسان فقط بيلماک و اورگانماک يوليدا جهد و جدل قيلماک ايللا بولور. جهل مرکب مرضى گا مبتلا بولگان كيشيلار بير نارسانى بيلماسالار بيلمگانينى هم بيلماسدان بيلامان ديب دعوا قيلور. بيزدا بوندای كيشيلارگا "اوزباشيمچا" و "اوزى بيلارمان" اسمينى بيرورلار. بو درد بيدوانينگ علاجى جناب حق نينگ لطف و عنايتى ايللا حل اولونماسا توزالماغى مشكل و آغيردور.

**10-топшириқ.** Қуйида берилган сўзларни кўчириб ёзинг, ўқинг ва уларнинг маъносини тушунтиринг.

محاکمة اللغتين  
بدایع الوسط

قصص الانبياء  
فوائد الكبير

غرائب الصغر  
حيرت الابرار

نوادر الشباب  
ميزان الاوزان

**11-топшириқ.** Қуйида берилган сўзларни араб ёзувига ўтиринг ва улар англатган маъноларни тушунтиринг.

Абдуллох  
Саъдуллох

Неъматуллох  
Нуруллох

Ҳадятуллох  
Оятуллох

**12-топширик.** Куйида берилган маттни кўчириб ёзинг ва ўқинг.

### حكايت

Бир پادشاه توشيدا كوردىكه همه تيشلارى توشوب كيتىبدور منجمدين انىنگ تعبيرينى سوردى منجم پادشاهنىنگ اولاد و قرىندشلارى پادشاهدين ايلگارى اوليشىنى ايدى. پادشاه درغضب بولوب منجمنى بندغا سالدوردى و يانا بير منجمنى ايندادى و اول منجمدين توشىنىنگ تعبيرينى سورادى منجم عرض قىلدىكه پادشاه همه اولاد و قرىنداشلارىدين اوزون ياشاغايلار پادشاه بو جوابنى منظور قىلدى و انگا انعام بىردى

### Мавзуга оид савол ва топшириқлар:

1. Ташдид белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
2. Танвин белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
3. Суқун белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
4. Ҳамза белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
5. Васла белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
6. Мадда белгиси ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
7. Изофа сўзининг луғавий маъноси ҳақида маълумот беринг.
8. Изофа ҳақида маълумот беринг?
9. Изофанинг имло қоидалари ҳақида маълумот беринг?
10. Ўзбек тилига ўзлашган форсий изофалардан қайсиларини биласиз?
11. Қамарий ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
12. Қамарий ҳарфларнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
13. Шамсий ҳарфлар нечта ва улар қайсилар?
14. Шамсий ҳарфларнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
15. Изофа нима?
16. Арабий изофа тури ҳақида гапириб беринг.
17. Классик мантиларда арабий синтактик шаклларни қўллашдан мақсад нима?
18. Арабий изофа шаклларининг имлоси ва ўқилиши ҳақида гапириг.

19. Арабий изофани тўғри ўқишда қайси омилларга эътибор қаратиш лозим?

20. Араб алифбосидаги шамсий ва камарий ҳарфларнинг изофий бирикмаларини ўқишдаги аҳамияти ҳақида гаприб беринг.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. И. Азимов, М. Тожибоева ва А. Ғозиев **Эски ўзбек ёзуви**. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.

2. Жуманиёзов Р. **Эски ўзбек ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.

4. Исҳоқов Ф. **Эски ўзбек тили ва ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.

5. Халилов Л. **Ўқиш китоби**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.



## 8 – МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: ЙИЛ ҲИСОБИ. БУРЖ. XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДАГИ ЁЗУВ ИСЛОҲОТИ

#### **Режа:**

1. Милодий йил.
2. Ҳижрий - қамарий йил.
3. Ҳижрий - шамсий йил.
4. Ҳижрий йилни милодий йилга айлантириши усуллари.
5. Милодий йилни ҳижрий йилга айлантириши усуллари.
6. Мучал йил ҳисоби.
7. Бурж.
8. XX асрнинг 20-30-йилларидаги ёзув ислоҳоти.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўзбек тили, араб тили, ҳижрий шамсий йил, ҳижрий қамарий, милодий йил, Муҳаррам, Сафар, Рабиул аввал, Робиул охир, Жамодиул аввал, Жамодиул охир, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жади, Далв, Ҳут, Ер, Қуёш, Сириус юлдузи, мучал йил ҳисоби, сичқон (муш), сигир (бақар), йўлбарс (паланг), қуён (ҳаргуш), балиқ (наҳанг), илон (мор), от (асп), қўй (гусфанд), маймун (ҳамдуна), товук (мурғ), ит (сағ), тўнғиз (хўк), бурж, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут, Ой, Уторид, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал

**Ўқув машғулотининг мақсади:** ўзбек тили, араб тили, ҳижрий шамсий йил, ҳижрий қамарий, милодий йил, Муҳаррам, Сафар, Рабиул аввал, Робиул охир, Жамодиул аввал, Жамодиул охир, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жади, Далв, Ҳут, Ер, Қуёш, Сириус юлдузи, мучал йил ҳисоби, сичқон (муш), сигир (бақар), йўлбарс (паланг), қуён (ҳаргуш), балиқ (наҳанг), илон (мор), от (асп), қўй (гусфанд), маймун (ҳамдуна), товук (мурғ), ит (сағ), тўнғиз (хўк), бурж, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут, Ой, Уторид, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал ҳақидаги

назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

## ЙИЛ ҲИСОБИ

Манбалардан маълум бўлишича, дастлабки йил ҳисоби мисрликларга тааллуқлидир. Мамлакатда юз бериб турадиган курғоқчиликлар мисрликларни қаттиқ қайғуга солган. Улар Нил дарёсининг сувини бекорга исроф бўлиб денгизга оқиб кетмаслигининг чора-тадбирларини излаганлар. Ниҳоят Миср коҳинлари 21 ёки 22-июн – ёз кечасининг энг қисқа куни саҳар пайтида коинотда Сириус ёруғ юлдузининг пайдо бўлишини ва бунинг натижасида Нил дарёсининг тоша бошлашини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Сириуснинг бу йилдан кейинги йилга қадар пайдо бўладиган кунлари 365 кун эканини ҳисоблаб, уни ўттиз кундан иборат ўн икки бўлакка бўлганлар, қолган беш кунини йил охирига қўшимча илова қилганлар. Шундай бўлса ҳам юлдузнинг намоён бўлиши ҳар тўрт йилда бир суткага кечиккан. Улар кунларни яна қайта бошдан ҳисоблаб чиқиб бир йил 365 кун, олти соатга тенг, деган хулосага келганлар. Лекин тақвимни ўзгартирмай ўз ҳолича қолдирганлар. Бу тузатишни орадан анча вақт ўтгач (милоддан аввалги 46-йилда) Рим императори Юлий Сезар амалга оширди. Бунда бир ой ўттиз, иккинчи ой ўттиз бир, фақат бир ой – феврал йигирма саккиз кун қилиб олинди. Ана шу қисқа ой – февралга тўрт йилда бир марта бир кундан қўшиладиган ва шу йил кабиса (ортирилган) йили деб аталадиган бўлди. Бу тузатиш натижасида бир йил 365 кун, олти соат эмас, балки 365 кун беш соат, қирқ саккиз дақиқа, ўн тўрт сониядан иборат бўлиб, бу фарқ тўрт юз йилда уч кеча-кундузни ташкил қилади ва тақвимни орқада қолишига сабаб бўлади.

1582-йили Рим папаси Григорий XIII томонидан тақвимга яна янги тузатиш киритилди. Европа мамлакатлари аста-секин шу тақвимга ўта бошладилар. Фақат Россиягина Юлий тақвимида истифода этишда давом этди. 1918-йилга келганда Юлий ва Григорий тақвими орасидаги фарқ ўн уч кунга етган эди.

Маслаҳат билан ана шу ўн уч кун ташлаб юбориладиган бўлди ва 1918-йилнинг ўттиз биринчи январидан кейин бира тўла 14 февралга ўтишга қарор қилинди. Қарангки, янги тақвим ҳам

унчалик аниқ эмас экан. Дақиқа ва сониялар йиғилиб уч минг уч юзинчи йилдан кейин бир суткага етар экан. Биз ҳозирда фойдаланаётганимиз тақвим ана шу тарика юзага келган.

## МИЛОДИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Милодий йил ҳисобининг бошланиши Исо алайҳиссаломнинг таваллуди билан боғлиқ. Шу сабаб **исавия, христианлик йил ҳисоби** деб юритилади. Христианлик тарқала бошлаган илк даврда бир қанча йил ҳисоблари мавжуд эди ва улардаги ҳар хиллик туфайли турли нокулайликлар туғилган. Буни бартараф этиш учун янги йил ҳисоби тузишга эҳтиёж сезилди. Манбаларда келтирилишича VI асрда Рим монархи Дионский ҳеч бир далил-ҳужжатсиз Исо пайғамбарнинг таваллудини бундан беш юз йил олдин содир бўлган дея, эълон қилган ва шундан йил ҳисоби юритишни таклиф этган. XVIII-XIX асргача Европадаги кўпгина давлатлар милодий йил ҳисобини қабул қилганлар. Россия Пётр I нинг фармони билан 1700-йил биринчи январдан бошлаб милодий йил ҳисобига ўтган. Ўрта Осиёда бу иш XIX асрнинг 2-ярмидан амалга оширилган.

Милодий йили планетамизнинг Куёш атрофида бир йил айланиш даври 365, 25 кеча-кундуз ҳисобидан олинган. Ортиқча 0,25 кеча-кундуз ҳисобига эса ҳар тўрт йилда феврал ойига бир кун қўшиб йигирма тўққиз кун ҳисобланган. Ўша йили, юкорида ҳам айтиб ўтганимиздек, 366 кунга тенг бўлиб кабиса йили деб аталган.

## ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Ҳижрий йил мусулмонлар йили бўлиб, 622 милодий йилидан, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган давридан бошланади. Ҳижрий йил икки хил йил ҳисобига эга. **Биринчиси – ҳижрий қамарий йил** ҳисоби бўлиб, ойнаинг ер атрофида айланиш даври 29,5 кеча-кундуз ҳисобидан олинган. Ҳижрий йил ҳисоби ҳам ўн икки ойдан иборат бўлиб, олти ойи йигирма тўққиз, олти ойи ўттиз кундан иборат бўлади. Бир йил 354 кунни ташкил қилади. Кабиса йилида ўн иккинчи ой ўттиз кун килиб олинади ва бу йил 355 кунни ташкил қилади.

**Иккинчиси – хижрий шамсий йилидир.** Бу йил ҳисоби ернинг қуёш атрофини бир марта тўлиқ айланиб чиқиш даврига асосланган. Шу сабаб ҳисоб қуёш кунлари асосида олиб борилади ва бир йил 365 (366) кунга тенг бўлади. Фақат бир ой йигирма саккиз кундан иборат бўлади. Ҳар тўрт йилда бу ойга бир кун қўшилиб, юқорида айтиб ўтганимиздек, йигирма тўққиз кунни ташкил қилади ва шу йил кабиса йили ҳисобланиб 366 кундан иборат бўлади.

Ҳижрий қамарий йили хижрий шамсий йилидан ҳар йили 11 кун ортда қолиб боради. Шу сабабли хижрий қамарий йилида йил боши – **муҳаррам ойи** доим ҳам бир вақтга тўғри келавермайди. Ҳижрий қамарий йили ўттиз уч йилда бир даврани айланиб чиқиб яна бир вақтга тўғри келади. Унинг ўттиз уч йили хижрий шамсийнинг ўттиз икки йилига тенг бўлади.

Бундан ташқари хижрий йилда ҳар ўттиз йил ичида ўн бир кун тузатиш киритилади. Яъни, таквимий ой ҳисоби ойнинг ҳақиқий давридан дақиқа ва сониялар ҳисобига ортда қолиб борадики, булар йиғилиб ўттиз йилда ўн бир кунга етади. Бу фарқни йўқотиш мақсадида араблар ҳар ўттиз йилда ўн бир сутка қўшиб ўттиз йилнинг ўн тўққиз йилини 354 кун, ўн бир йилини 355 кун қилиб ҳисоблайдилар. Шунда ҳар ўттиз йилнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26, 29-йиллари кабиса, яъни орттирилган йиллар бўлиб 365 кундан иборат бўлади. Одатда, кабиса йилини аниқлаш учун уни ўттизга бўлиш керак. Қолган қолдиқ юқорида санаб ўтилган саналардан бирига тўғри келса шу йил кабиса йили бўлади. Мисалан, 1423-йилнинг қандай йил эканини текшириб кўриш учун уни ўттизга бўламиз,  $1423:30=47$  бўлади ва ўн уч қолдиқ қолади. Ўн уч юқоридаги саналар ичида мавжуд. Демак, 1423-йили кабиса йили экан.

## **ҲИЖРИЙ - ҚАМАРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ**

Қўлзма китобларнинг хотима қисмига назар ташлайдиган бўлсик, уларда нафақат асарнинг ёзиб тугалланган йили, балки қайси ой ва қайси санада тамомланганини ҳам аниқ кўрсатишнинг гувоҳи бўламиз. Демак, тарихий далилларни аниқ, тўғри аниқлашимиз учун хижрий йил ойлари номлари билан ҳам яқини таниш бўлишимиз керак бўлади.

Ҳижрий қамарий йил ойлари ўн икки ойдан иборат бўлиб, йигирма тўққиз ва ўттиз кундан ташкил топган:

Ҳижрий қамарий ойлари	Кунни	حجرى قمرى يىل آيلارى	№
Мухаррам	30	محرم	1.
Сафар	29	صفر	2.
Рабиул-аввал	30	ربيع الاول	3.
Рабиул-охир	29	ربيع الآخر	4.
Жумодиул-аввал	30	جمادى الاول	5.
Жумодиул-охир	29	جمادى الآخر	6.
Ражаб	30	رجب	7.
Шаъбон	29	شعبان	8.
Рамазон	30	رمضان	9.
Шаввол	29	شوال	10.
Зул-қаъда	30	ذوالقعدة	11.
Зул-ҳижжа	29-30	ذوالحجه	12.

### ҲИЖРИЙ - ШАМСИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Ҳижрий шамсий йил ойлари 622-йилнинг йигирма биринчи мартдан, яъни кеча ва кундузнинг узунлиги баробар бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Йил давомийлиги худди Григорий тақвимидаги сингари 365 ёки 366 кундан иборат бўлади. Бу ҳисоб куёшнинг даврийлигига асослангани учун ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтида келади:

Ойларнинг бошланиш саналари	Кунлар	حجرى شمسى يىل آيلارى	№
21 март – 20 апрел	31	حمل	1.
21 апрел – 21 май	31	سور	2.
22 май – 20 июн	31	جوزا	3.
21 июн – 22 июл	31	سرطان	4.
23 июл – 22 август	31	اسد	5.
23 август – 22 сентябр	31	سنبله	6.
23 сентябр – 22 октябр	31	ميزان	7.
23 октябр – 21 ноябр	30	عقرب	8.

22 ноябр – 21 декабр	30	قوس	9.
22 декабр – 20 январ	30	جدى	10
21 январ – 19 феврал	30	دلو	11
20 феврал – 20 март	29-30	هوت	12

## МУЧАЛ ЙИЛ ҲИСОБИ

Аждодларимиз араб истилосига қадар ўзларининг йил ҳисобига эга бўлишган. Мучалга асосланган ҳисоб ана шундай йил ҳисобларидан биридир. Бу ҳисоб тури узоқ даврлардан бери туркий халқларда, жумладан, ўзбек, козоқ, уйғур, туркман ҳамда хитой, мўғул каби бошқа шарқ халқлари ўртасида қўлланиб ёзма манбаларда, ҳужжатларда турли воқеаларнинг санасини (таъриhini), қайд этишган истифода этиб келинган. Қадимий қўлёзма ёдгорликларнинг хотимасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда асарнинг ёзилиб тугалланган таърихи хижрий йил орқали берилиши билан бирга мучал ҳисобида ҳам кўрсатиб ўтилганининг гувоҳи бўламиз:

تمت الكتاب بعون ال ملك الوهاب كاتب كتاب ملا خواجه نیاز ابن شهاد  
صوفی خوارزمی فی سنه ۱۳۲۵ قوی ییلی ماه رمضان نینک ۲۶ چی سی دا اتمام  
سرحدیکا یتتی

Хотимадан маълум бўлишича, қўлёзма Хоразмда котиб Мулла Хужаниёз ибн Шабад сўфи Хоразмий томонидан хижрий 1325 (милодий 1907) қўй йили рамазон ойнинг 26-санасида кўчириб тутилган.

Мучал борасидаги дастлабки маълумотлар Берунийнинг «Осор ул-бокия», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» ва бошқа манбалар орқали бизгача етиб келган. Улардан маълум бўлишича, турклар ўн икки йилни ўн икки ҳайвон номи билан атаганлар ва илсоннинг туғилиши, вафоти, жанг тарихлари ва бошқа муҳим ҳодиса, воқеаларнинг содир бўлган йилини аниқлашда ана шу йилларнинг айланишига суянганлар.

### Мучал йили ҳисоби тартиби ва номлари:

1. Сичқон. 2. Уд (сигир). 3. Барс (йўлбарс). 4. Товушқон (куён). 5. Нак (тимсох). 6. Йилон (илон). 7. Йўнд (от). 8. Қўй. 9. Бижин (маймун). 10. Тақағу (товуқ). 11. Ит. 12. Тўнғиз.

Мучал йили шарқда йил фаслларининг турли саналарида бошланади. Масалан, Хитойда феврал ойидан бошланса, бизнинг ўлкамизда 21-мартдан бошланади.

Кишининг қайси мучал йилида таваллуд топганини ҳисоблаб топиш учун унинг туғилган йилига тўққиз рақами қўшилади, ҳосил бўлган сон ўн иккига бўлинади, қолган қолдиқ мучал йили ҳисобланади. Масалан, бирон кимса 1980-йил туғилган бўлса, унинг мучал йили қуйидагича аниқланади:

1.  $1980+9=1989$

2.  $1989:12=165$

Қолган қолдиқ сони 9. Демак, у киши бижин, яъни маймун йилда туғилган экан.

Йилнинг мучалини аниқлашнинг яна бир усули мавжуд. Бунинг учун мучали аниқлаадиган йилдан тўрт сонини айтириб, сўнг ўн иккига бўлиш лозим. Қолган қолдиққа бир рақами қўшилса, мучал йили чиқади. Масалан, 1976-йилнинг қайси мучалга тўғри келишини аниқлаш учун:

1.  $1976-4=1972$

2.  $1972:12=164$

4 қолдиқ қолади. Унга бир рақамини қўшсак беш бўлади. Демак, 1976-йилнинг мучали «нак» - «тимсох» (балиқ) экан.

Мучал йили ҳисоби туркий ёзма манбаларнинг деярли барча даврларида учрайди. Бу ҳисоб тури қадимги туркий ёзма манбаларда ҳам мавжуд. Жумладан, Кул тегин катта битиктошида шундай сатрлар мавжуд: “... анча қазганип ақанг(им қ)аган **ит йил онунч ай алти отузқа уча барди** – анча галабаларни қўлга киритиб, отам хоқон **ит йилининг ўнинчи ойида вафот қилди .... қўй йилқа етинч ай кучлуг алл қазанимда адрилу бардингиз**” - Қўй йилида еттинчи ойда қудратли қахрамон хоқонимиздан жудо бўлиб қолдингиз (Тўн.)

Мучал йили ҳисоби сўнги давр ёзма манбаларида ҳам тез-тез учрайди. Жумладан, Огаҳийнинг тарихий асарларида бу ҳисоб тури кенг қўлланган ва, албатта, мучал йили номлари ҳижрий йил ойлари

билан бирга кўлланиб, тарихий воқеаларнинг санаси янада аниқроқ ифодаланишига эришилган.

Масалан, *“Дониш аҳлининг хотири хатирларига маълум бўлсунким, бу нусхаи мухтасар таълифи ҳазрат зиллуллоҳий гуфронпаноҳийнинг вафоти маломатсамотидин ўттиз беш кун сўнг, санаи ҳижрий минг икки юз олмиш иккида йилон йили рабё-ул аввал ойининг тўртида, душанба куни ихтимом топди.”* Огаҳий Раҳимқулихоннинг таваллуд санаси тўғрисида қуйидагича маълумот беради: *“...ул ҳазратнинг валодати лозим-уш шарофати жадди бузругвори султони фирдавмакон Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг айёми хўжастафаржомида санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўққузда, мувофиқи ит йили афзали авқотда, камоли соотда вуқуъ топиб, инояти субҳоний раҳбарлиги била адам масаканидин вужуд гулшанига қадамовар бўлди...”* (Огаҳий **“Зубдат-ут таворих”**)

Қуйидаги жадвалда мучал йилининг амалдаги йилларга мослиги берилган.

1.	Сичкон (муш)	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	2020
2.	Сигир (бақар)	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	2021
3.	Йўлбарс (паланг)	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	2022
4.	Куён (харгўшт)	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	2023
5.	Балиқ (наҳанг)	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	2024
6.	Илон (мур)	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	2025
7.	От (асп)	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	2026
8.	Кўй (гўсфанд)	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	2027
9.	Маймун (ҳамдуна)	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	2028
10.	Товук (мурғ)	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	2029
11.	Ит (сак)	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	2030
12.	Тўнғиз (хўк)	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	2031

## БУРЖ

«Бурж» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «ясанмоқ», «бежанмоқ» деган маъноларни англатади. Илми фалакиётда кўшнинг йиллик ҳаракати доирасидаги ўн икки тўп юлдуз номини билдиради. Бурж номлари қуйидагилардан иборат:



1. Ҳамал. 2. Савр. 3. Жавзо. 4. Саратон. 5. Асад. 6. Сунбула. 7. Мезон. 8. Ақраб. 9. Қавс. 10. Жадий. 11. Далв. 12. Ҳут.

Етти сайёра – Ой, Уторид, Зухра, Куёш, Миррих, Муштарий, Зуҳаллар мана шу буржларни турли вақтларда босиб ўтадилар. Чунончи, куёш бир йил давомида, ой эса бир ой ичида мазкур ўн икки буржни босиб ўтади.

Манбалардан маълум бўлишича, туркий халқлардаги ойларнинг номлари ҳам буржлардан олинган. Масалан:

Баҳор фасли «буржи обий» деб аталган ва ўз ичига ҳамал (21-мартдан), «савр» (21-апрелдан), жавзо (21-майдан) ойларини олган.

Ёз фасли – «буржи норий» деб аталиб, саратон (21-июндан), асад (21-июлдан), сунбула (21-августдан) ойларида иборат бўлган.

Куз фасли – «буржи бодий» деб юритилган ва ўз ичига мезон (21-сентябрдан), ақраб (21-октябрдан), қавс (21-ноябрдан) ойларини олган.

Қиш фасли – «буржи ҳокий» номи остида жадий (21-декабрдан), далв (21-январдан), ҳут (21-февралдан) ойларини ўзида мужассам қилган.

Буржлардан қўлёзма асарларнинг ёзиб тугалланган муддатини белгилашда, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳужжатларнинг битилган ёки тасдиқланган санасини ҳамда бирон муҳим ҳодиса ёхуд воқеаларнинг содир бўлган аниқ вақтини белгилашда истифода этилган. Шунингдек, бадиий адабиётда ҳам буржларнинг ҳаракати ёки тавсифидан образли тасвир яратишда муваффақият билан фойдаланилган. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонининг муқаддимасини келтириш мумкин. Муқаддима таркибидаги мавжуд наътда Муҳаммад пайғамбарнинг ўз арғумоғи – Буроқи билан маънавий оламга қилган саёҳати тасвирланади. Унинг самовий сафари осмони фалакнинг саккиз чархи фалаги, яъни саккизта юлдуз тўплами ва буржлар орқали ўтади. Навоийнинг юксак маҳорати шундаки, у ана шу саёҳат орқали коинот гўзалликлари, юлдузлар туркуми, буржлар, уларнинг хусусиятлари, ҳолатларини ҳаққоний тасвирини ҳам яратиб ўқувчининг кўз олдида жонли манзара чизади. Энг муҳими, у ўз китобхонини коинот сирларига ошно қилади.

Навоий пайғамбар қадами теккан ҳар бир фалак ёки буржни тасвирлар экан, уларнинг маснаднишин «ҳоким»лари сифатларига

ҳаётий жонли кўринишлардан чизгилар беради. Инсон ҳаётига хос айрим кўринишларни уларнинг ҳаракатларига мослаб гўзал бадиий тасвирлар яратади.

Чунончи, Муҳаммад пайғамбарнинг Буроки иккинчи фалакка қадам қўйиши билан, Уториднинг сиёҳдон-у қалами синади. Бу мактаб кўрмаганлар (юлдузлар туркуми)нинг машғулоти тезлик билан илм ўрганишдан иборат бўлиб қолади. (Иккинчи планета ҳисобланмиш Уторид сайёраси афсоналарга асосланиб адабиётимизда «фалак котиби» ёхуд «шоирлар ҳомийси» деб аталган), ёки учинчи фалак соҳибаси Зухра Муҳаммад пайғамбарни кўргач, айтаётган қўшиғини бас қилиб, чалаётган удини тезлик билан чодирига яширади ва ўрнидан туриб йўл бўшатади. (Қадимги шоирлар «Зухра» - «Чўлпон» юлдузини «осмон чолғучиси», «созанда»си деб атаганлар).

Муҳаммад пайғамбаримиз шу тариқа ҳар бир сайёрани босиб ўтгач, унинг сафар йўли энди ўн икки бурж орқали ўтади: «Ҳамал» Муҳаммадбек меҳрибон кишини топгач, Мусо (пайғамбар) сингари чўпондан воз кечди. Осмон-у фалак эса худди жувозкаш Ҳўкиз (савр) сингари унга фидойилик билан атрофида айланар эди. «Жавзо» («эгизаклар», «дуپайкар» деб ҳам юритилади) ҳам унинг хизматига бел боғлаб, дуосига қўл очиб турарди. Фалакдаги «бошок» доналари жилваланувчи гавҳарни эслатар, гавҳар ҳам эмас, ёниб, порлаб нур сочаётган ёруғ юлдузлар сингари эди. Унинг оёқ томонида «Мезон» жойлашган бўлиб, ўз ишини адолат билан юритар эди. «Далв» эса йўл устига қўйилган катта хумларни сув билан тўлдириш ила овора, суви тугаса, ўрнига инжу сочиш ниятида айланар эди. Саккиз фалак ва буржларни осонлик билан босиб ўтган Муҳаммад ўз арғумоғи билан осмоннинг энг юксак - тўққизинчи қавати Арши аълога кириб боради. Маънавий сафар унинг Ҳақ билан учрашуви ва ундан гуноҳкор бандаларининг гуноҳини ўтиши ҳамда осойишталигини таъминлашни сўраб олиши билан якулланади.

Кўринадики, Навоий бу ҳайратомуз сафар тасвири орқали китобхонни йўл-йўлакай осмон жисмларининг ҳолати, ҳақиқат сирлари, саккиз сайёра ва ўн икки бурж билан таништириб боради. Шу билан бирга улар тасаввурини ўрта аср астрономик билимлари билан бойитишдек олийжаноб мақсадни ҳам амалга ошира борган.

Адабиётимизда «Қуёш Асад буржида» деган гап ҳам бор. Маълумки, асад (июл-август) йилнинг жуда иссиқ даврига тўғри келади. “Шер устида қуёш чиқиши” (Шердор мадрасаси) тасвири шунга ишора бўлиб, у шон-шавкатни, кудратни билдиради. Бу Ибн Синонинг ҳаёт йўлига ишорадир, яъни у илмни бўлиб бу йўлда бахт топди, қийинчиликларга ҳам дучор бўлди. Охир-оқибат уларни билим кучи, илм кудрати билан енгиб шон-шавкатга бурканди.

## XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДАГИ ЁЗУВ ИСЛОҲОТИ

Асрлар давомида қўлланиб келган араб алифбоси халқ оммасининг савод чиқариши учун бирмунча қийинчилик туғдирарди. Шунинг учун ҳам ўзбек зиёлилари олдида алифбони соддалаштириш ёки бошқа осонроқ имлони қабул қилиш масаласи кўндаланг турарди.

1921-йилда араб ёзуви ислоҳ қилинди, яъни ёзув олдингисига нибатан бирмунча соддалаштирилди. Осонроқ савод чиқариш учун муайян даражада қулайлик яратилди.

Ислоҳ талабига мувофиқ, ёзувда барча ҳарфлар ифодаланди, араб тилига хос бўлган товушларни ифодаловчи айрим ҳарфлар (ظ ط ص ض ذ ث) ёзувдан бутунлай чиқариб ташланди. Улар ўрнига эса талаффузи жиҳатидан ўзбек тилидаги товушларга яқин бўлган ҳарфлар қўлланиладиган бўлди. Эски ёзувдаги сод (ص), се (ض) ҳарфлари ўрнига ислоҳ қилинган алифбода син (س) ҳарфи, зо (ظ), зод (ض), зол (ذ) ҳарфлари ўрнига зе (ز), то (ط) ҳарфи ўрнига те (ت) ишлатила бошланди. Масалан:

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
سائیت	ثابت	Собит
سائیر	صابر	Собир
زاکیر	ذاکر	Зокир
زەربە	ضربه	зарба
زالیم	ظالم	золим
تاқат	طاقت	тоқат

Маълумки, эски ёзувда қисқа унлилар ёзувда ифодаланмас эди. Ислоҳ қилинган араб алифбосида эса улар ёзувда тўла акс этадиган бўлди. Ҳатто улар учун махсус ҳарфий белгилар ҳам ишлаб чиқилди.

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
نه	ا	а
نا	آ	о
ئو	او	у
نو	او	ў
ئي	ای	и
ئي	ای	е
عه	ع	ъа

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
نه نده	اندا	анда
ناباد	اباد	обод
ئوچون	اوچون	учун
ئوتەر	اوتار	ўтар
ئيش	ايش	иш
ئېتىك	ايتيك	етик
عصر	عصر	аср

Эски ёзувда و (**вов**) ҳарфи уч хил товушни, яъни в, ў ва у ни ифодалаб келар эди. Ислоҳ қилинган ёзувда эса улар бир-биридан фарқланиб турувчи ҳарфий белгилар билан ёзиладиган бўлди. Ҳатто в ундоши учун махсус белги қабул қилинди. Масалан:

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
نه ۋه ز	عوض	Аваз
ۋه ته ن	وطن	ваган

Эски ёзувдаги ى (ё) ҳарфи ислоҳ қилинган ёзувда уч хил ифодаланади:

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
بىلىم	بىلىم	билим
تىل	تىل	тил
باي	باى	бой
كېل	كېل	кел

Эски ёзувдаги نڭ (нг) ёки يىنگ (инг) товушли бирикмалари ислоҳ қилинган алифбода ك ёки ك Ҳарфига мувофиқ келган.  
Масалан:

Ислоҳ қилинган ёзувда	Эски ёзувда	Ҳозирги кўриниши
تايڭ	تايڭ	тонг
يۈرىڭ	يۈرىڭ	юринг
سۈنىڭ	سۈنىڭ	суннинг
ئۈيىڭ	ئۈيىڭ	уйинг

**1-топширик.** Ҳижрий камарий йил ойлари ни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

**2-топширик.** Ҳижрий шамсий йил ойлари ни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

**3-топширик.** Ой номларини араб имлосида ёзилишига диққат қилинг ва уларни ёд олинг.

**4-топширик.** Ўзингиз ва оила аъзоларингизнинг мучал йилларини ва қайси буржда таваллуд топганликларини ҳисоблаб аниқланг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг.

**5-топширик.** Куйида берилган бурж номларини кетма-ктлик тартибини сақлаган ҳолда бурж номларини араб алифбосида дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

Жавзо  
Саратон  
Далв

Жадий  
Ҳамал  
Хут

Мезон  
Сунбула  
Савр

Қавс  
Асад  
Ақраб

## 7- топширик. Берилган матнни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

### Баҳаранг كېلىشى

قىش بابا □ زىنگ غادر – بودور تاياعان قولغا □ لىب، يوغان، قولين □ ياقلاردان كوتەرىپ تاشلاب □ توب كىتىدى.  
ئۇنڭ كىتىدە ن ئىزغرن شامال لەرى بىر بىرىسىن قۇۋالەى ئىسدسلەر، كىتىدىلەر.

بۇرونلارى نوزىن، تاوشلەرى ياقمىسىز قارغالەر، چاغلاشىپ ئوتىب كىتىدىلەر. كوك نۇزىن قاپلەب تۇرغۇچى قارا بۇلوتلەر، كوكلە منڭ ياقىملى شامال لەرى تامانىدەن قۇۋلە نىب، شامال ياغيغا قاراب قاچدىلەر.  
بۇتون بىر يۇزى جانلەندى، بىرنى يارغەلە ندىروب تۇرغۇچى قۇياس، كوكلە منڭ كېلىشى بىلەن، بىر يۇزىدەگى جانئوار وە يۇسملەكلەرنى قۇتلەى باشلەدى.  
چۇمچۇقلەر چىرىللەدى، مۇسچەلەر كۇكۇلەدى. بۇلبۇل لەر سايرادى. خورازلەر قىچقىردى، سىبىر، قويلەر ماغرادى. □ تلەر كىشەندى.  
قىسقاشى، بۇتون تەببەت سىۋندى، قۇياشنگ قۇتلەشلەرىن قارشىلەب ئوتلەر كوكەردى، ئاغچلەر چىچەكلەدى، بىنەفشەلەر ئاچىلە باشلەدى.  
بالەلەر تاملەرغا چىقىپ:  
لەيلەك كىلدى ياز بولدى،  
قانئى قاغاز بولدى.

دىب تەببەتتى يەنەدە جانلەندىرىدىلەر. ئەنە بىر تودە بالە ئوينىڭ ئىشىگى ئالدىدە:

باى چىچەگم بايلەندى،  
قازان تولە ئايراندىر.  
ئايرانگ دەن بىرمەسەگ،  
قازانلەرىگ وەيراندىر.  
باى چىچەكنى تۇتدىلەر،  
توت ئاغچغا ناسدىلەر.  
قىلىچ بىلەن چاپدىلەر،  
بەخمەل بىلەن ياپدىلەر.

دىب كورمىلى چىچەك بولغان باچىچەكنىڭ ئاچلغانىن بىلدىرىدىلەر. كوكدە وە نغىللەب ئۇچىپ تۇرغان ۋەرۋەرەكنى، ئوتلەرى نوسمىش تامنڭ ئۇستىدە تۇرغۇچى تۇرسۇن ئۇچۇرە ياتقان ئىدى.  
ۋەرۋەرەكنىڭ قاتتىق – قاتتىق دىرىللەشى تۇرسۇندە بىر عشق، بىر سىۋنچ تۇغدىرار ئىدى.

ۋەرۋەرەك، تەببەتنىڭ نوزگەرگە نىدەن دەرەك بىرگۇچى بىر جارچى كە بى، نوزىنگ ئىگىچەكە كەنەپلەرى بىلەن چىللەككە باغلەنغان ئىدى.  
تۇرسۇن ۋەرۋەرەك بىلەن سوزلەشە تۇرغانغە ئوخشەش، چىللەككە قۇلە غىن قويىپ كىككە بىب، بىر نەرسە ئىشتەكەن كىشىدىك تۇرار ئىدى.

ۋەرۋەرەك:

-دررر .... تەبيعت نوزگەرگەن ..... نوتلەر كوكهرگەن .... ھەر بيردە سيۇنچ .... مين دە سيۇينە مەن .... دررر ..... دىگەندىك بولەر نىدى.  
شۇل چاقدە چللەك تۇرسۇننگ قولىدەن چىقىپ كىتدى.  
تالان، تالان .... ۋەرۋەرەكنى تالان قىلسانگچى!  
دىگەن تاۋشلەر، تۇرسۇننگ قۇلاغىغە نىشىتىلدى.  
بالەلەر، تۇرسۇننگ نېلەرىن قۇل لەرىغە نورەب نالىب تالان قىلىپ قاچدىلە  
ر. ۋەرۋەرەك بىرتىلىپ تركە - تركە بولدى. تۇرسۇن قايقۇردى، كوزلەرىدەن ياش  
تامچىلەرى ملت - ملت نىتىپ بىرگە تۇشە باشلەدىلەر.  
كوكلەمنىڭ ياقىملى شامال لەرى، تۇرسۇننگ قايقۇلى تاۋشلەرىن ھەر تامانغە  
تەرقەتە باشلەدىلەر.  
تۇرسۇن قايقۇرۇپ، ۋەرۋەرەگىگە قەرەب - بوکورۇپ يىغلەدى.

#### Мавзуга оид савол ва топшириклар:

1. Қачондан бошлаб милодий йил амалга киритилган?
2. Милодий йил ҳисоби нимага асосланади?
3. Ҳижрий йил нима?
4. Ҳижрий шамсий йил ҳисоби нимага асосланади?
5. Ҳижрий шамсий йил ойларини кетма-кетлик асосида айтиб беринг.
6. Ҳижрий қамарий йил ҳисоби нимага асосланади?
7. Ҳижрий қамарий йил ойларини кетма-кетлик асосида айтиб беринг.

#### Мавзуга оид адабиётлар:

1. И. Азимов, М. Тожибоева ва А. Ғозиев Эски ўзбек ёзуви. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.
2. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.
4. Исоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.
5. Халилов Л. Ўқиш китоби. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.

## МАВЗУ: ЁЗУВ БОСҚИЧЛАРИ. ХАТ ТУРЛАРИ. ХАТТОТЛИК САНЪАТИ. ХАТТОТЛИК ҚУРОЛЛАРИ. НАСТАЪЛИҚ ХАТИ

### Режа:

1. Ёзув босқичлари.
2. Хаттот ва хаттотлик санъати.
3. Ёзув турлари.
5. Насталиқ ёзуви.

**Таянч сўз ва иборалар:** араб тили, араб ёзуви, ўзбек-араб ёзуви, ёзув босқичлари, муфрадот, мураккабот, муқаттаот, иншо, сулс, насх, муҳаққақ, райҳоний, тавқеъ, риқо, кўфий, таълик, настаълик, девоний, шикаста, туғро, шажарий, ғубор, хаттот, хаттотлик, котиб, хаттотлик қуроллари, қалам, қоғоз, сиёҳ, михрак (сиёҳ аралаштирадиган чўп), мистар (ҳозирги сатр чизиги), сатр, пойгир

**Ўқув машғулотининг мақсади:** араб тили, араб ёзуви, ўзбек-араб ёзуви, ёзув босқичлари, муфрадот, мураккабот, муқаттаот, иншо, сулс, насх, муҳаққақ, райҳоний, тавқеъ, риқо, кўфий, таълик, настаълик, девоний, шикаста, туғро, шажарий, ғубор, хаттот, хаттотлик, котиб, хаттотлик қуроллари, қалам, қоғоз, сиёҳ, михрак (сиёҳ аралаштирадиган чўп), мистар (ҳозирги сатр чизиги), сатр, пойгир ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш

### ЁЗУВ БОСҚИЧЛАРИ

**Муфрадот** – ҳарфларнинг алоҳида кўринишларини ёзиш машини. Бу босқичда алифдан бошлаб, бошқа кўринишдаги ҳарфларни ўхшашлигига кўра ёзиб ўрганишган. Бунда ўқувчилар ҳар бир ҳарф билан танишиб, уни таниш, ўқиш ва ёзиш малакасига эга бўлишган.

ف	ق	ل	م	ن	و	ى	
ف	ق	ل	م	ن	و	ى	
ب ت ث پ	چ خ ح ج	ذ	ر ز ژ	س ش	ص ض	ظ	ع غ
ب	ج ج ج	د	ر	س	ص	ظ	ع



**Мураккабот** - муфрадот босқичида ўрганилган ҳарфларни бир-бирига кўшиб ёзиш машқ қилинади. Бунда ҳар бир ҳарфнинг турли кўринишлари бир-бирига уланиши ёки маълум бир ҳарфнинг турли кўринишлари бошқа ҳарф кўринишлари билан ўзаро боғланиши ўрганилади.

ججج	عمع	للل	بيبي
تتا	بابا	يىيى	ففف
دندا	رورو	ننىى	سببى

**Муқаттаот** – мураккабот босқичида ўрганилган малака ва кўникмалар ёрдамида маълум сўз ва сўз бирикмаларини кўчириб ёзиш, мустақил равишда ёзиш, шунингдек, фард, китъа ва рубойларни кўчириш машқ қилинган.

نادر	كوز	درد	بازار
احمد	مشق	ازار	نور
کتاب	دفتر	قلم	بايراق


**Иншо** – бу босқичда ўрганилган билимлар асосида жумла ва бир неча жумладан иборат матнлар тузилган.

وطنى سويماک ايماناندور
بیشیکدان قبرکاچا علم ایزلا
هر جای نی قیلما آرزو هر جای دا بار تاش بیلان تارازو
فیلهای کوچینگ بولسا هم مور بولیب کورین مالینگ اشیب تاشسا هم عور بولیب کورین همه نینگ عیبینی بیلغانینگ حالدا هیچ نرسه بیلمگانداى کور بولیب کورین

## ХАТ ТУРЛАРИ

28 ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли **хатти маъқалий** деб аталган. **Маъқалий хати** куфий хатигача бўлган қадимий ёзувлардан бўлиб, унинг ҳарфлари бутунлай текис – ёйик, тик чизиклар билан ифодаланган бўлиб, ҳеч бир ҳарфида думалок шакл бўлмаганлиги билан куфий ҳатидан ажралиб туради.

Бу хатни “маъқалий” дейилишига сабаб шуки, милодий 623 да шу ном билан аталувчи иккита шахс яшаган – бири Маккада Маъқал ибн Синон ал-Асжий, иккинчиси Басрада Маъқал ибн Ясор ал-Музанийларнинг бирига нисбат берилганлигини билдиради. Аммо мазкур хат узоқ истеъмолда бўлмаган, шухрат қозона олмаган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ва энг машҳури ҳисобланган хатти куфий эгаллайди.



### КУФИЙ ХАТИ



**Куфий хати.** Араблар фатҳ қилинган ерлардаги девонларни араблаштирув ва тартибга солишдан аввал барча мусулмонлар учун ўқишга осон бўлган ёзувни танлаш устида бош қотирадидлар. Оқибатда куфа аҳли ўрганган хат турининг аниқ ва чиройлироқ бўлгани сабаб бошқа шаҳарларда жорий хат турларидан кўра ушбу хат турини танлайдилар.

Шундай қилиб, куфий хати давлатнинг барча ҳудудларида қўлланиладиган ёзув турига айланиб қолди. Бу хат нуқталардан холи бўлиб, ўзининг соддалиги ва безаклардан холилиги билан ажралиб туради.

Бу ёзув тури геометрик шаклларга асосланган бўлиб, ёзувида фақат тўғри ва доиравий чизиқлар қўлланади. Бу хат туридан асрлар давомида бошқа турли хил араб хатлари вужудга келган.

Ҳар асрнинг куфий хати турлича ўзгариб, турли вилоятларда унинг турли хил шакли қўлланганлиги ҳамда у ишлатилган аср ва минтақага қараб, унга турли номлар берилган (масалан, V аср куфийси, VII аср куфийси, мамлуклар куфийси, андалус куфийси). Шу зайдла ундан етмишдан ортиқ шу турдаги хат тарқалади. Куфий хати деб номланиши ҳақида бир неча фикрлар бор:

**А.** Куфа шаҳрида ижод этилгани учун куфага нисбати берилиб «куфий» дейилган;

**Б.** Замонамиз олимларидан бухоролик машхур хаттот абулғофир раззоқ бухорий эса бу ҳақда шундай деганлар: “икки дунё саодати бўлмиш қуръони карим ҳам мана шу хатда битилган.

Ҳазрати усмон розияллоху анху бошчилигида қуръон китобат қилинди ва бир неча нусхада кўчиртирилди. У зот Қуръонни мана шу асл нусхадан кўчиришни буюрдилар. Шулардан бир нусхаси куфа шаҳрига юборилган. Кейинчалик Ироқ, Хуросон, Ўрта Осиё халқлари мана шу Куфа шаҳрига юборилган Қуръондан нусха кўчирганлари учун у “**куфий қуръон**” ва “**куфий хати**” деб атала бошланди. Шундай қилиб, “**куфий**” атамаси хат оламига кириб қолди.

Шунингдек, уммавийлар замонида VII аср охирида тангалар куфий хатида зарб қилина бошлади. Кейинчалик куфий хатига нуқталар, эъроблар (замма, фатҳа, касра) қўйилди. Тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тарих илмларининг шиддат билан ривожланиши хат ёзишнинг ҳам тез, раvon ва қулай бўлишини тақозо қилар эди.

Куфий хати эса анча мураккаб бўлгани учун замон талабларига тўла жавоб бера олмасди.


Илоҳий илҳом орқали куфий хати асосида пайдо бўлган араб хатининг биринчи ихтирочиси Бағдодлик Абу Али ибн Муқла (шаф.338/950 й.) ҳисобланади. Ибн муқла маъқалий (куфий) хати асосида араб ёзувининг етти хил асосий турини ихтиро этган.

Бу кишидан кейин шайх Жамолиддин Ёқут Жазоирӣ (277–397/891–1007 й.й.) (алайҳи раҳма вал мағфира) ибн Муқла таълимоти асосида муҳаққак ва машҳур олти хатни мукаммаллаштиради. Шунингдек, у насх хатининг ихтирочиларидан биридир.

Манбаларда қайд қилинишича, шайх Жамолиддин Ёқут Куръони Каримни ёқут хатида форсий таржимаси билан бирга минг адад кўчирган. Кейинчалик ибн Баввоб ҳам хат услубининг гўзаллигини мукаммаллаштиради ва 36 хат туридан 17 хилини ихтиро қилади.

Буюк хаттот ёқут (VIII аср) ва бошқа улуғ хаттотлар араб ёзувига сайқал бериб, уларнинг янада мукаммал, жозибадор бўлишига ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини кўшганлар, хатдаги услубларни охирига етказиб, такомиллаштирганлар”.


### МУҲАҚҚАҚ ХАТИ



**Муҳаққак хати.** Бу хатнинг кўпроқ қисми текис, тикка чизикли ҳарфлар узун ёзилади. Ўрамларнинг учи ингичка бўлиб тугайди, қолган бўлаклари думалоқ шаклдадир. Шунинг учун бу хатнинг маъқалий ва куфий хатларига ўхшашлиги бошқа хатларга нисбатан кўпроқдир. Шу сабабдан ибн муқла бошқа турдаги хатлардан биринчи деб билгани учун бу хатга муҳаққак деб ном берган.


Муҳаққак – хаттотлик услуби, араб ёзувидаги мумтоз олти хат услубидан биридир. Куфий хати асосида ибн Муқла ихтиро қилган дейилади. Ҳарфларнинг 1-2-қисмлари доирасимон, 4-5-қисмлари тўғри чизиклардан иборат. Муҳаққак ёзувида “алиф”, “лом”, “дол” ва “коф” ҳарфлари асосан юқорига қараб ҳаддан ташқари чўзик қилиб ёзилади. Қадимги Маъқалий ёзувига ўхшаб кетади. VII–XVII асрларда кенг қўлланган. Ўрта аср хаттотлари муҳаққакни энг мукамал ва аниқ ёзув деб ҳисоблаганлар. Бу хатда аниқ фанларга оид рисолалар, Қуръон, ҳадислар битилган, бинолар китобаларида ҳам қўлланган. Ибн Баввоб, Ёқут Мустаъсимий, Жалол Жаъфар Ҳиравийлар бу хат устасидир.

### СУЛС ХАТИ



Сулс хати – ҳарфларни бир-бирининг ораларига жойлаб, санъаткорона композитсиялар тузиш йўли билан ҳар хил чиройли шакллар яшаш имконияти бўлгани билан ажралиб туради. Бу хатда безак белгилар ҳам катта аҳамият касб этади. Сулс – бир нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси, демакдир. Сулс хати дейилишига сабаб шуки, бунда қаламнинг учинчи ҳиссаси ишлатилади ёки сулс хати таълимида қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. Мазкур ёзув услубида “алиф”, “дол”, “лом” ҳарфлари гажакли бўлади. Бошланишда тикка чизикларнинг уч қисми чангаксимон бошланиб, охири нафис бурама билан тугайди. Ибн Баввоб биринчи бўлиб сулс хати ҳарфлари шаклининг нуқталарига асосланган ва сулс хатининг график асосларини ихтиро этган.

## НАСХ ХАТИ



**Насх хати.** “Насх” нинг луғавий маъноси “ўчириш, бекор қилиш” демакдир. Бу хат тури ихтиро қилингандан то ҳозирги кунгача хаттотлар томонидан кенг қўлланилиб келинади.

Ислом маданияти тараққий топиб бошлагач, композитсион санъат турлари бўлмиш нақш ва ўймакорлик санъатлари кенг тарқалди.

Мусулмон санъати аҳли бу руҳни ёзувга ҳам олиб киришга ҳаракат қилиб, янги хат турларини кашф қила бошладилар ва уларга кўпроқ безакли шакллар беришга уриндилар. Оқибатда хаттотликда муайян қоида ва нормалар ишлаб чиқилди. Бу хат турлари олдингиларидан фарқли ўлароқ геометрик шаклларга эмас, балки нафис оғма шаклларга асосланган.

Бу хайрли ишлар бошида Аббосийлар давлати вазири ибн Муқла (вафот этган йили ҳижрий 328 йил) туради. Шундай қилиб, ўз тузилиши ва кўриниши билан аввалги куфий хатидан анча фарқ қилувчи ёзув турлари кашф этилди.

Уларнинг бошида насх хати вужудга келиб, бу хат турида илгари мусъхафлар биринчи аср куфийсида битилган бўлса, эндиликда улар янги кашф қилинган насх хатида ёзила бошлади. Бу хат тури юзага чиқиб, шуҳрат қозонгандан кейин бошқа хатларнинг барчаси «мансух» қилинган, яъни ишлатишдан қолдирилган.

Насх хати тез ва раvon ёзилгани, кўзга гўзал ва бежирим ташлангани учун ҳам у матбааларда чоп этиладиган китобларда асосий ёзув вазифасини ўтаган. Ҳозирги даврда энг кенг тарқалган ёзув бўлиб, бу хатдан замонавий матбуот ва адабиётлар чоп этишда фойдаланилмоқда.


Илмий адабиёт ва қўлёзмаларда кўп учрайдиган ғубор хати насх хатининг майда қаламда ёзилишидир. Матнлар махсус рақамда жуда майда қилиб ёзилгани учун **ғубор** деб айтилган. Ғубор хатининг ихтирочиси — Саид Қосим бўлиб, у бир дона гуручга ғубор хати билан ихлос сурасини ёзган

### РИҚО ХАТИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ .

**Риқо хати** (араб, руқъа — мактуб) — хаттотлик услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. Хат ихтирочиси ибн надим фикрича, риқо сулс ёзувидан келиб чиққан. Кўриниши жиҳатдан риқо тавке хатига ўхшаш, ҳарф ўлчамлари ундан кичик ҳамда нозикрок. Риқода ўзидан кейинги ҳарфларга кўшилмайдиган кўпчилик ҳарфлар бир-бирига кўшиб ёзилаверади. Риқодан тез ёзишда фойдаланилади. Кейинчалик ихчам кўнгилочар ҳикоя ёки қиссалар, баъзан шамс накшидаги ёзувлар, Қуръон ёки китоблар хотимаси риқода битилган, алоҳида мустақил китъаларни ёзишда ҳам қўлланилган.

### ДЕВОНИЙ ХАТИ



**Девоний хати.** Усмонийлар давлати тугатилиши даврида султон фармонлари ва давлатнинг девонларидаги ҳужжатлар ва

насиқалар учун ишлатиладиган махсус хат тури юзага келади ва **девоний хати** деб номланади. Қалам юргизишга, ҳарфларининг шаклига кўра ушбу хатдан ажралиб чиққан хат тури бўлиб, у **Жалий девоний** (ёки гулли девоний) деб аталади.

Агар девоний хатида ҳарфлар орасидаги чўзиқлар бўш қолса, Жалий девонийда ушбу бўшлиқлар безак шакллар билан тўлдирилади.


### ТАЪЛИҚ ХАТИ



**Таълиқ хати** (араб. — осиб, осиб қуиш) — хаттотлик услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. XIV асрда тавқе ва рикъо хатлари асосида ихтиро қилинган, ихтирочилари Тожиддин Салмоний ва Ҳожа Абульол. Тез ёзиш услубида ҳарфлар бир-бирига осилиб ёки илиниб тургандай кўринади (номи ҳам шундан). Ҳарфларнинг 5 қисми эгри ва 1 қисми тўғри чизиклардан иборат. Таълиқ асосан иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, муншийлар уни юқоридан чапга қияроқ қилиб чўзиб ёзган. Шу жиҳати билан шикаста хатига ўхшаб кетади. Дастлаб муншийлар, идора котиблари томонидан ишлатилган, расмий ва шахсий ёзишмалар, турли ҳужжатларда қўлланилган. Ҳожа Абдулҳай Мунший, Ҳожа Ихтиёр ушбу хат устасидир.



## ИЖОЗА ХАТИ



**Ижоза хати.** Бу хат тури нисбатан кам ишлатилиб, у райҳоний хатининг ривожлантирилган формаси саналади. Ундаги ҳарфлар хатти сулс ва хатти насх ҳарфларининг қоришмасидан ясалган.

IX–X асрларда илк хаттотлардан Иброҳим Сикизий, Юсуф Сижистоний, ибн Баввоб ва бошқа устодлар ўттиз олти тур хатни ихтиро этишган. Улар қуйидагилар:

1. **Тумор** – ингичка, майда хат ёки қалам.
2. **Жалил** – катта, йўғон қалам.
3. **Мажмуъ** – қўшилма хат.
4. **Риёсий** – 806 йилда зурраёсанг фазл ибн сахлга аталган хат.
5. **Сулсайн** – қаламнинг учдан икки ҳиссаси билан ёзилган хат.
6. **Нисф** – машқ қаламининг ярми (қалам сифати).
7. **Жавониҳий** – паралел чизикли хат.
8. **Мусаласал** – домоналарини ичига олиб занжир каби боғлаб ёзилган хат.
9. **Ғубори хулия** – хатнинг зебу зийнат ва оройиши.
10. **Мансур** – насрий сўзларда ишлатиладиган қалам.
11. **Муқтарин** – сўздаги ҳарфларни бир-бирига улаб ёзилган хат.
12. **Ҳавоши** – ҳошия қалами.
13. **Ашъор** – шеърлар ёзадиган қалам.
14. **Луъ-луий** – қалам сифати.

15. **Масоҳиф** – мусоҳафнинг кўплиги.
16. **Фаззоҳ ун-насх** – очик ва равшан насх хати.
17. **Губор** – майда қил қалам, мўйин қалам.
18. **Уҳуд** – шартнома ва аҳдноларда ишлатиладиган.
19. **Муаллақ** – таълиқ қаламидан.
20. **Муомарот** – мажлис ва кенгашларда ишлатиладиган қалам.
21. **Муҳдас** – янгидан ихтиро қилинган қалам.
22. **Мудаммаж** – ҳарфларни бир-бирига киритиб, бир ўринга жойлаштириб ёзилган хат.
23. **Муқоввар** – атрофи кесилган ва ўйилган хат.
24. **Мамзуж** – аралаш ёзадиган қалам.
25. **Муфаттаҳ** – қалам сифати.
26. **Муаммаёт** – муаммолар ёзадиган.
27. **Муҳаффаф** – қалам сифати
28. **Мурсал**.
29. **Мабсут** – ёйик, ҳаракатлардан ҳоли бўлган хат.
30. **Товъамон** – эгизак қилиб ёзиладиган соя берилган хат.
31. **Муъжиз** – эъжоз чегарасига етказилган хат. Котибларни ожиз қолдирадиган хат.
32. **Мухаллаъ** – қалам сифати.
33. **Девоний** – девонхона, дафтардор, котибларнинг бир турли шикаста хати.
34. **Сиёқат** – қаламни тез юргизиб ёзилган ясси хат.
35. **Қурама** – кесиб ёпиштирилган хат.

Юқоридаги номлари зикр этилган хат турларидан бошқа шуҳрат қозонган хат номлари:

- шикаста;
- шикаста настаълиқ;
- хатти сунбули;
- хатти меҳи;
- жали девони, ижозат, риқъа, шажари;
- зулф;
- уйғури;
- хатти мусалсал настаълиқ билан;
- хатти мориқа;
- румузод хатлари;
- санъатли куфий хати;
- хатти шоҳий, хатти бобирий;

- **хатти туғро, дебож, хатти нохун** (тирноқ билан бўрттириб ёзиладиган хат) ва бошқалар.

## ҲУСНИХАТ

**Ҳуснихат** (чиройли ёзув) - чиройли ёзиш санъати. Араб хати турлари (куфий, насх, сулс, настаълик ва бошқалар) мусулмон шарқининг йирик маданий марказларида кенг тарқалди ҳамда тараққий этди. Ҳуснихатни ўрганиш асосида икки “**назарий**” (машҳур хаттотларнинг ёзувларидан нусха кўчириш) ҳамда “**хаёлий**” (турли ёзувларни ўрганиш ва қиёслаш) услуби ётади. Хаттотнинг асосий иш қуроллари — қора ва рангли сиёх, қоғоз, қамиш-қалам, мистар, давот (қаламдон), қаламнинг учини текислаш учун пичоқ. Хаттотлар матн билан бирга меъморий ёдгорликлар (китобалар), қоғоз, мато ва бошқаларга безаклар ҳам яратганлар. XIX аср охирига келиб, фотографиянинг пайдо бўлиши билан ҳуснихатнинг аҳамияти пасая бошлади. XX асрнинг 2-ярмидан китобат санъатини қайта тиклашга уринишлар ҳуснихатнинг қайта жонланишини таъминлади.

## ХАТТОТЛИК

**Хаттотлик** (араб. — ҳуснихат ёзувчи), каллиграфия — ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадий буюмларнинг китобалирини яратиш касби. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келди. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли хаттотликнинг ривожланиши жадаллашди. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланган. Хаттотлар саройларда, айрим амалдорлар хузурида гуруҳ бўлиб ишлаган. Жумладан, темурий шаҳзода Бойсунғур мирзо (1397—1433) Ҳиротда ташкил қилган кутубхонада мусаввир, наққош ва бошқа усталар билан бир қаторда 40 дан ортиқ хаттотлар қўлёзма китоблар тайёрлаш, яроқсиз ҳолга келганларини таъмирлаш билан машғул бўлган. Хаттотлик санъатига бағишланган кўплаб рисоалар 10 хил асосий хат услублари (насх, куфий, мухаккак, настаълик, сулс, тавке, таълик, девоний, рико, райҳоний) мавжудлиги ҳақида дарак беради.

## ХАТТОТЛИК САНЪАТИ

Тарихда эски ёзувнинг бир неча хил услубий кўринишлари бўлган.

Ёзувнинг услубий кўринишлари деганда ҳар бир қалам эгасининг ўзига хос индивидуал ёзув манераси, унинг дастхати эмас, балки ёзувнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган, одат тусига кириб қолган умумий услубий кўриниши – хат шакллари назарда тутилади.

Матбаачилик юзага келмаган, китобат ишлари захматқаш котибларнинг қўл меҳнати ва санъати билан амалга оширилган даврларда хилма-хил ёзув усулларининг келиб чиқиши табиий бўлган.

Хаттотлик тарихига оид маълумотларда котибларнинг хатти сулс (сулс хати), хатти насх (наسخ хати), хатти муҳаққақ, хатти райхоний, тавқеъ, риқў хатлари бўйича ёзишда санъат ва маҳорат кўрсатгалликлари тилга олинади.

Араб ёзувиغا асосланган хатнинг энг кўхна усулларидан бири хатти кўфий (кўфий хати)дир. Қуръоннинг илк намуналари кўфий хати билан битилган эди. Нуқтасиз ҳарфларни ғишт қолиплари шаклига солиб сийрак, якка-якка қилиб ёзишга асосланган бу ёзувнинг ҳар хил тармоқлари юзага келади ва натижада асл кўфий хати бора-бора қабр тошлари, биноларни безашдагина ишлатилади.

Кўфий хати тармоқлари билан бир қаторда Ўрта Осиёда насх хати («хатти насх») ҳам кенг тарқала бошлайди. Ҳарфлари ост-уст белгилари билан тикрок, ингичкарок ва зичрок қилиб ёзилгани, оз ўринга кўпроқ гапни сиғдириш мумкин бўлгани учун насх хати ҳаётдан анча мустақкам ўрин эгаллайди. Темур замонидан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда настаълиқ («наسخ+таълиқ») хати шакллана боради. Султон Али Машҳадий асос солган Ҳирот хаттотлик мактаби бу ёзувнинг кенг ёйилиши ва чуқур илдиз отишига сабабчи бўлади. Навоий, Бобур асарлари, уч хонлик даврида яратилган ва кўчирилган форсча-тожикча ва туркча-ўзбекча ёзма ёдгорликларнинг деярли ҳаммаси настаълиқнинг Ўрта Осиё хати деб аталаётган услубий кўринишида ёзилгандир.

Ёзувнинг яна хатти таълиқ, хатти девоний, хатти шикаста каби кўринишлари ҳам бор. Хатти таълиқ – хатти насхга, хатти девоний эса настаълиқ хатига яқин бўлган. Аммо шикаста (синик) хати ҳарфларнинг ўзаро занжирсимон боғланиб кетиши, сўз ёки

қаторларнинг узук-узук ёзилиши билан ёзувнинг бошқа услубий кўринишларидан ажралиб туради.

Шуни қайд этиш зарурки, ёзма фаолиятда, айниқса, китобат ишида бу ёзувларнинг даврга мос кўринишдагина фойдаланиб кўя қолмасдан, унинг бошқа усулларини ҳам қўллаганлар. Масалан, китобнинг безаги ёки сарлавҳаларини ёзишда бир усулдан, оятларни ажратиб кўрсатиш мақсадида -- иккинчи бир усулдан, асосий матнни ёзиш учун – учунчи усул, хотима қисм ифодаси учун – тўртинчи в.б. Шуойи хатдан – безак учун, туғро хатидан – имзо учун, тумор, ғубор (майда), шажарий хатларидан яна ўзга мақсадлар учун фойдаланиш одат бўлган.

**Хаттотлик** (арабча *خطاط* - каллиграф) – ёзув, *хат санъати* (каллиграфия, ҳуснихат), китоб кўчириш касби. Ўрта Осиёда қадимдан ривож топган. Ёзув пайдо бўлгандан кейин махсус кишилар хаттотлик билан шуғуллана бошлашган. Айниқса, араб ёзуви тарқалганидан сўнг хаттотлик кенг ривож топган.

Ўрта Осиёда матбаачилик вужудга келгунга қадар китоб тайёрлаш, уларнинг нусхасини кўпайтириш иши билан хаттотлар шуғулланган. Саройларда айрим амалдорлар хузурида хаттотлар жамоалари ташкил топган (масалан, Мирзо Бойсункур саройида қиркта хаттот ишлаган).

Хаттотлик санъати услублари тўғрисида кўп рисоалар яратилган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида насталиқ услуби яратилган, уни яратган машҳур хаттот Мирали Табризий шунингдек, Султонали Машҳадий, Мажнун ибн Камолiddин Рафикий, Дарвеш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий, Мунис Хоразмий, Ишқохон Тўрақўрғоний кабиларнинг хаттотлик ҳақидаги рисоалари бизгача этиб келган. Уларда ёзилишча, хаттотликда этти хил асосий санъат мавжуд: **сулс, муҳакқак, насх, тавқеъ, рикъ, таълик, настаълик.**

XVII асрда араб ёзувининг кенг тарқалган услубларидан бири кўфий хати ихтиро қилингунча ( ихтирочи Яъраб ибн Қахтон) Ўрта Осиёда турли ёзув усуллари мавжуд бўлган. Масалан, **маккий, маданий, басарий** ва бошқалар. Булардан олдинроқ маъқалий (тик чизикли) ёзув бўлган. Кўфий ёзуви кўпгина обидаларнинг нақшларида сақланиб қолган. Халифа Муқтади замонида яшаган олим ибн Муқлаъ (864-934) ни хатти ситта (олти хил ёзув: сулс, насх, муҳакқак, райҳоний, тавқеъ, рикъ) ихтирочиси деб тан олинган. Замонлар ўтиши билан кўфийнинг турли шакллари ихтиро этилган. Қуръоннинг илк намуналари (масалан, Ўзбекистон Диний ишлари

идорасида сақланаётган Усмон куръони) шу ёзувда ёзилган, кейинчалик бу ёзув, асосан, биноларда безак сифатида қўлланган. Муҳаққак ёзуви куфий ёзувининг бир оз ўзгартирилганидир. Райҳоний услуби муҳаққак ёзувига ўхшаган, лекин ҳарф шакллари райҳон баргларига ўхшагани учун шу ном билан аталган. Насх ёзуви куфий ва муҳаққак ёзувларидан кўра куръон кўчиришда маъқулроқ топилган. Тавқеъ буйруқ ва фармонлар ёзишда фойдаланилган. Рикў ёзуви тавқеъга анча яқин, лекин ундан нозикроқ. Асосан мактубларда ишлатилгани, китобга алоқаси бўлмагани учун парча (арабча - рукъа) қоғозларга нафис қилиб ёзилгани учун рикў деб аталган. Булардан ташқари тумор, ғубор, шажарий, туғро ва бошқа ёзув усуллари бўлган.


**Туғро** – имзо қўйишда қўлланилган. **Шажарий** – ҳарфлар дарахт шохларига ўхшаб кетади. **Ғубор** – майда хат бўлиб, ихтирочиси Саидкосимдир. XV аср бошларидан китоб кўчиришда (форс, эски ўзбек тилларида) настаълик хати расм бўлди. Навоий таъбирича, хаттоғлар султони бўлган Султонали Машҳадий настаълик хатини ажойиб санъат даражасига кўтарган. Китобатчиликда босмаҳона пайдо бўлгунча котиб, хаттоғлар меҳнати асосий рол ўйнади. Китоб чиқариш ишлари ҳукмдорларнинг хоҳиши ва маблағлари билан амалга оширилган. Бу борада Бойсунқур, Алишер Навоий, Феруз ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир.

## ХАТТОТЛИК ҚУРОЛЛАРИ

**Қалам** – қўлёзма китоб яратишдаги энг асосий ёзув қуролларидан бирининг номи. Қалам сўзи асли юнонча «қаламос» бўлиб, юнон тилида қамишни ифодалаган.

Хаттотлик ишида қўлланган қамиш қалам тайёрлаш жараёни анча мураккаб бўлган. Қалам тайёрлаш кишидан ўзига хос малака ва тажриба талаб қилган. Қалам яшашга мўлжалланган қамиш тури тўғри келган жойдан олинмаган. Улар турли жойларда этиштирилган. Хусусан, 16 асрнинг этук хаттотларидан бўлмиш Фатхуллоҳ ибн Аҳмаднинг фикрича, Восит шаҳри (Куф ва Басра шаҳарлари ўртасида жойлашган) атрофида этишган қамиш энг олий нав ҳисобланган бўлса, Амударё соҳилларида ўсувчи қамиш ўзининг сифати бўйича иккинчи ўринни эгаллаган. Миср ва Мозандарон қамишлари эса кейинги ўринларда турган. Шу нуктаи назардан қаламни қанчалик бекаму кўст ва сифатли ясалиши

камишни каерда ўсанлиги, йўғонлиги, ранги, сақланиши, ишлов берилиши каби ҳолатларга ҳам жуда боғлиқ бўлган. камишнинг этишган жойига кўра қалам турларини англаувчи терминлар ҳам жой номларига кўра ясалган: *воситий*, *амурий*, *мисрий*, *мозандароний* ва бошқалар.



**Қоғоз** (کاغذ) - қоғознинг яратилиш тарихи милоддан аввалги VII асрларга бориб тақалади. Қадимда қоғозлар парирос дарахтидан, махсус ишлов берилган теридан тайёрланган. Эрамизнинг II асрида Хитойда қоғоз ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Хитойликлар сердаромад саналган қоғоз ишлаб чиқаришни қанчалик сир турмасинлар, VII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Самарқандда Хитой қоғози каби юқори сифатли қоғозлар ишлаб чиқарила бошланди. Чунки Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хом ашёнинг барча турлари: ипак, пахта, каноп, қамиш, похол, тут новдасининг пўсти қабилар мавжуд эди. Дастлабки ёзув қоғозлари ўрама шаклда, жуда катта ҳажмда, кейинчалик эса, уларнинг дафтар, бизга яхши маълум бўлган шарқ қўлёзмалари шаклида тайёрланган.

**Сиёҳ** (سیاه) - ёзув ишида ранг сифатида қўлланган суюқлик. Бу сўз форс тилида қора деган маънони ҳам билдиради.

**Михрак** (محرک) - термини довол, яъни сиёҳдондаги сиёҳни аралаштиришда фойдаланиладиган чўп. Бу сўз асли арабча бўлиб, ҳаракатга келтирувчи маъносини ифодалайди ва у «ҳаррака» - (حرک) - аралаштирмақ, ҳаракатга келтирмақ феълидан ясалган.

**Мистар** (مسطر) – котиб томонидан маттни кўчиришда қоғоздаги қўлёзма сатрларининг тўғри ва раво чикишини таъминлашда ишлатилган ёзув қуроли. Мистарни тайёрлашда қалин картон қоғоз ёки бир неча варақлар бир-бирига ёпиштириб тайёрланган қоғоз олиниб, унга йўғон иплар бир-биридан маълум ва тенг масофадаги қаторларда тортилиб туради. Хаттот бундай мистарни тоза қоғоз ёки варақнинг тагига қўйиб қўли билан босган ва унинг натижасида ипларнинг изи қоғозга тушиб, ботиқ чизиклар пайдо бўлган. Котиб анна шу ботиқ чизиклар бўйлаб, маттни кўчирган. Мистар сўзи термин сифатида асосан Алишер Навоий ҳамда Бобур асарларида учрайди.

**Сатр** سطر - қўлёзма асарнинг, умуман, мактуб, хужжат қабиларнинг ёзилган ҳар бир қатори сатр термини билан ифодаланган. Сатр сўзи арабча бўлиб, чизик, йўл, қатор маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилига унинг асосан, қатор ва сатр маънолари кўчган ва шу маънода қўлланилади.

**Пойгир** پایگیر - пойгир сўзининг луғавий маъноси қадам олмоқ бўлиб, форс тилидаги پا – оёқ ҳамда گرفتن – олмоқ феълининг ҳозирги замон ўзаги ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган. Пойгир –



келгуси саҳифасидаги биринчи сўзни тугалланаётган саҳифа ёзиб қўйишни англатади. Демак, пойгир (яъни қайд қилинган сўз) саҳифаларини чалкаштириб юбормаслигимизнинг олдини олади.

**Колофон** – қўлёзма сўнггида келтириладиган маълумотномаси. Унда китоб номи, қўлёзманинг кўчирилган санаси ва котибнинг мулоҳазалари берилади. Қўлёзма формати, унда ишлатилган хат тури, қоғоз тури, сиёҳ нави, турли безаклар ҳам қўлёзманинг тавсифлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас пойгирга таянган ҳолда саҳифаларни тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигини билиб оламиз. Бундан англашиладики, пойгир ёзма ёдгорликларда рақамлар ифодаланиши мумкин бўлган вазифани ҳам бажариб келган.

## НАСТАЪЛИҚ ХАТИ


**Настаълиқ** -хаттотлик услуби, араб мумтоз хат услубларидан бири. XIV асрда шаклланган, назарий асосчиси Мир Али Табризий. Бу хат насх ва таълиқ хат услублари асосида яратилган бўлиб, ҳарфларнинг 5/6 қисми эгри ва 1/6 қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Дастлаб мўътабар қўлёзмаларни, асосан, бадий адабиёт намуналарини кўчиришда ва алоҳида китъаларни битишда фойдаланилган. Кейинчалик бу ёзув китобат санъатидан насх ва сулс ёзувларини сиқиб чиқаради. Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Жаъфар Бойсунқурий, Азхар Табризий, Султонали Машхадий ва унинг шогирдлари настаълиқ хатида ижод қилган. Айниқса, Мир Али Ҳаравийнинг Настаълиқни Мовароуннаҳрда тарқалишида хизмати катта. Дарвиш Муҳаммад («Фавоид ул-хутут»), Мунис Хоразмий («Саводи таълим»), Муҳаммад Азим («Миръоти таълим») асарларида Настаълиқ хатининг асосларини ўрганиш баён этилган.

1-топшириқ. Куйида берилган настаълиқ хатида битилган матнни кўчириб ёзинг, ўкинг ва жорий ёзувга табдил қилинг.

### فداکار دهقان

کوزینینگ ساووق کونلاریدان بیرری. قویاش باتیش محلی ایدی. قویاش آذربایجان قیشلاقلاری اطرافیدایگی قارلی تاغلار آرتیگا باتاپاتگان ایدی. دهقانلارینینگ ایش کونلاری پاپانیکا بینگان و اولار اویلاریگا قایتار ایدیلار. ریزعلی هم قولى ایشدان بوشاگاچ اوزینینگ قیشلاعیگا قایتاردی. اوشا قرانغو و ساووق کیچادا کیچیک فانوسینگ تیبرانایاتگان نورلاری اونینگ یولینی یاربتاردی. ریزعلی یاشایدیگان قیشلاق تیمیر یول یاقینیدا جاپلاشگان ایدی. ریزعلی هر کونی ایشدان سونگ تیمیر یول یاقالاب اویگا قایتاردی. بیر کونی ناگهان تاغدان قورقینچلی گومبیرلاگان آواز ایشیتیلدی. گومبیرلاش نتیجه سیدا تاغدان توشگان تاش اویوملاری تیمیر یولنی توسیب قویدی.

ریزعلی بیر آزدان سونگ یولاوچی تاشووچی پاییزد بو بیرگا بیتیب کیلیشینی بیلاردی. او اوزیچا اگر پاییزد اوشبو تاش اویوملاری بیلان توقناشسا حلاکت یوز بیریشی ممکن دیب اویلادی. اوشبو اویلاردان قانتیغ اضطرارگا توشدی و قاندای قیلیب پاییزد خایدا وچیسینی آلدیندایگی خطردان آگاه ایتیشنی بیلماسدی. شو وقت تاغ آرتیدان کیلگان پاییزد گوداگینینگ آوازی اونینگ یاقینلاشیب قالگانلیکیدان خبر بیراردی.



ریزعلی پاییزدن تماشا قیلگانی بارگان کونلارینی ایسگا آلدی. شو بیلان بیر قاناردا پاییزد ایچیدایگی یولاوچیلار اونگا قاراتا تبسم بیلان قول سیلتانانلارینی حیالیدان اوتکازدی. آلدیندایگی خطرنی حیالیکا کیلتیرارکان یوراگی تیز تیز اورا باشلادی. او شولارنی اویلارکان یولاوچیلارنی جانینی ساقلاب قالیش مقصدیدا چاره ایزلای باشلادی. ناگهان بیر چاره تاپکندای بولدی و او تیزلیک بیلان اوستیدایگی

کیمیلارینی بیچیب بیر تیاققا باغلادی و مشعله یاسادی مشعله گا فانوس ماییدان توکدی و اونى یافدی. ریزعلی مشعله نی کوتاریب پاییزد کیلایاتگان تامانگا چاپا باشلادی.

پاییزد حایداوچیسى مشعله نی کورگاچ آلدیندا قانداپدیر خطر بارلیگینی توشوندی و ترمزنى باسدی. پاییزد قاتتیغ سیلکینیشدان سونگ توختادی. حایداوچی و یولاوچیلار سراسیمه دا پاییزددان توشدیلار. یالانچا ریزعلی مشعله همدا تاغدان توشگان تاش اویوملارینی کورگان آدملار نیما بولگانیی و ریزعلی نینگ فداکارلیگی نتیجه سیدا عملاری امان قالگانلیگینی توشوندیلار. ریزعلی شو کیچا اوشا لحظه داگی شادلیگینی هیچ قاچان یادیدان چیقارمایدی. ریزعلی اوشا کیچا شادلیکدان اویقوسی کیلماس و یولاوچیلار نینگ حیاتیى ساقلاب قالگانی اوچون خداگا شکر قیلدی.

**2-топширик.** Қуйида берилган Абдулла Авлониининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридан олинган **настаълиқ хатида** битилган “Тўғрилиқ” ва “Нодонлиқ” матнларини ўқинг, кўчириб ёзинг ва жорий ёзувга табдил қилинг.

### توغریلیغ

بیر کمپیرنینگ اوییدا بیر توپ بلخ توتی بار ایردی. نهایتدا توغری اوسغان ایردی. بیچاره کمپیرنینگ شو توتدین باشقا هیچ نیمرساسی یوق ایردی. توت پیشگان وقتدا میوه لارینی فوروتوب قافغا سالوب بایلارغا تارتوق قیلوب بونینگ ایوازیگا پول آلیب شو آرقالی وقتینی اوتکارور ایردی. بیر کون اول شهرنینگ پادشاهی بیر ایوان سالماقچی بولوب اوستون تاپیشنی بویوردی. ملازیملار اوستون اختاریب کمپیرنینگ اوییدا جایلاشگان توت آلدیدا توختادیلار و اوزلاریچا شول توت یاغاجی توغری کیلسا کیراک دیب اویلادیلار و اونى کمپیردین مینگ آلتونغا ساتیب آلدیلار. بیچاره کمپیر بای خاتون بولوب قالدی. بیر کون کمپیر توتتی کورماق اوچون سراپگا کیلدی. کوردیکه توتی جنت کبی بیر ایوان اورتاسیندا توریدور. کمپیر توتیغا قاراب دیدی.

ای توتوم توغریلیغینگ قیلدی بیزی ایگری بولسانگ سین اوتون بولغای ایردینگ دولتغا یار  
مین خوار و زار  
توغریلار جنتنینگ ایوانیداور  
اوغریلار رنج و علم کونیندادر

### نادانلیک

بیر بالا قودوق باشیدا نان بیب اوتوروب ایردی. نانی قولیدان قودوقغا توشوب کیتتی. بالا بیغلاب آتاسینینگ آلدیغا باروب حالین بیان قیلدی. آتاسی درحال اورنیدان توروب بالاسین قولیدین اوشلاب قودوق باشیغا کیلدی. ایککی قولین قودوقنینگ ایککی یاغیگا قویوب باشین اینگاشتیروب قودوق ایچیکا باقعانیدا سوودا اوز عکسینی کوروب نادانلیکدان سوودا کورینگان کیشی اوزی ایکانین بیلمادی. کمال اچچیغی ایلا انگا باقوب ای شیطان بوندای

ياش بالانينگ قولىدىن نانين تارتوب آلوب ييب تيريكلېك قىلگونچا آچلىكىدىن اولگانينگ ياخشى  
ايماسمو ديدى. حصه نادانلىك كيشيگا اوز اوزىنى حقارت قىلدىرور.

**Мавзуга оид савол ва топшириқлар:**

1. Куфий хати ҳақида маълумот беринг.
2. Муҳаққақ хати ҳақида маълумот беринг.
3. Сулс хати ҳақида маълумот беринг.
4. Насх хати ҳақида маълумот беринг.
5. Рикоъ хати ҳақида маълумот беринг.
6. Девоний хати ҳақида маълумот беринг.
7. Таълиқ хати ҳақида маълумот беринг.
8. Хаттотлик нима? Хаттот ким?
9. Хаттотликка оид терминларга изоҳ беринг.
10. Қадимда китобатчилик санъати ривожи нимага асосланган?
11. Хаттотлик куруллари ҳақида маълумот беринг.
12. Китобатчилик терминлари ҳақида маълумот беринг.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. И. Азимов, М. Тожибоева ва А. Ғозиев **Эски ўзбек ёзуви**. Фарғона. «Фарғона» нашриёти, 2020 й.
2. Жуманиёзов Р. **Эски ўзбек ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 й.
4. Исҳоқов Ф. **Эски ўзбек тили ва ёзуви**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.
5. Халилов Л. **Ўқиш китоби**. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1998 й.

## 10 – МАШҒУЛОТ

### МАВЗУ: АБЖАД ҲИСОБИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРФИЙ САНЪАТЛАР. МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### *Режа:*

1. Ҳарфий санъатлар.
2. Тарих санъати.
3. Тажнис санъати.
4. Туюғ санъати.
5. Муаммо санъати.
6. Луғз санъати.
7. Чистон санъати.
8. Топишмоқ санъати.
9. Матншунослик.
10. Манбашунослик.

*Таянч сўз ва иборалар:* араб-ўзбек алифбоси, ҳарфлар, сон, қиймат, абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, сахаз, зазағ, абжад ҳисоби, абжадхон, ҳарфий санъатлар, тарих санъати, туюқ санъати, тажнис санъати, муаммо санъати, луғз санъати, чистон санъати, топишмоқ санъати, матншунослик, манбашунослик, ҳамда, наът, пойгир, колофон, қўлёзма асарлар, тошбосма асарлар

**Ўқув машғулотининг мақсади:** араб-ўзбек алифбоси, ҳарфлар, сон, қиймат, абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, сахаз, зазағ, абжад ҳисоби, абжадхон, ҳарфий санъатлар, тарих санъати, туюқ санъати, тажнис санъати, муаммо санъати, луғз санъати, чистон санъати, топишмоқ санъати, матншунослик, манбашунослик, ҳамда, наът, пойгир, колофон, қўлёзма асарлар, тошбосма асарлар ҳақида назарий маълумотлар бериш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш

### АБЖАД ҲИСОБИ

Араб ёзуви ўзининг гўзаллиги, хушхатлиги билан жаҳон халқларининг эътиборини доимо жалб қилиб келган. Ўтмишда бу

ёзув тарихий ёдгорликлар, улкан иншоотлар, осори атиқалар учун нақш, безак вазифасини ҳам бажарган. Булардан ташқари унинг яна бир муҳим вазифаси бор, у ҳам бўлса араб алифбосининг рақам, сон маъносини ифода этиш билан боғлиқлигидир.

Манбалардан маълум бўлишича, араблар (милоддан 2000 йил илгари) ўз алифболарини тузишда қадимги ёзувлар бўлмиш финикия ва оромий ёзувларидан ҳарфлар номларини ва улар билан бирга ҳар бир ҳарфнинг рақамий тенглигини ҳам олганлар. Демак, абжад ҳисобининг тартиби финикия ва оромий ёзувларидан келиб чиққан. Лекин уларнинг алфавитида ҳарфлар сони йигирма иккита бўлиб, тўрт юздан кейинги сонларнинг ифода қилинишида охириги ҳарф «тав» (арабларда «атун»)га олдинги ҳарфлардан бирини қўшиб беш юздан минггача бўлган сон ифодаларини ҳосил қилганлар (**Масалан:** тавқоф, тавреш, тавшин каби). Араблар бу усулни бироз такомиллаштирдилар. Улар олтига ҳарф ихтиро қилиб «сахаз» ва «зазағ» сўзларини ясадилар. Бу атамалар беш юздан минггача бўлган сон ифодаларини ҳосил қилишга ёрдам берди. Шу тариқа арабларда йигирма саккиз ҳарфни ўзида жамловчи саккиз атама (сунъий сўз) ҳосил бўлган. Булар қуйидагилар:

كلمن	حطى	هوز	ابجد
50 40 30 20	10 9 8	7 6 5	4 3 2 1
ضظغ	ثخذ	قرشت	سغفص
1000 900 800	700 600 500	400 300 200 100	90 80 70 60

Мазкур атамалар муайян бир маънони англатмайди, улар ҳарфлар мужассами холос. «Абжад ҳисоби» ана шу атамаларнинг биринчиси номига қўйилган. Ҳарфлар воситасида сон тушунчасини ифода этиш усули эса «абжад ҳисоби» деб аталган. Бу усул ҳарфлар сирасини ёд олишда қулай бўлгани сабаб мактабларда махсус ўқитилган ва абжад ўқиётган болалар «абжадхон» деб аталган.

Эски ўзбек ёзувидаги форслар ва турклар томонидан кейинчалик киритилган тўрт ҳарф “пе” (پ), “чим” (چ), “ж:е” (ج) ва “гоф” (گ) борасида абжад ҳисоби амалга ошириляётган матнда ушбу ҳарфлар иштирок этаётган бўлса, ҳисобда уларнинг

шаклдошлари “бе” (ب), “жим” (ج), “зе” (ز), ва “коф” (ك) дан фойдаланилган.

Абжаднинг келиб чиқиши ҳақида ҳам қатъий бир фикр мавжуд эмас. «Абжадни ҳукамолар тартиб берганлар, ҳижо ҳарфларининг ҳаммаси унда тўплангандир ва маъниси яширингандир» ёки «Абжад машҳур кишилар номидан олинган» кабилидаги фаразлар юради.

Манбаларда келтирилишича, араблар қадимда абжад атамаларидан ҳафта кунларини номлашда ҳам фойдаланганлар.

Абжад ҳисобининг ихчам, лўнда ва кулайлиги унинг шеъриятда ҳам кенг қўлланишига сабаб бўлди. Бирон муҳим ҳодиса, воқеаларнинг содир бўлган вақтини, кўлёмаларнинг ёзиб тугалланган йилини, мансабдор шахсларга бағишлаб ёзилган қасида ва тарихлар санасини беришда сонлар ҳарфлар билан ифодаланган. Бу усул муайян санани шеъриятда ихчам ҳолда ифодалашни таъминлаши билан бирга, уларни эсда тутишни ҳам осонлаштирган. Ўзбек ва шарқ шеъриятининг асосий анъаналаридан ҳисобланган қатор шеърий санъатлар асосини ҳам ана шу абжад ҳисоби ташкил қилган. Ҳатто бу усулдан фойдаланиб махсус асарлар яратилганки, уларнинг айрим намуналари бизгача етиб келган.

Манбалардан маълум бўлишича, абжад ҳисоби мусиқа санъатида ҳам муваффақият билан қўлланилган. XV асрда яшаб ижод этган машҳур мусиқашунос Зайнобиддин бин Маҳмуд ал-Ҳусайний Навоийнинг топшириғи ва унга атаб ёзилган «Қонуни илмий ва амали мусиқий» («Мусиқанинг илмий ва амалий асослари») асарида чолғу асбобларидан баланд ва паст товуш ҳосил бўлиш сабаблари, интерваллар ва уларнинг нисбий муносабатлари каби масалаларни ёритишда абжад усулидан фойдаланган.

Абжад ҳисобидан бохабар бўлишнинг ҳозирги даврда ҳам аҳамияти катта. Аждодларимиздан бизгача етиб келган кўлёмза манбалари билан шуғулланадиган ҳар бир шахснинг ёзма ёдгорликлар яратилган ёки нусха кўчирилган йилларини аниқ белгилашида ҳамда абжад ҳисоби билан боғлиқ муайян шеърлар ва ҳарфий санъатларнинг тарихини аниқлашда абжад ҳисобидан яхши хабардор бўлиши талаб қилинади.

## АБЖАД ҲИСОБИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРФИЙ САНЪАТЛАР

Ўзбек мумтоз адабиёти шеърӣ санъатларнинг бебаҳо конидир. Шеърга ўзгача жило, чуқур маъно, жозиба, зийнат, мусиқийлик каби қатор хусусиятлар бахш этувчи бадий санъатларни адабиётшунослар иккига – маънавий ва лафзий санъат турларига бўлиб ўрганиб келганлар. Лекин эски ўзбек ёзуви ҳарфлари билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир гуруҳ ҳарфӣ санъатлар ҳам мавжудки, ҳозирда уларни ҳам алоҳида таснифлаш лозим. «Чунки ҳарфӣ санъатларнинг амалиёт доираси кенглигидан ташқари, санок кўплиги ва функционал хизматининг муҳимлиги билан ҳам махсус ўрганишга арзигуликдир» Ўтмишда адабиёт намоёндалари мазкур санъат турининг асоси бўлмиш араб ҳарфларининг график шаклларида бадий санъат сифатида кенг истифода этганлари маълум. Лутфӣй, Атоӣй, Саккокий, Жомӣй, Навоӣй, Бобур, кейинчалик, Машраб, Мунис, Огаҳӣй, Муқимӣй, Фурқат лирик қаҳрамоннинг зоҳирӣй ва ботинӣй қиёфаси ҳамда руҳияти билан боғлиқ ҳолатларни тасвирлашда араб алифбосининг алиф (ا), дол (د), сод (ص), айн (ع), жим (ج), нун (ن) каби ҳарфларидан, нукта ва характерли айрим сўзлардан моҳирлик билан фойдаланганлар. Ҳатто бу санъат тури ҳуснихат услублари номларини, хаттотлик билан боғлиқ жараёнларни тасвирлашда ҳам муваффақият билан қўлланган.

## ТАЪРИХ

Таърих бирон муҳим воқеа ҳодисанинг содир бўлган вақтини аниқ ифодалайдиган махсус назмӣй асар бўлиб, қофияланиш ва ҳажм жиҳатидан қатъӣй бир қоидага эга эмас. Шу сабаб у маснавий, қасида, ғазал ва бошқа жанрларда ҳам ёзилиши мумкин.

Таърихлар асосан кўлёма ёдгорликларнинг ёзилиши, хотима топиши, нухалар кўчирилиб тугалланиши, ҳукмдорларнинг тахтга ўтириши ёки четлатилиши, ҳарбий юришлар вақтидаги ғалаба ёхуд мағлубият, мадраса, масжид, йирик иншоатларининг қурилиши, таъмирланиши, табиат ҳодисаларининг содир бўлиши билан боғлиқ воқеалар муносабати билан битилган.



Таърих жанри баъзи хусусияти билан муаммога ўхшаб кетади. Муаммода бирон ном яшириб берилса, таърихда бирон рақам, сана яширинган бўлади. Рақамларни шеърга киритиш вазн нуктаи назаридан қийин бўлгани сабаб, шоирлар абжод ҳисобига мурожаат қилдилар. Яъни рўй берган воқеа санасини ҳарфлар орқали ифодалаш усулини қўллаб таърихлар яратдилар.

Таърихлар икки қисмга бўлинади:

1. Таърихи суварий (суварий – санъат сўзининг кўплиги)
2. Таърихи маънавий.

Таърихи суварийда таърих моддаси унинг ёзилиши шаклиданок англашилиб туради:

راقم فقير سعيد نياز ولد محمد يعقوب قوليدا ۱۲۳۴ هجرى ذوالحجه آيى نينك ۲۱ چى كونيда اختتام سرحدى غه يتوشدى.

Қўлёзма хотимасидан англашилишича асар 1224 (1809) йили зулҳижжа ойининг 12-кунида ёзиб тугатилган.

Мана бу таърих ҳам таърихи суварийнинг гўзал намунаси ҳисобланади:

تاريخه سيكيز يوز داغى اون ايردى و قدر اخشامى بير آى توغولدى  
دنياداكيم مملكتدا خان اپرور.

Мазкур таърих шоир Саккокий томонидан Темурнинг набираси Халил Султонга бағишлаб битилган бўлиб, унинг мазмунидан маҳзода ҳижрий 810 йили таваллуд топгани англашилади.

Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» номли дидактик ва ахлоқий мавзулардаги рубоийлардан таркиб топган асари муқаддимасида шоир асарнинг яратилиш сабаби, ёзилган йили ва мақсади ҳақида фикр юритади. Ундан маълум бўлишича, Алишер Навоий кенг қўламдаги бадий намуналарини ўқиб, куръони каримни мутолаа қилиб юрган вақтларда форсий тилда шеърга солинган Ҳазрат Алининг сўзлари унинг кўнглига жо бўлиб қолган. Уларни туркий тилда ҳам шеърга солиш Навоийнинг ниятларидан бири бўлган. Лекин шоирнинг эътироф этишича, бунга имкон ва вақт тополмаган. Аммо шу пайт Ҳирот адабий ҳаётида ажойиб бир асар майдонга келади. Бу Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»си эди.

Навойй бу асар ёзилган йил таъриhini «файз» сўзи орқали беради. Абжад ҳисобида бу сўздаги ҳарфлар йиғиндисидан 890 (1485) йил чиқади.

Таърихи маънавийда сўзнинг маъноси мавзуга тамоман муносиб тушади ва таърих моддаси абжад ҳисобида чиқади.

Абдурахмон Жомий вафотига бағишлаб Хусомий Қаландарий томнидан ёзилган мана бу таърихнинг таърих моддаси «ашъори дилфиреб» иборасидан абжад ҳисоби усулида чиқарилади:

رفت از جهان و ماند میان سخنوران  
تاریخ فوت خیشتن عشعار دلفریب.

Яъни, ўзи (Жомий) жаҳондан кетган бўлсада, нуктадонлар орасида ўзининг «дилфиреб ашъор»ини вафотига таърих қилиб қолдириб кетди.

عشعار دلفریب нинг абжад ҳисоби 898 га тенг.

Баъзан таърих моддаси чиқадиган сўз жумлалар орасига кистириб ўтилиши ҳам мумкин. Масалан, Ҳасанхўжа Нисорий ўзининг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида Жомий ҳақида маълумот берар экан «Умр ёшлари گاس (кос)га этганда» деган жумлани кўллайдик, бунда кас сўзининг абжад ҳисоби 81 ни ташкил қилади ва у шоирнинг вафот этган вақтидаги ёшини билдиради. («Музақкири аҳбоб» 41-бет).

Мана бу таърих Убайдулаҳхон даврида Бухорода барпо қилинган олий иморатлардан бири Мир Араб мадрасасининг қуриб битказилиши муносабати билан шоир Азийий томонидан айтилган бўлиб, таърихи маънавийнинг энг гўзал кўринишларига мисолдир:

میر عرب فخر عجم آن که ساخت  
مدرسه عالی بو العجب  
بو العجب این استکه تاریخ او  
مدرسه عالی میر عرب

Шеърнинг таърих моддаси мадрасаи олийи мир араб ( مدرسه میرعرب عالی) ибораси ҳарфлари йиғиндисидан чиқади, яъни 942 (милодий 1536).

Таърихнавислик XVIII-XIX асрларда ривожланишнинг юқори нуктасига кўтарилди. Натижада таърихлар нуктали ва нуктасиз